



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
«ЭЛ-ЮРТ УМИДИ» ЖАМҒАРМАСИ**

UZBRIDGE ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛИ



Ўзбекистон, Тошкент ш.,
Амир Темур - 13 уй



uzbridge@eyuf.uz



www.uzbridge.eyuf.uz

МУНДАРИЖА

№	Муаллиф	Мақола номи	Саҳифа
Илмий мақолалар			
1.	А.Бекмуродов, О.Саттаров, А.Тўхтаев, Р.Бозоров	GCI индексидаги кўрсаткичларнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳажмининг ошишига таъсири	3-11
2.	Х.Урдушев, С.Эшонқулов	Кластерлар ва уларнинг ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштириш усуллари билан такомиллаштириш	12-26
3.	З. Адилова Б. Хонтураев С. Адилова	Modernization of higher education systems based on innovation and cluster approach	27-33
4.	Ш.Зокиров	Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергетикани ривожлантириш масалалари: муаммолар ва ечимлар	34-46
5.	Б.Валиев	Инвестиция стратегиясини ишлаб чиқиш ҳудудларда инвестицион фаолликни ошириш асоси	47-58
6.	М.Мавлянов	Чорвачиликни ривожлантиришда оптималлаштириш усуллари кўллашнинг афзалликлари	59-70
7.	А.Қосимов	Сурхондарё вилояти саноат тармоқлари таркибий ўзгаришларининг статистик таҳлили ва уни такомиллаштириш босқичлари	71-81
8.	Р.Бозоров	Тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг назарий ва методологик асослари	82-90
9.	Ш.Саипназаров	Молиявий инжиниринг концепцияси асосида инновацион банк маҳсулотларидан фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш	91-101
10.	М.Зокиржонов	Қарз мажбуриятини белгиловчи молиявий инструментлар рискни баҳолашнинг creditmetrics методологияси	102-112
11.	А.Гиясов	Пути сокращения налоговой задолженности	113-122
Хорижий эксперт Ўзбекистонда бўлаётган ислохотлар ҳақида.....			
12.	Р.Болитхо	An era of progress	123-126
Хорижда таълим олган ватандошларимизнинг очерклари			
13.	М.Жулиев	Ёш геологнинг тажрибаси	127-129
14.	О.Жўраев	Хорижий тилда илмий иш қилаётган ўзбек йигити	130-131
15.	Н.Рахимова	«Эл-юрт умиди» жамғармасининг 42 нафар стипендия ғолибларининг Буюк Британиянинг NILEда малака ошириш таассуротлари	132-135
16.	Г.Рахимова	“Эл-юрт умиди” Жамғармаси стипендия ғолиби Франциянинг Версаль Академиясида	136-138

GCI индексидаги кўрсаткичларнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳажмининг ошишига таъсири

**Бекмуродов А.Ш. – и.ф.д., проф.
Саггаров О.Б – и.ф.д., доц.
Тўхтаев А.Х., Бозоров Р.Ҳ.**

Аннотация: Мақолада тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг жалб қилиш ҳажмининг ошиши миллий иқтисодиётнинг халқаро индексларда иштирокига бевосита боғлиқлиги эконометрик таҳлиллар асосида тадқиқ қилинган, шунингдек, хорижий инвестицияларни жалб қилишни такомиллаштиришга қаратилган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган.

Аннотация: В статье проведено исследование на основе эконометрического анализа увеличения объема привлечения прямых иностранных инвестиций в национальную экономику по международным показателям и разработаны рекомендации по улучшению привлечения иностранных инвестиций.

Annotation: The article to attract foreign direct investment, increase international participation in the index directly linked to the national economy on the basis of econometric analysis, as well as to attract foreign investment recommendations aimed at improving the offer.

Калит сўзлар: тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, инвестиция муҳити, Глобал рақобатбардошлик индекси, эконометрик таҳлил.

Ключевые слова: прямые иностранные инвестиции, инвестиционный климат, индекс глобальной конкурентоспособности, эконометрический анализ.

Key Words: foreign direct investment, investment climate, Global competitiveness index, econometric analysis.

Кириш

Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси доирасида қабул қилинган “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” давлат дастурида мамлакатни ривожлантиришнинг энг муҳим ва устувор йўналишлари ифодаланиб, улар сўнгги йилларда айниқса иқтисодий ўсиш соҳасида шаклланган стереотип қарашларни тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Сўнгги йилларда, жаҳон бозорларининг шиддатли ва гирдобли ҳаракати шароитида, дунёдаги илғор мамлакатларда иқтисодий ўсишни таъминлай олувчи асосий ўсиш омиллари, яъни драйверларининг жуда аниқ белгиланишини тез-тез кузатмоқдамиз. Шубҳасиз, турли ҳукуматлар арсеналида иқтисодий ўсишни таъминловчи ранг-баранг механизм ва воситалар тўплами мавжуд. Бироқ, фикримизча, иқтисодий ўсишга ижобий таъсир кўрсата олувчи турли-туман омиллар мавжуд бўлсада, ҳозирги кунда Ўзбекистонда учта инновацион таркибий қисм: инвестициялар, инновациялар ва маркетинг иқтисодий ўсишнинг асосий воситалари сифатида тан олиниши лозим.

Амалий ҳаётда инвесторлар бирор бир мамлакат иқтисодиётига, жумладан Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам инвестицияларни киритиши билан боғлиқ бўлган қарорларни қабул қилиши учун ўша мамлакатларнинг бизнесни ташкил этиш ва уни юритиш учун яратган шарт-шароитлари, инвестицион муҳитни соғломлаштириш бўйича олиб бораётган ижтимоий-иқтисодий сиёсати, хусусан, хорижий компанияларнинг ҳеч

Бекмуродов А.Ш., Саттаров О.Б., Бозоров Р.Ҳ.
GCI индексидаги кўрсаткичларнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳажмининг ошишига таъсири

қандай монеликсиз кириб келиши, фаолият олиб бориши учун эркин иқтисодий ва махсус зоналарнинг ташкил этилганлиги, солиқ ва бошқа молиявий имтиёзларнинг мавжудлигига эътибор қаратишади. Шунинг учун ҳам кўпгина ривожланган трансмиллий компаниялар тўғридан-тўғри инвестицияларни бирор бир мамлакат иқтисодиётига киритишдан олдин мамлакатнинг инвестиция муҳитини маълум иқтисодий индикаторлардан фойдаланган ҳолда баҳолайди, улар одатда халқаро индекслар шаклида ифодаланади.

Йирик хорижий инвесторлар иқтисодиёт ҳолатини баҳолашда фойдаланадиган асосий индекслардан бири бу Глобал рақобатбардошлик индекси (GCI, Global Competitiveness Index) бўлиб, инвесторлар шу каби индексларга таянган ҳолда стратегик қарорлар қабул қилишлари, бу борада мамлакатимиз ҳаётида амалий сиёсий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш учун таҳлиллар асосида етарлича асосланган илмий тадқиқот натижалари талаб этилиши, ушбу тадқиқотнинг долзарблигини белгилаб беради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев [1] миллий иқтисодиётга жалб қилинаётган хорижий инвестициялар динамикаси таҳлили ҳақида тўхталиб: “Хорижий инвестицияларни, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича ишлар қандай аҳволда экани танқидий таҳлилни талаб этади. Бундай инвестицияларнинг улуши 30 фоизга тушиб қолган” деб таъкидлаганлар.

Етакчи иқтисодчи олимлардан бири А.Ш.Бекмуродов [2] хорижий инвестицияларнинг хусусиятлари, уларнинг иқтисодиётдаги роли ҳамда инвестиция муҳити ҳақида тўхталиб: “Жаҳондаги аксарият мамлакатлар тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш учун маълум даражада рақобат курашини амалга ошириб, бунинг учун қулай ва рақобатбардош инвестиция муҳитини шакллантиради. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар нафақат ички молия ресурслари чекланганлиги шароитида ҳар бир мамлакат учун муҳим қўшимча капитал манбаи, балки мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлигини таъминлаш учун зарур инновациялар, янги техника ва технологиялар, билимлар, ўқув ва компетенцияларнинг ҳам ишончли манбаи ҳисобланади” дея таъкидлаган.

Халқаро амалиётда, одатда, объектнинг (мамлакат, ҳудуд, тармоқ) инвестицион жозибадорлиги ёки инвестицион иқлими фақатгина инвесторнинг мазкур ҳудудга “кириб бориши” ва нотижорат хатарларнинг йиғиндиси билан баҳоланишига эътибор қаратилади.

Мамлакатнинг инвестицион салоҳиятини шакллантириш ва амалга ошириш таҳлилига бағишланган, Ф.С. Тумусов [3] томонидан тақлиф этилган ёндашув ҳам диққатга сазовор. У “инвестицион салоҳият”ни сармояни такрор ишлаб чиқаришнинг моддий, молиявий ва интеллектуал эҳтиёжларини қондиришни таъминловчи реал инвестицион талабга айланиш имконига эга бўлган инвестициялар бозорида инвестицион талаб шаклида намоён бўладиган, тўпланган сармоянинг бир қисмидан иборат инвестицион ресурсларнинг жамланмаси сифатида талқин этади.

С.В. Зенченко, М.А. Шемёткин [4] ўз тадқиқотида инвесторларнинг хоҳишига кўпроқ таъсир кўрсатувчи бир қатор омилларни ажратиб кўрсатишади. Хусусан, мамлакат/ҳудуднинг инвестицион салоҳиятини баҳолаш учун энг муҳим омиллардан қуйидагиларни келтиришади: ресурсли – хом ашёвий (табиий ресурслар асосий турларининг ўртача ўлчанган таъминоти); ишлаб чиқариш (ҳудуддаги хўжаликлар фаолиятининг умумий натижаси); истеъмол (ҳудуд аҳолисининг харид қилиш қобиляти); инфратузилмавий (ҳудуднинг иқтисодий-географик ҳолати ва унинг

Бекмуродов А.Ш., Саттаров О.Б., Бозоров Р.Ҳ.
GCI индексидаги кўрсаткичларнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳажмининг ошишига таъсири

инфратузилмавий таъминланганлиги); интеллектуал (аҳолининг маълумот даражаси); институционал (бозор иқтисодиётига асосланган етакчи институтларнинг ривожланганлик даражаси); инновацион (ҳудудда илмий-техника тараққиёти ютуқларини татбиқ этиш даражаси). Шуни таъкидлаш керакки, инвестицион салоҳият ҳудудларни таснифлаш мезонларидан бири ҳисобланади.

Маҳаллий иқтисодчи олимларимиздан бири Ш.И.Мустафақулов [5] инвестицион муҳит ва унинг шаклланиши хусусида тўхталиб: “инвестицион муҳит – инвестицион жараёнлар амалга ошадиган шароит бўлиб, у ҳудуднинг инвестицион фаолияти ҳамда инвестицияларнинг риск даражасини аниқлайдиган сиёсий, иқтисодий ҳуқуқий, ижтимоий ва бошқа омиллар таъсирида шаклланади...” дея фикр билдирган.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотда ҳар бир мамлакат иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳажмининг ошиши ушбу мамлакатларнинг Глобал рақобатбардошлик индексидаги ўрни кўрсаткичларига боғлиқлиги эконометрик таҳлиллар асосида баҳоланган. Ушбу таҳлил натижалари сосида Ўзбекистоннинг халқаро рейтинг агентликлари томонидан эълон қилинадиган индексларда иштирокини ошириш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар мамлакатимизда олиб борилаётган инвестиция сиёсатини ташкил этиш ҳамда реал сектор корхоналарини модернизация қилишда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини

юқори рейтинг кўрсаткичлари тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишда ижобий таъсир кўрсатади деган гипотеза илгари сурилди.

Амалга оширилган таҳлил иккиламчи маълумотлар асосида тузилган бўлиб, бунда иккита ўзгарувчидан фойдаланилган, яъни тўғридан тўғри хорижий инвестициялар, FDI, ва Глобал рақобатбардошлик индекси, GCI.

Таҳлил ва натижалар

Тўпланган маълумотлар характери панел маълумотлари кўринишида бўлиб, 127 мамлакатнинг 2007 йилдан 2017 йилгача бўлган 10-йиллик даврдаги маълумотларини ўз ичига олган. Маълумотларни панел маълумотлари кўринишида тузиш бизнинг ҳамда кўпгина хорижий тадқиқотчилар (Baldev ва Badi, 1992; Gujarati, 2004)нинг фикрига кўра ушбу икки ўзгарувчи орасидаги боғлиқликни янада чуқурроқ тушунишга ёрдам беради.

Бизнинг регрессияларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар тобе ўзгарувчи сифатида намоён бўлади, шу вақтнинг ўзида Глобал рақобатбардошлик индекси мустақил ўзгарувчи сифатида иштирок этади. Бунинг асосий сабаби тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар натижавий омил ҳисобланади, яъни ушбу омилнинг иқтисодиётга ижобий таъсири аниқлиги исботланган (Borensztein ва бошқ., 1998; De Gregorio, 2003; De Mello, 1997; Mah, 2010; Rodrik, 1999) бўлиб, уни ошириш асосий мақсад ҳисобланади.

Эконометрик таҳлилнинг умумқабул қилинган усуллари (Gujarati, 2004; Brooks, 2008) кўра биринчи навбатда маълумотларни тартибга солиш жараёни амалга оширилди. GCI бўйича маълумотлар Умумжаҳон Иқтисодий Форуми (WEF, 2018) томонидан чоп этиладиган Глобал рақобатбардошлик бўйича ҳисоботдан ҳар бир мамлакатга бериладиган 12 гуруҳ кўрсаткичлари асосида шаклланган коэффицентлар кўринишида олинди.

Биз таҳлил учун айнан GCI коэффицентларини танлаб олганимизнинг сабаби категориялик маълумотлар (рейтинглар аслида кетма-кет жойлаштирилган категориялар ҳисобланади) асосида таҳлилни амалга оширишда уларнинг нопараметрик хусусиятлари туфайли муаммолар келиб чиқиши мумкинлигида эди.

Бекмуродов А.Ш., Саттаров О.Б., Бозоров Р.Ҳ.
GCI индексидаги кўрсаткичларнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни
жалб қилиш ҳажмининг ошишига таъсири

Таҳлилда иштирок этиш учун мамлакатлар рўйхатини тузишда танланманинг асосий мезони сифатида маълумотлар манбаларида тўлиқ маълумотларнинг мавжудлиги ҳисобга олинди.

Ўн йиллик тўлиқ маълумотга эга бўлмаган мамлакатлар таҳлилга киритилмади.

Тўғридан тўғри хорижий инвестициялар бўйича маълумотлар Жаҳон банкининг маълумотлари базасидан олинди (World Bank, 2018). Бизнинг тадқиқотда Жаҳон банкининг таърифи қўлланилган бўлиб, унга кўра тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга инвестицион капиталнинг иқтисодиётга йўналтирилган оқими киради. У ўз капитали, қайта инвестицияланган фойда ва бошқа капиталдан иборат бўлиши мумкин. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар бу бир мамлакат иқтисодиёти резидентига тегишли бўлган, бошқа иқтисодиётда жойлашган ташкилот бошқарувида сезиларли таъсир ёки назоратга эга трансчегаравий инвестициялардир.

10% ёки ундан кўп оддий овоз бериш ҳуқуқи мавжуд акцияларга эгалик қилиш тўғридан-тўғри инвестицион муносабатлар учун мезон сифатида қабул қилинган. FDI маълумотлар жорий АҚШ долларларида келтирилган.

127 та мамлакатнинг 10 йиллик маълумотлари панел кўринишга келтирилганидан сўнг стационарликни текшириш учун ҳар бир ўзгарувчининг унивариант таҳлили амалга оширилди. Маълумотларни 127 мамлакат ва 10 давр кесимида панел кўринишда тузиб олгандан сўнг (илова 1) ҳар бир ўзгарувчини стационарликка текшириш учун унивариант таҳлили амалга оширилди. Бунинг учун Levin, Lin ва Chu (2002), Im, Pesaran ва Shin W-stat (2003), ADF Fisher Chi-квадрат ва PP Fisher Chi-квадрат усулларини қўллаш орқали бирлик илдиз тестлари (Unit root test) ўтказилди. Интерпритация масаласини енгиллаштириш ҳамда ўзгарувчининг гетероскедастиклик муаммосини олдини олиш мақсадида FDI ўзгарувчиси логарифмик кўринишга келтирилди. GCI ўзгарувчисини логарифмик кўринишга келтиришга ҳожат бўлмади, чунки ушбу ўзгарувчинининг ўлчов бирлиги индекс кўринишда келтирилгандир.

1-жадвал.

Бирлик илдиз тестлари

Ноль гипотеза: бирлик илдиз мавжуд					
Усуллар		Levin, Lin ва Chu (LLC)	Im, Pesaran ва Shin (IPS) W-stat	MW-ADF Fisher Chi-квадрат	MW-PP Fisher Chi-квадрат
	Ўзгарувчилар				
Даража (Level)	FDI	-23.7366 (0.0000)	-7.34098 (0.0000)	421.046 (0.0000)	541.651 (0.0000)
	GCI	-9.08290 (0.0000)	-0.47084 (0.3189)	278.592 (0.1385)	243.143 (0.6769)
Фарқ (First difference)	FDI	-27.1497 (0.0000)	-11.7386 (0.0000)	565.789 (0.0000)	1074.47 (0.0000)
	GCI	-25.2292 (0.0000)	-9.91907 (0.0000)	569.754 (0.0000)	764.557 (0.0000)
<i>Eviews дастури ёрдамида ҳисоб-китоб қилинган</i>					

Бирлик илдиз тестлари натижаларига кўра FDI ўзгарувчиси даражада (level) яъни бирламчи келтирилган маълумотлар асосида стационар эканлиги аниқланди, шу вақтни ўзида GCI ўзгарувчиси бирданига 3 та тест асосида стационар эмаслиги аниқланди. Шу туфайли бирламчи маълумотларни фарқни олиш орқали трансформация қилишга эҳтиёж туғилди, бунда фарқ бир даврнинг аввалгисидан айириш орқали олинди. Янгидан тузилган, трансформацияланган маълумотлар бошидан бирлик илдиз тестидан ўтказилди ва бунда бирданига иккала ўзгарувчи стационар эканлиги аниқланди. Бу ҳолат эса (яъни стационарлик) ушбу икки ўзгарувчи ўртасидаги ўзаро алоқани ўрганишни давом эттиришга имкон берди.

Бекмуродов А.Ш., Саттаров О.Б., Бозоров Р.Ҳ.
GCI индексидаги кўрсаткичларнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни
жалб қилиш ҳажмининг ошишига таъсири

Регрессион таҳлилни амалга оширишдан аввал ушбу икки ўзгарувчи ўртасидаги корреляцияни аниқлашга қарор қилинди. Панел маълумотлари билан ишлаганда корреляцияни аниқлаш мураккабликларни келтириб чиқаришига қарамасдан ва уларнинг аҳамиятлилик даражаси бир мунча пастроқ бўлишига қарамасдан камида ўзаро алоқанинг векторини (тўғри ёки тескари боғлиқлик) аниқлаш муҳим эди. Қуйида икки ўзгарувчи ўртасидаги корреляция натижалари келтирилган.

2-жадвал.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳамда глобал
рақобатбардошлик индекслари орасидаги корреляция

	LOGFDI	GCI
LOGFDI	1	0.678206434677799
GCI	0.678206434677799	1

Корреляцион таҳлил натижаларининг кўрсатишича ўзгарувчилар ўртасида ўртача кучдаги тўғри боғлиқлик мавжуд. Бундай натижа бизга ўзаро боғлиқликка оид кейинги босқичдаги таҳлилларни амалга оширишни бошлашга имкон беради.

Маълумотларнинг стационарлиги таъминланганлигидан сўнг умумқабул қилинган қоидаларга кўра олдимизда иккита вазифа мавжуд эди: 1) ушбу икки ўзгарувчи орасида боғлиқлик мавжудми ва мавжуд бўлса GCI ни бир birlikка оширишимиз FDI қанчага ўзгартиришини аниқлаш; 2) ҳақиқатда ўзаро боғлиқлик мавжуд бўлса, унда ушбу икки ўзгарувчидан қайси бири иккинчисининг сабабчиси эканлигини аниқлаш.

Биринчи вазифани бажариш учун панел маълумотлари таҳлилининг энг оддий стандарт усулида фойдаландик. Бунда асосий масала регрессион моделнинг қайси бири энг мос келишини аниқлаш лозим эди, яъни танлов доимий таъсир (fixed effects) ва тасодифий таъсир (random effects) моделлари ўртасида амалга оширилиши керак эди (3-жадвал).

3-жадвал.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва Глобал
рақобатбардошлик индекси ўртасидаги ўзаро боғлиқлик: панел
маълумотлари таҳлили

Тобе ўзгарувчи: LOGFDI	Доимий таъсир Fixed effects		Тасодифий таъсир Random effects	
	C	S.e. (p-қиймат)	C	S.e. (p-қиймат)
GCI	0.956871	0.163340 (0.0000) ***	1.484479	0.122641 (0.0000) ***
Константа	17.58341	0.693143 (0.0000) ***	15.33225	0.535359 (0.0000) ***
R квадрат	0.877140		0.021267	
F-статистика	67.73938 (0.000000) ***		25.22733 (0.000001) ***	
Кузатувлар сони	1333		1333	
Давр	11		11	
Мамлакатлар сони	127		127	
Хаусман тести натижалари [23.916868 (0.0000)] Fixed effects га кўра модел танланмоқда				
<i>Манба: Eviews дастури орқали ҳисоб-китоб қилинган</i>				

Иккита модель бўйича регрессияни амалга оширишдан сўнг биз энг мақбулини танлашимиз керак эди. Бунинг учун Хаусман тести амалга оширилди, унинг натижаларига кўра Доимий таъсир (Fixed effects) модели энг мақбули ҳисобланади. Бундан ташқари, танланган моделда Стъюдент ва Фишер критерийлари бўйича статистик аҳамиятлилик кўрсаткичлари аҳамиятли бўлиб чиқмоқда ҳамда R квадрат юқори

Бекмуродов А.Ш., Саттаров О.Б., Бозоров Р.Ҳ.
GCI индексидаги кўрсаткичларнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳажмининг ошишига таъсири

қийматга эга бўлмоқда. Бу ўз ўзидан натижаларнинг ишончилигини таъминлайди. Биз GCI индексининг 1 пунктга ошиши 0,95% га тўғридан тўғри инвестицияларнинг кириб келишини оширади деган хулосага келишимиз мумкин.

Ушбу босқичда биз аниқлаётган боғлиқлик қисқа муддатли характерга эга эканлигини аниқ айтишимиз мумкин. Биз учун энди боғлиқлик узоқ муддатли характерга ҳам эга эканлигини аниқлаш, шу билан бир қаторда икки ўзгарувчи ўртасидаги боғлиқликда қайси ўзгарувчи иккинчисининг сабабчиси эканлигини аниқлаш муҳимдир.

Узоқ муддатли боғлиқликни аниқлаш учун ўзгарувчилар ўртасида коинтеграция таҳлилини амалга оширишимиз керак бўлади.

4-жадвал.

Коинтеграцион тестлар

Усуллар	Гуруҳлар ичида			Гуруҳлараро		
	Тест	Стат.	Эҳтим.	Тест	Стат.	Эҳтим.
LOGFDI GCI	Панель v- статистика	4.046983	0.0000	Гуруҳ rho - статистика	0.367086	0.6432
	Панель rho -статистика	- 5.991910	0.0000	Гуруҳ PP- статистика	- 18.36940	0.0000
Pedroni (1999)	Панель PP- статистика	- 15.20078	0.0000	Гуруҳ ADF- статистика	- 11.30325	0.0000
	Панель ADF- статистика	- 8.037235	0.0000			
Pedroni (2004) (Weighted statistic)	Панель v- статистика	- 12.12901	1.0000			
	Панель rho -статистика	4.694505	1.0000			
	Панель PP- статистика	0.402704	0.6564			
	Панель ADF- статистика	- 11.53662	0.0000			

Манба: Eviews дастури орқали ҳисоб-китоб қилинган

Коинтеграция тестларининг кўрсатишича ўзгарувчилар ўртасида узоқ муддатли боғлиқлик ҳамда ўзаро таъсир мавжуд. Яъни, мамлакатнинг рақобатбардошлик индексида ўз позициясини яхшилаши бир неча йилдан сўнг ҳам тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ошишига таъсир кўрсатар экан. Шунинг ҳам инкор этиб бўлмайдик, ўз навбатида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ошиши маълум бир йиллардан сўнг ҳам мамлакатнинг рейтингдаги ҳолатини яхшилайдди. Объектив савол туғилади, агар ўзгарувчилар ўртасида узоқ муддатли ўзаро боғлиқлик мавжуд бўлса, қайси ўзгарувчи ушбу ўзаро боғлиқлик занжирини бошлаб берувчи асосий сабабчи ўзгарувчи ҳисобланади. Ушбу саволга жавоб топиш учун Грэнжер сабабийлик тести деб аталувчи жараённи амалга ошириш керак бўлади (Granger, 1969).

Бекмуродов А.Ш., Саттаров О.Б., Бозоров Р.Ҳ.
GCI индексидаги кўрсаткичларнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни
жалб қилиш ҳажмининг ошишига таъсири

5-жадвал.

Грэнджернинг сабабийлик тести

Лаглар: 2		
Танланма: 2007-2017		
Кузатувлар: 1008		
Ноль гипотеза:	F-статистика	Эҳтимоллик
GCI LOGFDI нинг сабабчиси эмас	6.39995	0.0017
LOGFDI GCI нинг сабабчиси эмас	1.30530	0.2716
Лаглар: 3		
Танланма: 2007-2017		
Кузатувлар: 868		
Нулевая гипотеза:	F-статистика	Эҳтимоллик
GCI LOGFDI нинг сабабчиси эмас	4.97030	0.0020
LOGFDI GCI нинг сабабчиси эмас	1.43077	0.2324
Лаглар: 4		
Танланма: 2007-2017		
Кузатувлар: 738		
Нулевая гипотеза:	F-статистика	Эҳтимоллик
GCI LOGFDI нинг сабабчиси эмас	2.54598	0.0383
LOGFDI GCI нинг сабабчиси эмас	1.33156	0.2566
Лаглар: 5		
Танланма: 2007-2017		
Кузатувлар: 616		
Ноль гипотеза:	F-статистика	Эҳтимоллик
GCI LOGFDI нинг сабабчиси эмас	0.70076	0.6230
LOGFDI GCI нинг сабабчиси эмас	2.01668	0.0745

Грэнжер сабабийлик тестларининг кўрсатишича биз таклиф қилган ўзаро боғлиқлик аниқ намоён бўлмапти, ваҳоланки, 2, 3 ва 4 йиллик лагларда GCI FDI нинг Грэнжер сабаби бўлмоқда. 5-чи йилдан сўнг эса ушбу таъсир йўқолмоқда.

Биз шундай хулоса қилишимиз мумкин-ки, GCI даги позицияларнинг яхшиланиши тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ошишига олиб келади, ундан ташқари бу ўзгарувчи тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ошишига Грэнжер сабаб ҳам эканлиги аниқланди. Аниқланган лаглар бизга мамлакатнинг GCI даги ҳолатини яхшиланиши икки, уч ва тўрт йилдан сўнг ҳам тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимида ижобий таъсир қилиб туришини кўрсатди.

Кейинги тадқиқотларда биз тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини ошишига таъсир этувчи бошқа омилларни инобатга олган ҳолда, уларнинг таъсирини асослашга ҳаракат қиламиз. Ҳудди шундай таҳлилларни кластер (географик, иқтисодий ва ҳкз.) мезонлари асосида бўлиб таҳлил этиш ҳам қизиқарли натижалар бериши мумкин. Ва ниҳоят, мураккаброқ бўлган таҳлил усулларини (FMOLS, DOLS, VAR) қўллаш орқали бир қатор омилларнинг бир вақтнинг ўзидаги таъсирини таҳлил қилиш ва модератор (moderate) таъсирини аниқлашни режалаштирганмиз.

Хулоса ва таклифлар

Бекмуродов А.Ш., Саттаров О.Б., Бозоров Р.Ҳ.
GCI индексидаги кўрсаткичларнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳажмининг ошишига таъсири

-Бугунги кунда, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар доирасида иқтисодий ўсишга қаратилган ҳаракатларни илмий асослаш, концептуал ёндашувни таъминлашни талаб этади. Мисол учун, макроиқтисодий кўрсаткичларни янги даражага кўтариш учун мамлакат иқтисодиёти ҳар томонлама ривожланиш учун кучли импульс билан иш бошлаётганлиги қарор қабул қилиш жараёнининг аҳамиятини ошириб юборди.

-Мамлакатнинг глобал иқтисодий кўрсаткичларда иштироки унинг халқаро майдонда инвестицион ролини ҳамда инновацион ривожланишини аниқлаб беради ҳамда иқтисодиёт ҳақидаги муҳим маълумотларни тақдим этиб, унинг нисбий устунликларини ва мавжуд камчиликларини кўрсатиб беради. Бундан ташқари, ушбу рейтинг индекслари хорижий инвесторлар ва иқтисодий ҳамкорлар учун муҳим маълумотлар манбаи бўлиб хизмат қилади ва шунингдек келгусидаги ислохотларни ривожлантириш учун индикатор вазифасини бажаради.

-Бизнинг эмпирик миқдорий таҳлилимизга асосланган ҳолда GCI ҳамда хорижий инвестициялар ўртасида кучли ўзаро боғлиқлик мавжуд.

-Бизнинг тадқиқотларнинг кўрсатишича GCI даги юқори ўринлар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатади. Асосий хулоса шундан иборатки, Ўзбекистоннинг Глобал рақобатбардошлик индексида кириши ва унда рейтингларда юқори поғоналарни эгаллаши мамлакатга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимини ҳаттоки тўрт йил муддат ўтиб ҳам таъминлаб бериб туради.

Келгусида анча мослашувчан бўлмиш бошқа моделлар (FMOLS, DOLS, VAR) орқали ушбу ва бошқа омиллар ўртасидаги ўзаро боғлиқликларни аниқлаш режалаштирилган.

Ўзбекистоннинг глобал иқтисодий ва инновацион кўрсаткичларда иштирок этишга тайёрлигига қаратилган бирламчи тадқиқотлар мамлакат иқтисодиётининг янада очиқроқ бўлишига йўл очиб беради. Бундан ташқари, тадқиқотчилар ва амалиётчилар ўртасидаги бундай ҳамкорлик тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этилишига олиб келади.

Энг муҳими, мамлакатнинг халқаро рейтингларга кириши ва унда ўз мавқеини кучайтириши учун қулай шароитларни яратилиши тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажмини ошиши билан бир қаторда қулай инвестицион муҳитни шакллантириш ва халқаро майдонда мамлакатнинг ижобий имиджини шакллантиришга ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- World Bank (2018) Жаҳон банки маълумотлари базаси, <https://data.worldbank.org>.
- WEF (2018) The Global Competitiveness Report 2017–2018, World Economic Forum, <http://reports.weforum.org/global-competitiveness-index-2017-2018>
- Baldev Raj and Badi H. Baltagi (1992) Panel data analysis (Studies in empirical economics), Heidelberg: Physica-Yerl.
- Gujarati N. Damodar (2004) Basic Econometrics, Fourth Edition, The McGraw–Hill Companies.
- Borensztein E. et al. (1998) How does foreign direct investment affect economic growth? Journal of International Economics 45, pp. 115 –135.
- De Mello L. (1997) Foreign direct investment in developing countries and growth: a selective survey. Journal of Development Studies; 34 (1): 1–34.
- De Gregorio J. (2003) The role of foreign direct investment and natural resources in economic development. Working Paper No. 196. Central Bank of Chile, Santiago.
- Mah J. (2010) Foreign direct investment inflows and economic growth of China. Journal of Policy Modeling 32, pp. 155–158.

Бекмуродов А.Ш., Саттаров О.Б., Бозоров Р.Ҳ.
**GCI индексидаги кўрсаткичларнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни
жалб қилиш ҳажмининг ошишига таъсири**

Brooks Chris (2008) *Introductory Econometrics for Finance*, second edition, The ICMA Centre, University of Reading, Cambridge University Press.

Rodrik D. (1999) *The New Global Economy and Developing Countries: Making Openness Work*. Policy Essay No:24. Overseas Development Council, Washington, DC.

Levin A., Lin C.F. and Chu Lin J. (2002) Unit root tests in panel data: asymptotic and finite-sample properties. *Journal of Econometrics* 108, pp. 1–24.

Im K.S., Pesaran M.H. and Shin Y. (2003) Testing for unit roots in heterogeneous panels. *Journal of Econometrics*, 115, pp. 53–74.

Pedroni P. (1999) Critical values for Co-integration tests in heterogeneous panels with multiple regressors. *Oxford Bulletin of Economics and Statistics* 61, pp. 653–678.

Pedroni P. (2004) Panel Co-integration: asymptotic and finite sample properties of fooled time series tests with an application to the PPP hypothesis. *Econometric Theory* 20, pp. 597–625.

Granger C. W. J. (1969) Investigating causal relations by econometric and cross-spectral methods. *Econometrica*, pp. 424–438.

**КЛАСТЕРЛАР ВА УЛАРНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИ БИЛАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ****Х.Урдушев**

СамВМИ Табиий ва илмий фанлар кафедраси мудири, и.ф.н., доцент
Email: x.urdushev@gmail.com

С.Ҳ.Эшонқулов

СамВМИ Табиий ва илмий фанлар кафедраси ўқитувчиси, ТДИУ мустақил тадқиқотчиси
Email: eshonqulov8202@gmail.com

Аннотация. Мақолада минтақа иқтисодиётини рақобатли ривожлантиришда кластерларнинг аҳамияти, мева – сабзавот кластерида узум ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш жараёнларини оптималлаштириш йўллари ва унинг афзалликлари ёритилган.

Таянч сўзлар: инновация, кластер, минтақа, ривожланиш, вертикал, горизонтал, ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, токзорлар, мева – сабзавот, ички ва ташқи бозор, моделлаштириш.

Аннотация. В статье изложены роль кластеров в конкурентном экономическом развитии региона, пути оптимизации производства и переработки винограда в плодовоовощном кластере и его преимущества.

Ключевые слова: инновация, кластер, регион, развитие, вертикаль, горизонталь, производство, переработка, виноградники, фрукты и овощи, внутренний и внешний рынки, моделирование.

Abstract. The article outlines the role of clusters in the economic development of the region, ways to optimize the production and processing of grapes in the fruit and vegetable cluster and its advantages.

Keywords: innovation, cluster, region, development, vertical, horizontal, production, processing, vineyards, fruits and vegetables, internal and external markets, modeling.

Кириш

Ўзбекистон минтақаларида рақобатли ва инновацион иқтисодиётни шакллантириш жараёнида, ҳудудларнинг ижтимоий – иқтисодий ривожланишининг асоси бўладиган, табиий шарт – шароитлар ва географик хусусиятларни, анъанавий шаклланган самарали фаолият кўрсатадиган хўжалик юритиш механизмларини, мавжуд инфраструктуралар ва тарихан шаклланган ишлаб чиқаришларни ҳисобга олиш керак бўлади.

Мамлакатимиз аграр соҳасини ислоҳ қилишда кластер усулини жорий этила бошланганлигига кўп бўлгани йўқ. Кластер соҳаси Ўзбекистон учун нисбатан янги эканини ҳисобга олинса, иқтисодиёт фанида, айниқса аграр соҳанинг ижтимоий – иқтисодий тизимларини кластерли ривожлантириш ва кластерли стратегияларни назарий, методологик ва амалий асослари тадқиқ этиш долзарб ҳисобланади.

Республикамызда пахта-тўқимачилик, ғаллачилик ва мева-сабзавотчилик соҳасида – Сирдарё вилоятида “BEK Cluster” МЧЖ, Навоий вилоятида “Бахт текстиль”, Бухоро вилоятида “Buhoro cotton cluster” ва Самарқанд вилоятида “OXALIK OLTIN BOG'I MEVASI” МЧЖ, Сурхондарё вилоятида “GOLD AGRO FRESH” МЧЖ ва “Жарқўрғон мева-сабзавот” МЧЖ каби кластерлар самарали фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунга келиб республикамызда 16 та пахта-тўқимачилик кластерлари ташкил қилиниб, 20 та туманда 164 минг гектар майдонда кластер усулида пахта етиштириш йўлга қўйилди. 2019 йилда

**КЛАСТЕРЛАР ВА УЛАРНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ
УСУЛЛАРИ БИЛАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

кластер усулида пахта етиштиришни камида 52 фоизга етказиш учун 48 та пахта-тўқимачилик кластерини ташкил этиш режалаштирилган. Бундан ташқари республикада чорвачилик, пиллачилик, балиқчилик ва туризм кластерлари ташкил этилмоқда.

Республикада, шу жумладан Самарқанд вилоятида мева – сабзавот ишлаб чиқаришнинг кластер усулини жорий этиш имкониятлари мавжуд. Сабаби, вилоят қишлоқ хўжалигида мева – сабзавотчилик етакчи тармоқлардан бири ҳисобланади. Масалан, Самарқанд вилояти республикамизнинг Тошкент, Бухоро вилоятлари сингари, узум ишлаб чиқариш ва уларни қайта ишлаш бўйича етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Республикада тоқзорларни 14 % атрофидаги майдони вилоят ҳиссасига тўғри келади. Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси маълумотларига кўра (2018), вилоятда тоқзорлар майдони 40411 гектарни ташкил этган. Вилоятнинг Ургут (тоқзорлар майдони 8270 га), Самарқанд (4394 га), Тайлоқ (3756 га), Булунғур (3204 га) ва Жомбой (584 га) туманлари мева – сабзавотчиликка ихтисослашган. Ўрганишлар вилоятнинг Иштихон (6966 га), Пайариқ (4562 га), Қўшрабат (3449 га), Пастдарғом (1522 га) ва Оқдарё (949 га) туманларида ҳам узумчилик ривожланганлигини кўрсатади.

Мавзуга оид адабиётларнинг танқидий таҳлили

Кўплаб европа давлатларида XX асрнинг 90 – йилларини иккинчи яримдан бошлаб миллий кластер дастурларини амалга ошириш йўлга қўйилди. Сўнги уч йилда, кластерлар ва кластер сиёсати мамлакатимиз минтақаларини инновацион ривожлантиришни стратегия ва концепциясининг муҳим элементи бўлиб бормоқда.

Кластерли ёндашувнинг назарий масалалари билан кўплаб хорижий ва мамлакатимизнинг қатор олимларининг тадқиқотлари, кластерни таснифлашга бўлган ёндашувларни бир – биридан ажратиб кўрсатишга, уларни кўлами ва йўналишлари билан фарқланадиган жиҳатларини синфлашга имконият беради.

Замонавий иқтисодиётнинг ривожланишидаги энг муҳим масалаларидан бири кластерлар тузиш муаммоси ҳисобланади. А.Маршалл (Англия) ва М.Портер (АҚШ)лар кластернинг назарий, методологик ва амалий асосчилари ҳисобланади [Маршалл, 1993; Портер, 2013].

Кластернинг асосий характеристикалари биринчи марта инглиз иқтисодчиси А. Маршалл (1890) томонидан берилади, кейинчалик, америкалик олим М.Портер (1993) томонидан бу ғоялар ривожлантирилади ва “On competition – Рақобат” номли асарида кластерлар назариясини ишлаб чиқади.

Маршалл “Иқтисодиёт фанининг тамойиллари” асарида Буюк Британиянинг sanoat районларини тадқиқ этади, бироқ бу асар доирасида “маҳаллийлаштирилган ишлаб чиқариш” ёки “sanoat зоналари” тушунчаларини таснифлашда “кластер” атамаси ишлатилмаган [Куценко, 2012]. Бироқ, Маршалл асарида, қаралаётган объектларни хоссаларини ифодалашда айнан кластерлар ҳақида, яъни корхоналараро юқори даражада меҳнатни тақсимлаш ҳақида сўз бораётганлиги англашилади. Бу ерда Маршаллнинг ҳиссаси қаралаётган масалаларни тадқиқ қилишда хўжалик юритувчи субъектларни бирлаштирилиши ва ихтисослашувнинг ошишида юзага келувчи синергетик самараларни ажратиб кўрсатилиши билан долзарб ҳисобланади. Маршаллнинг ишлари Портер тадқиқотларида ривожлантирилади. Портер томонидан иқтисодиёт фанига “кластер” (боғлам, занжир) атамаси киритилади, таснифланади, кластерни минтақавий иқтисодиётни рақобатли ривожлантиришнинг стимули эканлиги асослаб берилади. Кластерларни тузиш ва уларни ривожлантиришга оид тадқиқотчиларга Зоҳидов Г., Куценко Е., Марков Л., Скворцов Е., Терешин Е., Фролова О., Хухрин А. каби олимларнинг ишларини келтириб ўтиш мумкин [Зоҳидов, 2016; Куценко ва бошқ., 2013; Марков ва бошқ., 2015; Марков ва Петухова, 2013; Скворцов, 2016; Терешин ва Володин, 2011; Фролова, 2015; Хухрин ва Чирков, 2017].

**КЛАСТЕРЛАР ВА УЛАРНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ
УСУЛЛАРИ БИЛАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Мамлакатимизда кластерлар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий асослари, уларни қўллаб-қувватлаш механизмларини жорий этила бошланди. Ўзбекистонда кластерга оид тадқиқотларга Бурханов А., Зоҳидов Г., Мустафақулов Ш., Тошболтаев М. [Бурханов ва бошқ., 2019; Зоҳидов, 2016; Мустафақулов, 2016; Тошболтаев, 2019] ва мазкур мақола муаллифларининг илмий ишларини келтириш мумкин [Урдушев ва Эшонқулов, (1), 2019; ... ; Урдушев ва Эшонқулов, (3), 2019; Эшонқулов ва Урдушев, (1), 2019; ... ; Эшонқулов ва Урдушев, (4), 2019].

Бизнингча, республикамиз қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг кластер шаклига ўтишга кечроқ киришилгани сабабли, агросаноат иқтисодиётига оид илмий – тадқиқот ишларида кластерларни шакллантириш ва ривожлантириш масалалари етарлича ўрганилмаган, шунингдек, кластерлар тузиш, уларни самарали ривожлантириш, кластерларни агросаноатни иқтисодий барқарорлаштиришдаги роли, ишлаб чиқаришда кластерли ёндашувнинг афзалликлари атрофлича тадқиқ этилмаган.

Ўрганишлар, иқтисодий мазмундаги илмий тадқиқотларда кластерга кўплаб таснифлар берилганлигини кўрсатади. Кластер тушунчаси дунёнинг кўплаб етакчи олимлари томонидан таснифланган. Масалан, кластер бўйича Россиянинг етакчи тадқиқотчилардан бири Л.С.Марков томонидан эълон қилинган илмий тадқиқотларда ривожланган мамлакатларнинг Портер, Шмитц, Розенфельд, Розенфельд ва Фезер, Ван ден Берг каби етакчи олимлар томонидан берилган йигирмага яқин таърифлар хронологик ва синфлаштирилган тарзда келтирилади [Марков, 2015; Марков ва бошқ., 2015].

Масалан, М.Портер таърифига кўра, кластер (боғлам) – бу “географик белгиларига кўра ўзаро боғланган гуруҳларга бирлашган, ... рақобатлашувчи, шу билан бирга биргаликда фаолият кўрсатувчи компаниялардир” [Портер, 2013]. Рақобатлар муносабати “горизонтал бўйича” (корхоналар билан битта бозорда), кооперациялар муносабати эса – “вертикал бўйича” (қийматни яратиш занжирига мувофиқ) ривожланади.

Кластер – бу инновацион фаол бўлган корхоналарнинг доимий концентрациялашиб боришидир. Инновацион фаоллик, фирма ва корхоналар фаолиятларини инновацион ривожланишга йўналтирилишини назарда тутаяди. Кластерларга оид монографик тадқиқотларда ташкилотларнинг муайян фаолият соҳасига кўра географик концентрациялашуви кластерларнинг умумий белгиси сифатида ажратиб кўрсатилади [Портер, 2013]. Географик концентрациялашувга кўра, кластер бир – бири билан яқин жойлашган корхона ва фирмаларни ўзида мужассамлаштиради. Битта кластерга мансублик, унга кирувчи корхоналарнинг фаолият турлари бўйича бир – бирига яқинлигини англатади ва у умумий фаолият соҳасини белгилайди.

Кластерга оид тадқиқотларда кластер таркибини аниқ ифодалаш учун зарур бўладиган ўзаро алоқаларни – горизонтал ва вертикал каби икки тури ажратиб кўрсатилади [Куценко ва бошқ., 2013]. Монографик тадқиқот муаллифининг фикрича кластер таркибини асосий босқичлари: йирик корхоналарни ёки уларни концентрациялашувини таҳлил этиш; бошқа корхоналар билан вертикал ўзаро алоқаларни таҳлил этиш; тармоқларни горизонтал алоқаларини таҳлил этиш; махсус технологияларини, капитални, ахборотларни, инфраструктураларни генерацияловчи корхоналарини таҳлил этиш; кластернинг бирлашган резидентларини таҳлил этиш; кластер доирасида, кластерни самарали фаолият кўрсатишини таъминловчи давлат органлари фаолиятини таҳлил этишдан иборат бўлиши лозим.

Кластерда муайян ҳудудда умум фаолият соҳасига бирлаштирилган корхоналарнинг мустақам горизонтал ва вертикал ўзаро алоқаларни бўлиши, шунингдек, бу алоқаларни минтақавий иқтисодиёт субъектлари (харидорлар,

**КЛАСТЕРЛАР ВА УЛАРНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ
УСУЛЛАРИ БИЛАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

таъминотчилар, кичик ва ўрта бизнес тузилмалари, илмий ва таълим муассасалари) билан ўрнатилиши назарда тутилади.

Кластер корхоналаридаги ички боғлиқлик, кластер субъектлари ўртасида материал, молиявий ва ахборот оқимларини узвий боғлиқликлари билан белгиланади.

Кластер – бу, сотиш соҳаларида рақобатли устунликларини мунтазам такомиллаштириб борувчи, географик жиҳатдан концентрациялашган ва умум фаолият соҳасига бирлашган ўзаро боғлиқ корхоналардир.

Кластердаги кучли ички рақобат, ҳар бир алоҳида фирманинг ривожланишини стимули бўлади. Ўз навбатида рақобат компанияларни таъминотчилар ва мижозлар билан, илмий жамоатчилик билан самарали ўзаро алоқалар қилишни тақозо этади. Кучли ички рақобат кластернинг муҳим ҳаракатлантирувчи кучига айланади, ва кластер фирмаларини юқори рабатбардошлигини таъминлайди.

Минтақа иқтисодиётини юқори рақобатли бўлишига эришиш учун, ишлаб чиқариш – ҳудудий тузилмаларини шакллантиришда, синергетик ва мультипликатив самаралари уйғунликларига эга бўлган, минтақа иқтисодиётини сифатли ривожланишини тезлаштирувчи, шунингдек минтақа ижтимоий соҳаларини ривожланишини таъминловчи кластерли моделини қўллашни тақозо этади

Иқтисодиёт соҳаларини кластерлаштириш минтақавий хўжалик субъектларини интеграциялашувини нисбатан самарали шакли сифатида фан ва амалиётда тан олинди. Шу боисдан, минтақа ижтимоий – иқтисодий тизимларини ривожланишини ва самарадорлигини кластерлаштириш асосида ошириш, саноат кластерларини тузиш ва кейинги ривожланишини давлат томонидан стимуллаштиришнинг самарадорлигини ошириш йўллари тадқиқ қилиш долзарб ҳисобланади.

Иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги даражаси, хўжалик юритиш амалиётида принципал жиҳатдан янги бўлган ишлаб чиқариш шаклини тузиш ва ундан фойдаланишни тақозо этади. Айрим иқтисодчиларнинг фикрича [Алуян, 2015], амалда шакланган стандарт усуллар ва менежмент воситаларини қўллаш минтақавий тизимларнинг иқтисодий ривожланишини барқарорлигини, ундаги хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолият кўрсатиш самарадорлигини оширишни таъминлай олмайди.

Тадқиқот методологияси


Тадқиқотни амалга оширишда индукция, дедукция, статистик таҳлил, таққослама таҳлил, иқтисодий жараёнларни математик моделлаштириш каби усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Қайд этиш лозимки, “кластер” ва “тармоқ” тушунчалари фарқланади. Сабаби “тармоқ” ибораси унча катта бўлмаган ташкилотларга нисбатан қўлланилади, қайсики, уларнинг фаолияти аниқ қўйилган мақсадга эришишга, яъни: барча учун ягона бўлган муаммоларни ҳал этиш, умум самарадорликни ошириш ва ихтисослашувига кўра ўз – ўзини тўлдириш асосида кейинчалик унга кириш мақсадида янги бозорларни қидиришга йўналтирилган бўлади. Кластер, умум ҳаракатлар ҳисобига бир – бирини тўлдирувчи маҳсулотлар (ёки ўхшаш товарлар) ишлаб чиқариш ва реализация қилувчи корхоналарнинг тармоқли концентрациялашувини ифодалайди.

КЛАСТЕРЛАР ВА УЛАРНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИ БИЛАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Кластерлар бир – бири билан у ёки бу тарзда боғланган корхоналарнинг, иқтисодий субъектларнинг барча занжирларини бирлаштириши боис, нисбатан самарали ва яшовчан таркибга эга бўлади. Шу боисдан унинг таркибига [Алуян, 2015]: хомашё, материаллар ва ускуналар таъминловчилари; минтақавий ҳукумат структуралари; ОТМлари; молия институтлари; саноат ассоциациялари; товарлар ва хизматлар истеъмолчилари; консалтинг компаниялари; илмий – тадқиқот институтлари; назорат ва лицензиялаш соҳаси ташкилотлари киради.



1-расм. Кластер ривожланишининг ҳаётӣ цикллари¹

Кластерлар ривожланишида ўз ҳаётӣ цикллари қамраб олади (1 – расм). Булар: агломерация, яъни муайян минтақа ҳудудини аниқ бир тармоқларида, бир бири билан хўжаликлараро алоқалари билан боғланган корхоналар гуруҳининг фаолият кўрсатиши; агломерация кооперациялари негизида, унинг кластер тузилмаларига интеграциялашуви – кластернинг шаклланиши; инновацион ғоялар ва янги иштирокчилар ҳисобига кластернинг ривожланиши; кластернинг шаклланиши; трансформация, яъни инновацияларга асосланган кластернинг доимий равишда ўзгарувчан бозор конъюнктурасига мослашиб бориши, вақти келиб мавжуд бир нечта кластерларини йирик кластерга ёки янги бир нечта кластерга айлантирилиши.

Тадқиқот натижаларининг муҳокамаси

Замонавӣ бошқарув қарорларини қабул қилишда кластерларнинг Ўзбекистон минтақавӣ ҳудудларида юзага келиши ва ривожланиши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг оптимал ва инновацион шакли ҳисобланади. Мева – сабзаёт кластерини шакллантириш ва унинг таркибини илмӣ асослашда анъанавӣ бўлган экин майдони, ўртача ҳосилдорлик, ялпи ҳосил, рентабеллилик ва иқтисодӣ кўрсаткичлар билан чегараланиш етарли бўлмайди. Бу ерда, ички ва ташқи бозорни рақобатли, сифатли ва харидоргир бўлган ҳўл ва қайта ишланган маҳсулотлар билан таъминлаш, бундан ташқари ижтимоӣ ва экологик самаралар – малакали меҳнат ўринлари сонини кўпайтириш, аҳолининг таълим ва маданий даражасини ошириш, меҳнатга лаёқатлилик даврининг ўсишини таъминлаш, ишсизлар сонини камайтириш, табиӣ ресурсларни асраш каби жараёнларни ҳисобга олиш зарур бўлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида кластерларни шакллантириш тамойилларини тадқиқ этган Е.М.Терешин, В.М.Володинлар фикрича: тузилиши, ҳажми ва фаолият турига қараб, кластерларни шакллантиришнинг учта асосӣ тамойиллари кенг тарқалган, улар: потенциал иштирокчилар манфаатларининг умумийлиги, концентрация (мунтазам алоқалар учун қулай жойларни аниқланиши) ва иштирокчилар боғлиқлигини таъминловчи ўзаро алоқалардан иборатдир. Кластер тузилмаларини шакллантириш, фаолият кўрсатиш ва бошқариш тамойилларни аниқлашда уларни учта гуруҳга ажратиб кўрсатиш мумкин: мақсад тамойиллари, шакл ва мазмун тамойиллари, бошқариш ва ўзаро ҳамкорлик [Терешин ва Володин, 2011].

¹ Манба. Расм, ишлаб чиқариш жараёнларини ўрганишлар асосида ишлаб чиқилган.

**КЛАСТЕРЛАР ВА УЛАРНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ
УСУЛЛАРИ БИЛАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Кўплаб тадқиқотларда, иқтисодий кластерлар – мураккаб тизимлар сифатида тадқиқ қилинади [Фролова, 2015; Хухрин, 2017]. Иқтисодий кластерлар – бу, кишилиқ жамиятини ривожланиши, унинг фаолият муҳити, мавжудлик шарти, глобал вазиятлар маҳсулидир. Кластерларни юзага келиш шарт – шароитлари ва ривожланишини моҳиятини англаб етиш, уларни келажакда самарали ривожланишини аниқлашга имкон беради.

Агросаноат кластери концепциясига оид илмий ишларда асосий учта мезон ажратиб кўрсатилади [Хухрин, 2010]. Биринчидан, кластер, айниқса, барқарор ривожланган ҳолатида тизим, аниқроғи ёпиқ тизим сифатида бўлади. Бу тизим янада яхлитроқ бўлса, у қанчалиқ самаралироқ бўлса, уни қўллашдаги синергетик самарали таъсири шунчалиқ юқори бўлади. Шу билан бирга, бу тизим қанчалиқ очиқ бўлса, у кўпроқ ривожланиш ва ўз – ўзини ривожлантиришга қодир бўлади. Қишлоқ хўжалигини кластерлаштиришнинг жорий ва фундаментал асослари барча хўжалиқ тоифалари ўртасида ўзаро алоқаси мавжуд бўлиши билан белгиланади. Бу ўзаро алоқаларни амалда исталган қишлоқ хўжалиқ ҳудудида кучайтириш мумкин ва мақсадга мувофиқ бўлади.

Иккинчидан, кластер деб, шундай тузилмаларни аташ керакки, қайсики унинг асосини инновацион технологиялар, кўп босқичли технологик ўзаро алоқалар ташкил қилиши, у меҳнатнинг тақсимланишига асосланган анъанавий ўзаро ҳамкорликдан иборат бўлмаслиги лозим. Учинчидан, кластер деб фақат ўз – ўзини бошқарувчи ва ташкилий жиҳатдан интеграллашган шаклда бўлган, кичик резонанс таъсирлар билан бошқариладиган тузилма ҳисобланиши мумкин. Кластерлардаги субъектларнинг хатти – ҳаракатларини кластерларни бошқаришнинг маъмурий аппаратини эмас, балки уларнинг иқтисодий манфаатлари белгилайди. Шу билан бирга, кластерда ўз – ўзини ташкил қилиш устунлик қилади, аммо, инқироз ҳолатларини олдини олиш учун кластер маъмурий ресурсларини ҳам ўз ичига олиши мумкин.



2 – расм. Мева – сабзавот кластерида узумчиликни ривожлантиришни анъанавий манбалари, омиллари ва йўллари²

² Манба. Расм, ишлаб чиқариш жараёнларини ўрганишлар асосида ишлаб чиқилган.

Х.Урдушев, С.Ҳ.Эшонқулов
КЛАСТЕРЛАР ВА УЛАРНИНГ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ
УСУЛЛАРИ БИЛАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Самарқанд вилоятида 2018 йилда 17 та мева-сабзавот кластери ташкил этилган³. Уларнинг 12 таси мева-сабзавотчилик, 3 таси сабзавотчилик, 1 тадан мевачилик ва иссиқхона йўналишида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Кластерларга ажратилган умумий ер майдони 3682 гектарни ташкил этиб, унинг 2336,6 гектари очиқ майдонларни, 1040 гектари интенсив боғлар ва 247,5 гектари токзорлар барпо этиш учун ва 58,8 гектари иссиқхоналар ташкил этиш учун ажратилган. Амалда эса вилоят бўйича 2018 йилда 960 гектар интенсив боғлар ва 162,5 гектар токзорлар барпо этилган, ҳамда 58,8 гектар майдонда иссиқхоналар ташкил этилган.

“Самарқанд Гардан Пласт” МЧЖ мева-сабзавот кластерининг умумий ер майдони 1404 гектарни ташкил этиб, унинг 775 гектари интенсив боғларни ва 628,8 гектари сабзавот экинлари учун ажратилган. Булунғур туманида ташкил этилган бу кластер 8000 тонна маҳсулотларни қайта ишлаб, етиштирилган маҳсулотларни 4500 тонна сиғимли музлаткичларида сақлаб реализация қилиш имкониятига эга.

Ташкил этилган кластерларнинг мева-сабзавотларни қайта ишлаш йиллик қуввати 112000 тоннани, маҳсулотларни сақловчи музлаткичлар сиғими 9500 тоннани ташкил этади. Кластерлар машина трактор паркларидаги 7 турдаги 29 та техникалардан фойдаланиш имконияти мавжуд. Вилоят бўйича янги ташкил этилган кластерларда 168 та янги иш ўринлари яратилган.

Булунғур туманида ташкил этилган МЧЖ ҚҚ “Булунғур-Сандвик” Агрофермаси таъсисчилигида “Бест Вег Фарм” МЧЖ мева-сабзавотчилик кластери сиғими 5000 тонналик музлаткичга ва йиллик қуввати 17000 тонналик қайта ишлаш корхоналарига эга. Бу кўрсаткич Жомбой туманидаги “Самарқанд Гардан Пласт” МЧЖ мева-сабзавот кластерида мос равишда 4500 ва 8000 тоннага тенг.


Мева-сабзавотчиликка ихтисослашган “Самарқанд вилояти “NAVOBOD NASILLI PARANDA” кўп тармоқли фермер хўжалиги” кластерининг умумий ер майдони 65 гектарни ташкил этиб, унинг 5 гектари иссиқхона ва 60 гектари токзорлардан иборат. Кластер 87000 тонна мева-сабзавотни қайта ишлайдиган корхонасига эга. Қолган 14 та кластерда, етиштирилган мева-сабзавотларни сақлаш учун музлаткичлар, қайта ишлаш корхоналари мавжуд эмас.

Дунё аҳолиси сони ва ялпи ички маҳсулоти ҳажмининг ўсиб бориши натижасида, бирламчи энергияга бўлган глобал талаб ошиб бормоқда. Бу ўз навбатида, жаҳон бозоридаги қазиб олинувчи ёқилғи-энергия ресурслари нархининг кўтарилиши ва энергия ресурсларининг дефицити кўплаб мамлакатларни халқаро энергия бозорига бевосита боғлиқлик даражасини оширади. Қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг кўламда жорий қилишга асосланган иқтисодиётни модернизациялаш мамлакатларнинг ташқи энергия ресурсларига боғлиқлигини камайтиради, улардаги мавжуд нефт, газ ва кўмир каби ёқилғи ресурслари захирасининг бир қисмини тежаш имконини беради. Бу эса яқин келажакда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш кўламининг ошиши мамлакатлар барқарор ривожланишига эришишида асосий омиллардан бирига, узоқ муддатли даврда энергия стратегиясининг негизига айланади, катта иқтисодий

самара беради. Маълумки, иқтисодий ривожланиш энергия истеъмолининг кўпайиши ва атмосферага чиқариладиган иссиқхона газлари миқдорининг ўсиши билан кучли боғлиқ. Қайта тикланувчи энергия манбалари эса ушбу алоқадорликни пасайтиради, барқарор ривожланишга эришиш учун муҳим омилга айланади. Шунини айтиш жоизки, “барқарор ривожланиш” концепциясининг жаҳон мамлакатлари ўртасида консенсус даражасига кўтарилиши ва унинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланган экологик тоза қайта тикланувчи энергетиканинг муваффақиятли ривожланиши Европа Иттифоқи мамлакатларининг анъанавий энергия манбаларига бўлган талабини камайтирмоқда, газ ва нефть бўйича йиллик истеъмол прогнозларининг камайиш тенденциясига ижобий таъсир кўрсатмоқда (S.P.Raghuvanshi, 2007, T.Jackson, 1993). Юқоридагиларни инобатга олиб айтиш мумкинки, тадқиқот долзарб масалага бағишланган. Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергетиканинг ривожланишидаги мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимларини аниқлаш ҳамда соҳани ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Мавзуга оид адабиётларнинг танқидий таҳлили

Қайта тикланувчи энергия манбалари бўйича хорижий мамлакатларда кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган. Масалан, Ҳиндистонлик иқтисодчи олим S.P.Raghuvanshi ўзининг “Иқлим ўзгаришлари асоратларини юмшатишда қайта тикланувчи энергия манбалари аҳамияти” (S.P.Raghuvanshi, 2007) номли тадқиқотида қайта тикланувчи энергетика ривожланишининг иқлим ўзгаришларига таъсирини баҳолаган. Унинг тадқиқоти эмпирик кузатишларга асосланган бўлиб, унда сўнгги 50 йилликда иқлим ўзгаришларига энг кўп таъсир қилган омил сифатида ёқилғи-энергия ресурсларидан фойдаланиш ҳажмининг ошиб бориши келтирилган. Шунга қарамай муаллиф томонидан қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни рағбатлантириш йўналишлари ўрганилмаган. Швециялик олим T.Jackson ўзининг “Қайта тикланувчи энергия: амалга ошириш истиқболлари” (T.Jackson, 1993) номли тадқиқотида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишнинг иқтисодий, институционал ва экологик жиҳатларини ёритиб берган. Мантиқий таҳлил усулидан фойдаланган ҳолда соҳада технологик харажатларни камайтириш масалаларини кўриб чиққан. Аммо тадқиқотда қайта тикланувчи энергетиканинг иқтисодий ва экологик самараси аниқ ҳисоб-китоблар билан таҳлил қилинмаган (Т.Н.Седаш, 2016). Англиялик иқтисодчи олим M.Grubb ўзининг “Европа қайта тикланувчи энергия стратегиялари” (M.Grubb, 1995) номли тадқиқотида Евроиттифоққа аъзо мамлакатлардаги муқобил энергетикани ривожлантириш стратегияларини ўрганган. Иқтисодчи олим ўз тадқиқотида Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларда қайта тикланувчи энергетика соҳасидаги иқтисодий жараёнларни узвийликда баҳолаб, тизимли ёндашув услуги асосида мамлакатлар миллий стратегияларининг умумий хусусиятларини бирлаштирган (И.А.Гречухина, 2016). Шунингдек, рус иқтисодчи олимлари Т.Н.Седашнинг “Қайта тикланувчи энергия манбалари: Россия ва хорижда рағбатлантириш” (Т.Н.Седаш, 2016) ва И.А.Гречухинанинг “Қайта тикланувчи энергетикани ривожлантиришнинг иқтисодий механизмлари” (И.А.Гречухина, 2016) номли тадқиқотларида монографик таҳлил ва гуруҳлаш усуллари билан фойдаланган ҳолда миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни рағбатлантиришнинг асосий шарт-шароитлари ҳамда иқтисодий механизмлари келтирилган. Шу билан бирга, тадқиқотнинг камчилиги сифатида, унда келтирилган рағбатлантириш усуллари миллий даражада амалга оширишда юзага келадиган қийинчилик ва муаммолар таҳлил қилинмаган.

Кўплаб замонавий илмий-техник адабиётларда, хусусан рус олимлари Р.Б.Ахмедов ва Дж.Твайдел илмий ишланмаларида тарихийлик ва мантиқийлик

Ш.Э. Зокиров
**ЎЗБЕКИСТОНДА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГЕТИКАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ:
МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР**

тадқиқот усуллари асосида қайта тикланувчи энергия манбаларига қуёш, шамол, биомасса энергияларидан ташқари денгиз сатҳининг тушиши ва кўтарилиши, денгиз тўлқинларининг энергиялари ҳамда паст салоҳиятли иссиқлик энергиялари ва геотермал энергияни ҳам киритган (IRENA, 2016).

Тадқиқот методологияси

Ушбу мақолада Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар иқтисодчи олимларининг қайта тикланувчи энергетикани ривожлантириш таҳлиliga бағишланган илмий асарлари ўрганилган. Тадқиқот методологияси сифатида адабиётларнинг қиёсий таҳлили ва фаразни асослаш усулларидан фойдаланилган. Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистоннинг қайта тикланувчи энергетика соҳаси танлаб олинган. Энергия ресурслари тежамкорлиги муаммоларининг юзага келиши, қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг кўламда фойдаланиш масалалари ва барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида самарали энергия сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар тизими эса тадқиқот предмети бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот диалектик дунёқараш тамойиллари асосида бажарилди. Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда қайта тикланувчи энергетикани ривожлантириш масаласини ўрганишда иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга узвийликда қаралиб, тизимли ёндашув услуби қўлланилди. Маълумотлардан хулоса чиқаришда мантиқий таҳлил, синтез, умумлаштириш, индукция ва дедукция усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Бугунги кунда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2015 йилнинг сентябрида Барқарор ривожланиш бўйича ўтказилган саммитида қабул қилинган 70-сон резолюциясига мувофиқ, шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадларини изчил амалга ошириш бўйича Ўзбекистонда қатор миллий вазифалар¹, хусусан 2030 йилгача арзон, ишончли ва замонавий энергия таъминотидан умумий фойдаланишни таъминлаш, жаҳон энергетика мувозанатида тикланувчан манбалардан олинадиган энергия улушини жиддий равишда кўпайтириш, энергия самарадорлигини кучайтириш бўйича кўрсаткични икки баравар ошириш, замонавий ва барқарор энергия билан таъминлаш учун инфратузилмани кенгайтириш ва технологияларни модернизация қилиш вазифалари белгиланди. Ушбу вазифаларни амалга ошириш бугун ва яқин келажакда иқтисодиётимизда энергия самарадорлигининг ошиши, энергиянинг муқобил манбаларидан фойдаланиш кўламини кенгайтишига, экологик тоза энергия сиёсатига эришишга, охир-оқибатда эса барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш имконини беради.


Халқаро қайта тикланувчи энергия агентлиги (International Renewable Energy Agency - IRENA) нинг 2016 йилда чоп этилган “Қайта тикланувчи энергиянинг фойдаси: иқтисодий ўлчов” (“Renewable energy benefits: measuring the economics”) номли ҳисоботидаги таҳлилларга кўра, 2030 йилга бориб дунё бўйича умумий энергия истеъмолида қайта тикланувчи энергия манбалари улушининг икки баробарга ошиши жаҳон ЯИМнинг 1,1 фоизга, яъни 1,3 трлн. долларга ошишига олиб келган. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш кўламининг бундай ошиши 2030 йилга бориб дунё аҳолиси турмуш даражасининг 2,7 фоизга, иссиқлик ва транспорт соҳасининг юқори даражада электрлаштирилиши ҳисобига, ҳаттоки, 3,7 фоизга кўтарилишига олиб келади. Шунингдек, қайта тикланувчи энергияни ишлаб чиқариш

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 841-сон қарори.

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГЕТИКАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

соҳасидаги бандлик 2030 йилга бориб 2017 йилдаги 7,7 млн. кишидан 24,4 млн. кишига ортади².

Бугунги кунда дунё энергия истеъмолининг 19,3% қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш ҳисобига қондирилмоқда. Жаҳон амалиётида қайта тикланувчи энергиянинг асосан қуйидаги манбаларидан фойдаланилмоқда: қуёш, шамол, сув, тўлқин, био-масса, геотермал, сув сатҳининг кўтарилиши ва тушиши энергиялари. Глобал сўнги энергия истеъмолида қайта тикланувчи энергиянинг асосан анъанавий биомасса (9,0%), биомасса, геотермал ва қуёш энергияси (4,2%) ва сув электроэнергияси (3,6%) манбаларидан фойдаланилади (1-расм).



1-расм. Глобал сўнги энергия истеъмолида қайта тикланувчи энергия манбаларининг улуши (2018 йил ҳолатига)³

“IRENA” нинг томонидан олиб борилган тадқиқотлар қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш мамлакатнинг макроиқтисодий кўрсаткичларига, хусусан, ЯИМ ўсиши, аҳоли бандлиги, ташқи савдо ва бошқа иқтисодий кўрсаткичлар билан бир қаторда атроф-муҳитга ифлосланишини олдини олишга ижобий таъсир кўрсатади. Масалан, Евроиттифоқ мамлакатларида 2030 йилгача сув энергиясидан фойдаланиш ҳажмининг ошиши ҳисобига парник газлари 40% га камайтириш, бунинг оқибатида эса ЯИМнинг ўртача 0,46% га, бандликнинг 0,5% га ошишига эришилиши прогноз қилинмоқда. Қайт тикланувчи энергия истеъмолини оширишнинг турли чоралари туфайли 2030 йилгача Германияда ЯИМ 3% га, иш ўринлари сони 1% га ошишига, Ирландияда 2020 йилга бориб шамол энергияси улушининг оширилиши туфайли ЯИМ 0,2-1,3% га, иш ўринлари сонининг 7450 гача ошишига, Саудия Арабистонида қайта тикланувчи энергия қувватининг 54 ГВт га ортиши туфайли 2032 йилгача ЯИМнинг 4% га, иш ўринлари сонининг 137 мингга ортишига, CO₂ чиқаришга қарши сиёсат орқали АҚШ да 2030 йилгача ЯИМ 0,6% га, иш ўринлари сони бир миллионга ўсишига сабаб бўлади (1-жадвал).

²Renewables 2017 Global status Report. REN21 Steering Committee. –P. 30.

³Renewables 2017 Global status Report. REN21 Steering Committee. –P. 30.

Ш.Э. Зокиров
ЎЗБЕКИСТОНДА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГЕТИКАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ:
МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

1-жадвал

Жаҳондаги айрим давлатларда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш кўлами ошишининг иқтисодий таъсири (2020-2030 йиллар прогнозлари)⁴


Давлат/ҳудуд	Прогноз қилинаётган йил	Қайта тикланувчи энергия бўйича сиёсат	ЯИМга таъсир	Бандликка таъсир
Европа иттифоқи (European Commission, 2014)	2030	Сув энергияси ҳисобига парник газлари 40% га камайтириш	+0,46%	+1,25 млн. иш ўрни (+0,5%)
Германия (Lehr et al., 2012; Blazejczak et al. 2014; Bohringer et al. 2013)	2030	Қайт тикланувчи энергия истеъмолини оширишнинг турли чоралари	+3%	+1% иш ўрни
Ирландия (Pöyry Management Consulting 2014)	2020	Асосан шамол энергияси улушини ошириш	+0,2% дан +1,3% гача	+1,150 дан +7450 гача иш ўрни
Япония (IRENA and CEM, 2014)	2030	23,3 ГВт қувватли қуёш энергиясининг қўшилиши	+0,9% (47,5 млрд. АҚШ долл.)	-
Чили (NRDC and ACERA, 2013)	2028	Қайта тикланувчи усулда электр энергияси ишлаб чиқаришнинг 20% га ошиши	+0,63% (2,24 млрд. АҚШ долл.)	+7800 (+0,09) иш ўрни
Мексика (PwC, 2015)	2030	Қайта тикланувчи энергия қувватининг 21 ГВт га ортиши	+0,2%	+134000 иш ўрни
Саудия Арабистони (K.A.CARE, 2012)	2032	Қайта тикланувчи энергия қувватининг 54 ГВт га ортиши	+4% (51 млрд. АҚШ долл.)	+137000 иш ўрни
Буюк Британия	2030	Табиий газ ўрнини деярли шамол энергияси эгаллаши	+0,8%	+70000 иш ўрни
АҚШ	2030	СО ₂ чиқаришга қарши сиёсат	+0,6%	+1 млн. иш ўрни

Маълумки, миллий энергия баланси кўплаб омилларга боғлиқ бўлади, жумладан, мавжуд табиий ресурслар, иқтисодий таркиби ва бошқалар. Дунё тажрибаси, газ қазиб олишга ихтисослашган мамлакатлар, нефт ва кўмир ишлаб чиқаришга ихтисослашган

⁴International Renewable Energy Agency – IRENA. (“Renewable energy benefits: measuring the economics”. 2016. –P. 10.

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГЕТИКАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ:
МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

мамлакатларга нисбатан кам экологик салбий таъсирларни юзага келтиради. Қайта тикланувчи энергия манбалари ва атом энергиясидан кенг кўламда фойдаланиладиган мамлакатлар эса “барқарор ривожланиш” концепциясининг таркибий қисми ҳисобланган экологик индикаторлари бўйича юқори устунликка эга. Бугунги кунда Ўзбекистон энергия балансининг асосий қисмини газ ташкил қилади. Ушбу ёқилғи энергияси турининг мамлакатимиз бирламчи энергия истеъмолидаги улуши 2018 йилда 83,4% ни ташкил қилган. Сўнгги йилларда кўмир ишлаб истеъмоли ошиб бормоқда. Кўмир истеъмолининг ошишига асосий сабаблардан бири иссиқлик электр станцияларида ёқилғи-энергия ресурслари истеъмоли таркибида кўмир улушининг ошишидир. Хусусан, углеводород хом-ашёси ёниши ҳисобига электр энергияси ишлаб чиқаришда кўмирнинг улуши 2005 йилда 4,8% ни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич босқичма-босқич оширилиб 2020 йилда 14,7% гача етказилиши прогноз қилинмоқда. Электр энергиясини ҳосил қилишда газнинг улуши эса камайиб боради. Бу кўрсаткич 2020 йилга бориб 2005 йилга нисбатан 11,1% га камайиши кутилмоқда⁵. Сўнгги йилларда мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш кўлами ошиб бормоқда. Хусусан, 2016 йилда жами ҚТЭМ қуввати нефт эквивалентида 2,709 млн. тоннани ташкил қилган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 2,802 млн. тоннага етган (2-расм).



2-расм. 2016-2018 йилларда Ўзбекистон бирламчи энергия истеъмолининг таркиби, млн. т.н.э.⁶


Мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча тармоқларида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш узоқ муддатли даврда тармоқлардаги рақобатбардошликни оширишнинг муҳим омили ҳисобланади. Қайта тикланувчи энергия манбаларининг кенг жорий қилиниши тармоқларда энергия ресурслари билан таъминлаш хизматларини кўрсатишга харажатларнинг камайиши, ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошиши, шунингдек, барқарор энергиянинг мавжудлиги, молиявий маблағларнинг тежалишига ҳамда иқлим ўзгаришлари асоратларини юмшатишга ижобий таъсир кўрсатади. Шунингдек, Энергияга бўлган умумий талабни тўлиқ қондириш, узоқ ва чекка

⁵ Кахраман Аллаев. Какие альтернативы у альтернативной энергетики? Экономическое обозрение. № 5 (2017). –С. 25.

⁶ British Petroleum. BP Statistical Review of World Energy. London. June 2018. 67th edition. – P. 9.

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГЕТИКАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ:
МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

ҳудудларда узлуксиз энергия таъминотини амалга ошириш каби қатор масалаларни ҳал қилиш ҳамда барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш имконини берганлиги учун, сўнгги йилларда мамлакатимизда умумий энергия балансида қайта тикланувчи энергия манбаларининг улуши ортиб бормоқда. Ушбу энергия манбаларининг умумий қуввати 2000-2018 йилларда жами 403 МВт га ошиб, 2018 йилда 1999 МВт ни ташкил қилган. Бугунги кунда мамлакатимиз энергия балансида қайта тикланувчи энергия манбаларининг улуши 3% ни ташкил қилмоқда (3-расм).



3-расм. Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия манбалари улушининг ўсиш динамикаси^{7,8}

Бугунги кунда мамлакатимиз энергетика сиёсати олдида икки муҳим вазифа устувор қилиб белгилан. Биринчидан, қайта тикланувчи энергия ресурсларидан кенг фойдаланиш орқали ёқилғи балансини диверсификациялаш. Бунда энергиянинг анъанавий манбаларини қайта тикланувчи энергия манбаларига алмаштириш ҳисобига электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқаришда қазиб олинувчи ёқилғи улушини камайтиришга эришилади. Иккинчидан, ялпи ички маҳсулот энергия сиғимини қисқартириш, ишлаб чиқаришга энергияни тежайдиган технологияларни кенг жорий қилиш ва иқлим ўзгаришларига салбий таъсирни камайтириш, ҳудудларнинг экологик ҳолатини яхшилаш.

Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергетикани ривожлантириш бўйича 2017-2030 йилларда умумий қиймати 5338,9 млн. АҚШ долларга тенг бўлган 810 та инвестицион лойиҳалар кўзда тутилмоқда. Ушбу инвестицион лойиҳаларнинг умумий қиймати 4260,1 млн. АҚШ долларига тенг бўлган 778 таси соҳада янги қурилишлар учун, қолган 1078,8 млн. АҚШ долларлик 32 та лойиҳа қайта тикланувчи энергетика объектларини модернизация қилиш учун йўналтирилади. Молиялаштириш манбалари бўйича жами инвестицион лойиҳалар умумий қийматининг 2634,1 млн. АҚШ долл. қисми хусусий маблағларга (жумладан, 2222,5 млн АҚШ долл. янги қурилишга ва 411,7 млн. АҚШ

⁷ International Renewable Energy Agency (IRENA). Renewable Capacity Statistics 2018. – P. 2-4.

⁸<https://data.worldbank.org/indicator/EG.FEC.RNEW.ZS?locations=UZ&view=chart> (Мурожаат санаси: 07.08.2018)

Ш.Э. Зокиров
ЎЗБЕКИСТОНДА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГЕТИКАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ:
МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

доллар модернизацияга), 389 млн. АҚШ долл. Ўзбекистон Тараққиёт ва тикланиш фонди маблағларига (жумладан, 389 млн. АҚШ долл. янги қурилишга), 139 млн. АҚШ долл. тижорат банклари кредитларига (жумладан, 139 млн. АҚШ долл. янги қурилишга) ҳамда 2176,8 млн. АҚШ долл. хорижий инвестициялар ва кредитларга (жумладан, 1509,7 млн АҚШ долл. янги қурилишга ва 667,2 млн. АҚШ доллари модернизацияга) тўғри келади⁹.

Иқтисодийетини электр энергия билан тўлиқ ва узлуксиз таъминлаш мамлакатимиз энергия сиёсатининг устувор вазифаларидан биридир. Ялпи ички маҳсулот, газ ва кўмир қазиб олиш омилларини инобатга олган ҳолда эконометрик таҳлиллар асосида мамлакатимизда электр энергия ишлаб чиқариш ҳажмининг 2025 йилгача прогнозини амалга оширамиз. Эконометрик таҳлил 2000-2018 йиллар маълумотлари асосида Excel дастурида амалга оширилади.

Мамлакатимизда электр энергия ишлаб чиқариш ҳажмининг стохастик эконометрик модели қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$EG = f(GDP, CM, GP) \quad (1)$$

бу ерда:

EG (electricity generation) - электр энергия ишлаб чиқариш ҳажми (млрд. кВт/с);

GDP (Gross domestic product) – ялпи ички маҳсулот (2018 йил нархларида млрд. сўм);

CM (Coal mining) - кўмир қазиб олиш (минг тонна);

GP (gas production) – газ ишлаб чиқариш (млрд. м³).

Корреляция-регрессия таҳлилини амалга ошириш учун чизикли регрессия моделидан фойдаланамиз:

$$EG = A_0 + a_1 \times GDP + a_2 \times CM + a_3 \times GP \quad (2)$$

Ўзгарувчилар коэффициентларини киритиб моделни қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$EG = 7,8564 + 9,4389 \times 10^{-6} \times GDP + 4,9489 \times 10^{-5} \times CM + 0,8387 \times GP \quad (3)$$

Тенглама коэффициентлари бошқа омиллар ўзгармаган ҳолда ҳар бир омилнинг натижавий кўрсаткичга таъсирини кўрсатади. Бунда ялпи ички маҳсулотнинг ҳар 1 млрд. сўмга ошиши электр энергия ишлаб чиқариш ҳажмининг 9439 кВт/с ошишига, кўмир қазиб чиқариш ҳажмининг ҳар 1 минг тоннага ортиши электр энергия ишлаб чиқариш ҳажмининг 49 489 кВт/с ошишига, шунингдек газ ишлаб чиқариш ҳажмининг ҳар 1 млрд. м³ га ортиши электр энергия ишлаб чиқариш ҳажмининг 838,7 млн. кВт/с ортишига олиб келади.

Олинган коэффициентларнинг аҳамиятини баҳолаймиз. Бунинг учун барча $t_{\text{студент}}$ статистик ўлчовлари $t_{\text{крит.}(15)}^{0,05} = 2,1315$ кўрсаткичига яқин ва ундан юқори қийматни қабул қилиши текширишимиз керак. Фақатгина a_2 (-0,70093) коэффициент ишончлилик оралиғига тушмайди. Умуман олганда, олинган регрессия коэффициентлари статистик жиҳатдан аҳамиятли, шунинг учун навбатдаги таҳлиллар ва прогнозлар учун чизикли регрессия тенгламаларида улардан фойдаланиш мумкин. Ушбу моделнинг детерминация коэффициенти $R^2 = 0,99936$ га ҳамда мослаштирилган $R^2 = 0,99923$ тенг. Бу эса натижавий омил билан таъсир этувчи омиллар (x_1, x_2, x_3) ўртасида кучли боғлиқлик мавжудлигини, натижавий омилдаги ўзгаришлар 99,94 % ҳолатда таъсир этувчи омиллар асосида, қолган 0,06 % ҳолатда кўзда тутилмаган бошқа омиллар натижасида юзага келиши мумкинлигини кўрсатади. Бунда моделнинг ўрганилаётган жараёнга мослиги ва статистик аҳамиятлилигини аниқловчи Фишернинг

⁹ Целевые параметры Программы мер по дальнейшему развитию возобновляемой энергетики. Приложение № 1 к постановлению Президента Республики Узбекистан от 26 мая 2017 года № ПП-3012.


Ш.Э. Зокиров
ЎЗБЕКИСТОНДА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГЕТИКАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ:
МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

F-мезонининг ҳисобланган қиймати $F_{\text{ҳисоб.}} = 7807,59$, жадвал қиймати $F_{\text{жадвал}(3,15)}^{0,05} = 3,29$ га тенг. $F_{\text{ҳисоб.}} > F_{\text{жадвал}}$ бўлиб, модел шартини қаноатлантиради. Шунингдек, аҳамиятли $F = 3,60553 \times 10^{-4} < 5\%$ эканлиги регрессия модели ишончли эканлигини кўрсатади (2-жадвал).

2-жадвал

Регрессион таҳлил натижалари¹⁰				
	<i>Кoeffициентлар</i>	<i>Стандарт хатолик</i>	<i>t-статистика</i>	<i>P-қиймат</i>
Y	7,856433993	0,992203948	7,918164414	$9,7711 \times 10^{-7}$
x_1	$9,4389 \times 10^{-6}$	$8,4495 \times 10^{-7}$	11,17096076	$1,1426 \times 10^{-8}$
x_2	$-4,9489 \times 10^{-5}$	$7,0604 \times 10^{-5}$	-0,700933726	0,494075215
x_3	0,838705641	0,021647695	38,74341613	$1,8789 \times 10^{-16}$
Кўплик R		0,999679953	Кузатувлар	19
R-квадрат		0,999360008	F	7807,593299
Мослаштирилган R-квадрат		0,999232009	Аҳамиятли F	$3,61 \times 10^{-24}$
Стандарт хатолик		0,130879486		

Модел асосида амалга оширилган прогноз Ўзбекистонда электр энергия ишлаб чиқариш ҳажми 2025 йилга бориб 2018 йилга нисбатан 40% га ошишини ҳамда 84,9 млрд. кВт/с ташкил қилишини кўрсатади (4-расм).



4-расм. Ўзбекистонда электр энергия ишлаб чиқариш ҳажми: 2000-2018 йилларда амалдаги кўрсаткич ва 2019-2025 йилларда прогноз (млрд. кВт/с)¹¹

Тадқиқот натижаларининг муҳокамаси

Бошқа ривожланаётган мамлакатларда бўлгани каби нисбатан инновацион характерга эга ушбу энергетика соҳасининг ривожланиши билан боғлиқ қатор қийинчиликлар ва тўсиқ бўлувчи омиллар сақланиб қолмоқда:

Биринчидан, қайта тикланувчи энергия манбаларини ишлаб чиқариш қийматининг юқорилиги ва анъанавий энергия манбаларига нисбатан камроқ қувватга эга эканлиги, анъанавий энергия манбаларининг бирлигининг бошқа давлатларга нисбатан арзонлиги. Бугунги кунда ривожланаётган мамлакатларда қайта тикланувчи

¹⁰ Excel дастури ёрдамида муаллиф томонидан амалга оширилган

¹¹ 2000-2018 йиллар кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий маълумотлари асосида ва 2019-2025 йиллар кўрсаткичлари муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Ш.Э. Зокиров
**ЎЗБЕКИСТОНДА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГЕТИКАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ:
МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР**

энергия манбалари асосида электр энергия ишлаб чиқариш қийматининг анъанавий энергия манбаларига нисбатан юқорилиги сақланиб қолмоқда. Мамлакатимиз анъанавий усулда ишлаб чиқарилаётган электр энергияси аҳолига етказиб бериш қийматининг арзонлиги бўйича дунёда энг юқори ўринларда туради. Мамлакатимизда аҳоли учун электр энергиясининг ҳар бир кВт/с учун 2018 йилдаги нархи ўртача 2,4 центни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич Қозоғистонда 3,5 цент¹², Туркменистонда 0,7 цент¹³, Россияда 4,8 цент, Хитойда 13,0 цент¹⁴, ривожланган мамлакатлар Германияда 33,8 цент, Буюк Британияда 18,6 цент, Данияда 33,3 цент, Белгияда 31,8 центга¹⁵ тенг бўлган. Ҳозирда мамлакатимиз учун электр энергия ишлаб чиқаришда табиий газдан фойдаланиш арзон бўлганлиги туфайли, қайта тикланувчи энергия манбалари асосида электр энергия ишлаб чиқариш асосан узоқ ҳудудларда электр энергия таъминоти ва узлуксизлигини таъминлашдагина муҳим аҳамият касб этмоқда.

Иккинчидан, қайта тикланувчи энергия манбаларини қўллашни рағбатлантирувчи чоралар (таъриф ва солиқлар) ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг аниқ молиявий механизмлари мавжуд эмаслиги. Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни рағбатлантиришнинг иқтисодий механизмлари бўйича етарли даражада қонунчилик базасининг шакллантирилмаганлиги.

Учинчидан, Замоनावий бошқарув тизимларига асосланган прогрессив техника ва технологияларнинг етарли даражада ривожланмаганлиги. Қайта тикланувчи энергия манбалари ривожланишининг паст суръатларда эканлигининг асосий сабабларидан бири – ушбу турдаги энергияни ишлаб чиқариш технологияларининг техник жиҳатдан мукамал эмаслиги ҳамда иқтисодий нуқтаи назардан қисқа муддатда бу энергия тизимига жалб қилинган молиявий ресурсларнинг капитал қайтими самарадорлиги паст бўлишидир.

Тўртинчидан, кўплаб ривожланаётган давлатларда бўлгани каби аҳолини энергиянинг замонавий турлари, айниқса қайта тикланувчи характердаги электроэнергия имкониятлари тўғрисида етарлича ахборотларга эга эмаслиги ҳамда эскича қарашларга мослашиб қолганлиги.

Бешинчидан, қайта тикланувчи энергия манбалари техника ва технологияларнинг инновацион тез ривожланиш характерига эга эканлиги. Масалан, қуёш электр панеллари дастлаб ярим ўтказгичли кремний асосида ишлаб чиқарилган бўлса, кейинроқ фотоэлектрик панелларни ишлаб чиқариш аморфли кремнийга алмашди. Дастлаб фақатгина шишали қуёш панеллари ишлаб чиқарилган бўлса, эндиликда замонавий эгилувчан пластикли қуёш панеллари ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Қайта тикланувчи энергия манбалари техника ва технологияларни ишлаб чиқаришнинг етарли даражада маҳаллийлаштирилмагани туфайли уларнинг таннархи, ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатиш харажатлари қимматлигича қолмоқда. Соҳадаги тезкор ривожланиш олдинроқ жорий қилинган технологиялардан вақт ўтиши билан капитал қайтими тўлиқ амалга ошгунча янги технологияларга ўтишни талаб қилади.

¹²Regnum. Информационное агентство. URL: <https://regnum.ru/news/2402865.html> (Мурожаат санаси: 18.09.2018)

¹³ Информационный Туркменистана. В Туркменистане с 1 ноября 2017 года установлены новые тарифы на электроэнергию. URL: <https://turkmenportal.com/blog/12161/v-turkmenistane-s-1-noyabrya-2017-goda-ustanovleny-novye-tarif-y-na-elektroenergiyu> (Мурожаат санаси: 18.09.2018)

¹⁴Риарейтинг. Информационный портал. URL: <http://riarating.ru/countries/20180626/630098114.html> (Мурожаат санаси: 18.09.2018)

¹⁵ International Renewable Energy Agency – IRENA. (“Renewable energy benefits: measuring the economics”. 2016. –P. 10.

Хулоса ва таклифлар

Мамлакатимизда қайта тикланувчи энергетика соҳасининг ривожланиши билан боғлиқ қатор қийинчиликлар ва тўсиқ бўлувчи омиллар бартараф қилиш ҳамда ушбу энергетика соҳасининг ривожланишига туртки бўлувчи қатор омиллардан самарали фойдаланиш мамлакатимиз бирламчи энергия истеъмолида қайта тикланувчи энергия манбалари улушининг ошишига олиб келади. Бунда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни рағбатлантиришнинг иқтисодий механизмларини жорий қилиш мамлакатимизда ушбу замонавий энергетика тармоғининг ривожланишига катта туртки бўлади. Қайта тикланувчи энергия манбаларининг амалда батамом тугаб қолмаслиги, мамлакатимизнинг барча ҳудудларда унинг қайсидир тури мавжудлиги ва атроф муҳитга салбий таъсирининг йўқлиги туфайли мамлакатимизда яқин келажакда ушбу турдаги энергиядан фойдаланишга қизиқиш янада ортиб боради.

Жаҳон тажрибаси қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни рағбатлантиришнинг қатор иқтисодий механизмларидан фойдаланилади. Ушбу механизмлар орасида “яшил” сертификатлаш тизими, технологик улаш харажатларини давлат томонидан қопланиши, қайта тикланувчи энергия манбаларига қатъий тарифлар, соф ўлчов тизими каби иқтисодий механизмлар муҳим аҳамиятга эга.

“Яшил” сертификат тизими – бу қайта тикланувчи энергия манбалари асосида электр энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишни ҳисобга олиш ва мониторинг қилиш воситасидир. Ушбу тизим дунё тажрибасида кенг тарқалган бўлиб, турли атамалар билан номланган. Масалан, бу иқтисодий механизм Европада “Яшил сертификат” (“Green Certificate”), АҚШда “қайта тикланувчи энергия сертификати” (“Renewable Energy Certificates” - RECs), “Қайта тикланувчи энергия кредити” (“Renewable Energy Credits”), “Яшил ёрлиқ” (“Green tags”), “Қайта тикланувчи электр сертификати” (“Renewable Electricity Certificates”) деб номланади¹⁶.

“Яшил” сертификат тизими қуйидаги асосий мақсадларга эришиш учун қўлланилади:

1. Қайта тикланувчи манбалар асосида электр энергия ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш ҳажмини баҳолаш. 70-йиллар охири 80-йиллар бошига келиб кўпчилик мамлакатлар қайта тикланувчи манбалари асосида энергетикани ривожлантиришнинг давлат томонидан молиялаштирилувчи махсус дастурларини қабул қила бошлади. Молиявий ёрдам турли усул ва шаклларда тақдим қилинган, аммо унинг кўлами туфайли давлатлар қўллаб-қувватлашнинг турли усулларини қўллашнинг натижадорлигини мониторинг қилиш тизимини яратиш заруриятини англаб етди. Қўйилган талаблардан бири Евроиттифоқга аъзо мамлакатларда белгиланган меъёрдан кам бўлмаган қайта тикланувчи энергия ишлаб чиқариш ва истеъмол даражаси бўлди. Тегишли даража бутун Евроиттифоқда ҳам алоҳида мамлакатларда ҳам ўрнатилган. Евроиттифоқга аъзо мамлакатлар ўзлари учун қайта тикланувчи энергия истеъмоли даражасини нисбатан юқори қилиб ўрнатиши мумкин, лекин ўрнатилган ва қабул қилинган миллий кўрсаткичларга эришилиши Евро иттифоқнинг умумий қоидалари бўйича кўрилади. Аъзо мамлакат томонидан ўрнатилган кўрсаткичларнинг бажарилмаслиги Евро иттифоқнинг ўша давлатга нисбатан молиявий санкцияларига сабаб бўлади.

2. Мамлакатда энергия ишлаб чиқаришда фойдаланилган ёқилғи таркиби ва турлари тўғрисидаги маълумотларни ойдинлаштириш ва тасдиқлаш. “Яшил” сертификатлаш тизими сотилаётган электр энергиянинг келиб чиқиш манбалари тўғрисидаги маълумотнинг юқори даражада шаффофлигини эришишга ёрдам беради.

¹⁶International Renewable Energy Agency (IRENA). Renewable Capacity Statistics 2018. – P. 2-4.

Ш.Э. Зокиров
**ЎЗБЕКИСТОНДА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГЕТИКАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ:
МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР**

Шунингдек, бу сертификатлар компания томонидан чиқариладиган товарларни маркировка қилишда ҳам фойдаланилади.

3. Корпорациялар ихтиёрий мажбуриятлари ривожлантириш мақсадлари учун кафолатловчи сертификатлардан фойдаланиш. Қайта тикланувчи энергия сертификатлари ўзининг нафақат давлат балки бошқа алоҳида компаниялар олдида турган экологик ва ижтимоий мажбуриятларини бажарганлигини тасдиқлаш учун фойдаланилади.

4. Қайта тикланувчи энергия манбаларини қўллаб-қувватлашда сертификатлардан фойдаланиш. "Яшил" сертификат қайта тикланувчи энергия ишлаб чиқарувчилари, истеъмолчилари ва етказиб берувчиларига давлат томонидан дотациялар, мукофотлар, имтиёзлар ва бошқа турдаги молиявий ёрдамлар кўрсатилишига сабаб бўлади.

Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни рағбатлантиришнинг яна бир муҳим механизмларидан бири – бу "яшил" таърифлар, яъни қатъий таърифлардир. Бугун дунёда 65 дан ортиқ мамлакатда "яшил" таърифлар жорий қилинган. Бу қўллаб-қувватлаш чоралари остида қуйидаги асосий уч рағбатлантириш ётади:

1. Тармоққа уланиш кафолати.
2. Қайта тикланувчи манбалар асосида ишлаб чиқарилган барча электр энергиясини сотиб олиш бўйича узоқ муддатли шартнома.

3. Ишлаб чиқарилган электр энергиясини қатъий таърифларда сотиб олиш тўғрисида кафолат. Кўп ҳолларда янада рағбатлантириш мақсадида, қайта тикланувчи манбалар асосида ишлаб чиқарилган электр энергиясини харид қилиш ёқилғи энергия ресурслари орқали ишлаб чиқарилган электр энергияга нисбатан юқорироқ таърифларда бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни рағбатлантиришнинг иқтисодий механизмларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- анъанавий энергия манбаларига бўлган таърифларни табақалаштириш лозим, яъни маълум меъёрлардан ортиқ электр энергияси учун таърифларни сезиларли даражада ошириш. Бунда истеъмолчи белгиланган меъёрлардан ортиқча фойдаланилган электр энергияси учун 2-3 баробар ортиқча таърифларда тўловни амалга оширади;

- қайта тикланувчи энергия манбаларини ишлаб чиқарувчиларнинг (уй хўжаликлари ва юридик шахслар) тармоққа уланиши ва истеъмолдан ортиқча энергияни тармоққа узатиши ҳамда зарур ҳолларда тармоқдан қабул қилишнинг кредит тизимини жорий қилиш. Бунда ҳар бир истеъмолчи қайта тикланувчи энергия манбалари асосида ўзи ишлаб чиқарган электр энергиясининг шахсий эҳтиёжидан ортиқча қисмини умумий тармоққа киритиши ва электр энергиясини ишлаб чиқаришнинг қуёшсиз вақтлардаги мавсумий камайиши ҳолатида тармоқдан электр энергияни қабул қилиши имкониятини жорий қилинади.

- электроэнергия бозорига эркин киришни таъминлаш, жумладан, хусусий секторда қайта тикланувчи электр энергияни ишлаб чиқариш ва ўз эҳтиёжидан ортган қисмини сотишга рухсат бериш;

- айрим тармоқларда қайта тикланувчи энергия манбаларини истеъмол қилиш ва ишлаб чиқариш бўйича мажбурий квоталарни жорий қилиш;

- қазиб олинувчи энергия манбаларидан фойдаланиш орқали атроф-муҳитга зарарли моддаларни чиқарганлик учун жарималар ва солиқларни жорий қилиш;

Юқорида кўриб ўтилган қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни рағбатлантиришнинг қатор иқтисодий механизмларидан фойдаланиш мамлакатимиз умумий энергия истеъмолида қайта тикланувчи энергия улушининг ошишига, ўз

Ш.Э. Зокиров
ЎЗБЕКИСТОНДА ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГЕТИКАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ:
МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

навбатида, юқори иқтисодий самарага эришиш, атроф-муҳитга салбий таъсирнинг камайиши ва охир оқибатда, барқарор ривожланишга эришиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

British Petroleum (2018). BP Statistical Review of World Energy. London. June. 67th edition. – P. 9.

Grubb M. (1995) Renewable Energy Strategies for Europe. RIIA/Earthscan. London. – P. 12.

<https://data.worldbank.org/indicator/EG.FEC.RNEW.ZS?locations=UZ&view=chart>
(Мурожаат санаси: 07.08.2018)

International Renewable Energy Agency – (IRENA).(2016) “Renewable energy benefits: measuring the economics”. –P. 10.

International Renewable Energy Agency – (IRENA). .(2016) “Renewable energy benefits: measuring the economics”. –P. 10.

International Renewable Energy Agency (IRENA). (2018) Renewable Capacity Statistics. – P. 2-4.

Jackson T. Renewable Energy: Prospects for Implementation. Energy Policy for a series on renewable energy appearing between January 1991 to September 1992. - P. 45.

Raghuvanshi S.P. Renewable energy resources for climate change mitigation. Applied ecology and environmental research 6(4): 15-27. – P. 13.

Regnum.(2018) Информационное агентство. URL:
<https://regnum.ru/news/2402865.html> (Мурожаат санаси: 18.09.2018)

Renewables (2017) Global status Report. REN21 Steering Committee. –P. 30.

АҚШнинг Денвер университети Фредерик Парди номидаги Халқаро келажак маркази маълумотлари ҳамда “IFs - The International Futures” модели асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Гречухина И.А. (2016) Экономические механизмы развития возобновляемой энергетики : Диссертация кандидата экономических наук. [Место защиты: Моск. гос. ун-т им. М.В. Ломоносова] - Москва,. - 195 с.

Информационный Туркменистана. В Туркменистане с 1 ноября 2017 года установлены новые тарифы на электроэнергию. URL:
<https://turkmenportal.com/blog/12161/v-turkmenistane-s-1-noyabrya-2017-goda-ustanovleny-novye-tarif-y-na-elektroenergiyu> (Мурожаат санаси: 18.09.2018)

Аллаев, Қ. (2017). Какие альтернативы у альтернативной энергетики? Экономическое обозрение. № 5–С. 25.

Риарейтинг. Информационный портал. URL:
<http://riarating.ru/countries/20180626/630098114.html> (Мурожаат санаси: 18.09.2018)

Седаш Т.Н. (2016). Возобновляемые источники энергии: стимулирование инвестиций в России и за рубежом. Российский внешнеэкономический вестник. г. Москва.– С. 12.

Твайдел Дж. Уэйр А. (2010). Возобновляемые источники энергии. –М. Энергоатомиздат – С. 14.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 841-сон қарори.

Целевые параметры Программы мер по дальнейшему развитию возобновляемой энергетики. Приложение № 1 к постановлению Президента Республики Узбекистан от 26 мая 2017 года № ПП-3012.

**ИНВЕСТИЦИЯ СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ҲУДУДЛАРДА ИНВЕСТИЦИОН
ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШ АСОСИ****Валиев Бобур Батирович,**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий тадқиқот маркази сектор мудири, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

e-mail: ibnbotir@mail.ru

Аннотация. Мақола инвестицияларнинг иқтисодий ривожланишни таъминлашдаги ролига оид назарий-илмий қарашларни очиб бериш, ҳудудларда инвестицияларни молиялаштириш манбалари ва тармоқлар бўйича таҳлил қилиш орқали инвестиция сиёсати стратегиясини ишлаб чиқишга оид таклифлар беришга бағишланган. Унда инвестицияларнинг қайта ишлаш саноати ва турар жой қурилиши тармоқларидаги ҳолати, такрор ишлаб чиқариш таркиби, молиялаштириш манбаларининг ўзгариши, хорижий инвестиция ва кредитларнинг ҳудудлар кесимида таркиби таҳлил қилинган.

Аннотация. Статья посвящена внесению предложений по разработке стратегии инвестиционной политики путем раскрытия теоретико-научных взглядов на роль инвестиций в экономическом развитии, анализа инвестиций по источникам финансирования и отраслей в регионах. В ней проанализированы состояние инвестиций в обрабатывающую промышленность и жилищное строительство, воспроизводственная структура, изменения в источниках финансирования, а также структуру иностранных инвестиций и кредитов по регионам.

Abstract. The article is devoted to making proposals for the development of an investment policy strategy by disclosing theoretical and scientific views on the role of investment in economic development, analyzing investments by sources of financing and industries in the regions. It analyzes the state of investments in the manufacturing industry and housing construction, the reproduction structure, changes in sources of financing, as well as the structure of foreign investments and loans by region.

Таянч сўзлар: инвестиция, стратегия, ҳудуд, тармоқ таркиби, молиялаштириш манбаси, хорижий инвестиция, корхона маблағи, аҳоли маблағи, жалб қилинган маблағ, нисбий устунлик.

Ключевые слова: инвестиция, стратегия, регион, отраслевая структура, источник финансирования, иностранные инвестиции, средства предприятий, средства населения, привлеченные средства, относительное преимущество.

Key words: investment, strategy, region, sectoral structure, source of financing, foreign investments, funds of enterprises, funds of the population, attracted funds, relative advantage.

Кириш

Ўзбекистон ҳудудларида молиявий салоҳиятни ошириш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва унда инновацияларни

Валиев Б. Б.
**ИНВЕСТИЦИЯ СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ХУДУДЛАРДА ИНВЕСТИЦИОН
ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШ АСОСИ**

қўллашда инвестицияларни молиялаштириш манбаларини ошириш ва оқилона ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Мамлакат Президенти Ш.М.Мирзиёев ҳам 2018 йилда амалга оширилган асосий ишлар ва мамлакатни 2019 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасида инвестицияларнинг аҳамиятига алоҳида урғу бериб, *"...Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган. Шу сабабли ҳам инвестиция – бу иқтисодиёт драйвери, ўзбекча айтганда, иқтисодиётнинг юраги, десак, муболаға бўлмайди."* – дея таъкидлаган¹.

2019 йил 17 январдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги ПФ-5635 сонли Президент Фармони кутилаётган инвестиция ислохотларидаги кенг кўламли чора-тадбирларни белгилаб берди. Унга кўра ҳар ойда бош вазирнинг бошқа тегишли раҳбарлар билан биргаликда инвесторлар билан "шахсан учрашувлари" ни ташкил этиш, ўрта муддатга мўлжалланган "инвестиция сиёсати стратегияси"ни ишлаб чиқиш, республиканинг "тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жамғармаси" ни ташкил этиш, Абу Даби ривожланиш жамғармаси билан ҳамкорликда "Ўзбекистон-Амирликлар инвестиция компанияси" ни тузиш каби кенг кўламли вазифалар қўйилган.

2019 йил дастури, шунингдек, республика ҳудудларида инвестициявий жозибадорликни кўрсатадиган "инвестиция хаб"ларини яратиш, мамлакатимизнинг халқаро облигацияларини чиқаришни ташкил этиш ҳамда инвесторларга тақдим этиш учун ҳудудлар ва тармоқлар кесимида дастлабки "инвестиция лойиҳалари портфели" ни шакллантириш каби чора-тадбирларни ҳам қамраб олган. Санаб ўтилган вазифаларни амалга оширишда ҳудудларда инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари жорий ҳолатини таҳлил қилиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва инвестиция ресурсларини фаол жалб қилишда қўшимча манбаларни аниқлаш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб аҳамиятга эга.

Мавзуга оид адабиётларнинг танқидий таҳлили

Маҳаллий иқтисодчи олимларимиздан А.М.Содиқов ўз илмий асарида мамлакатимиз минтақаларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда табиий-иқтисодий, ишлаб чиқариш, ижтимоий-демографик салоҳиятига боғлиқ бўлган уларнинг инвестицион фаоллигининг ролини алоҳида асослаб берган (Садыков, 2005). Шунингдек, Ш.Х.Назаров ҳам иқтисодий ўсишни таъминлашда инвестицияларнинг ролини изоҳлаб, минтақаларнинг рақобат устунликларини аниқлаб берувчи ички манбалардан бири сифатида инвестицион фаоллик даражасини келтиради (Назаров, 2014.). Иқтисодчи олим Д.Қ.Ахмедов эса 2018 йилда мамлакатимиз минтақаларида ишбилармонлик ва инвестиция муҳитининг ҳолати бўйича ўтказилган сўровномалардаги 300 дан ортиқ таклиф ва мулоҳазаларни таҳлил қилиб, хорижий инвестицияларнинг мамлакатимизга фаол жалб қилишни таъминлашда малакали кадрларнинг мавжудлиги, таҳлил учун маълумотларнинг етарлилиги, ҳокимият органларининг инвестицияларни жалб қилишдаги манфаатдорлигининг ошиши, ташқи савдонинг эркинлиги, хомашё таъминотининг яхшиланиши каби энг муҳим омилларни келтириб ўтган (Ахмедов, 2018 г.).

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномаси. <http://uza.uz>

Валиев Б. Б.
**ИНВЕСТИЦИЯ СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ХУДУДЛАРДА ИНВЕСТИЦИОН
ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШ АСОСИ**

Иқтисодчи олим Н.Н.Обломуродов инвестицион фаолиятни молиялаштириш билан боғлиқ инфраструктурани ривожлантириш, жумладан, инвестиция фондлари, венчур фондлари, стартап компаниялари каби янги молиявий институтлар ташкил этиш ва улар фаолиятини рағбатлантиришни тавсия этади (Обломуродов, 2018).

Инвестицияларнинг ҳудудий жиҳатлари бўйича тадқиқот олиб борган иқтисодчи А.А.Собиров хулосасига кўра Ўзбекистон минтақаларида нисбий афзаллик омиллари турлича бўлиб, бу тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишда маълум табақалашувга олиб келади. Шу сабабли, давлат томонидан айрим минтақаларни қўллаб-қувватлаш ва хорижий инвестицияларни жойлаштиришдаги ўрни юқори бўлиб қолмоқда (Собиров, 2018).

Хитойлик иқтисодчи Хиаолан Фу хорижий инвестицияларнинг Хитойда минтақавий инновация салоҳиятининг ошиши ва унумдорликка таъсирини таҳлил этади. Тадқиқот натижаларига кўра, хорижий инвестицияларнинг умумий минтақавий инновация салоҳиятига салмоқли ижобий таъсир кўрсатади. Аммо бу таъсир қабул қилувчи минтақанинг абсорбцион салоҳияти ва инновацияларни таъминловчи омилларнинг мавжудлигига боғлиқ (Xiaolan, 2007).

С.Хиратука бошчилигидаги ишчи гуруҳ 1990-2005 йилларда Бразилияга кирувчи хорижий инвестицияларнинг кескин ўсишини кузатди ва уларнинг унумдорликка, ташқи савдога, миллий корхоналарнинг технологик ва инновацион ривожланишига, иш ҳақиға таъсирини эмпирик таҳлил қилди. Умумий олганда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар саноат унумдорлигига кутилган ижобий таъсирни кўрсатмаган. Уларнинг ташқи савдога, иш ҳақиға таъсири ҳам кам бўлган. Чет эл инвестицияларининг инновацияларга таъсири ҳам жанубий-шарқий Осиё мамлакатларидагидек салмоқли бўлмаган. Хорижий инвестицияларнинг Бразилия иқтисодиётига ижобий таъсирининг паст бўлиши стратегик ёки алоҳида танланган тармоқ бўйича махсус сиёсатларнинг олиб борилмагани, юқори технологик фаолиятларнинг рағбатлантирилмаганлиги ва фақатгина хорижий инвестицияларга ёки чет эл корхоналарига чекловларни олиб ташлаш мақсадинигина кўзловчи сиёсатнинг олиб борилганлиги билан изоҳланган (Hiratuka, 2008).

Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари тажрибалари, баъзи бошқа мамлакатлар хусусий ҳоллари, рақобатдошликни ошириш учун қўлланилган стратегиялар таҳлили С.Лал тадқиқотларида ўз аксини топган. У ривожланаётган мамлакатлар оддийгина ўз иқтисодиётларини эркинлаштириши, эркин савдо ва инвестицияларни жалб этишни кенгайтириши орқали хорижий инвестицияларнинг тармоқ рақобатдошлигини оширишни таъминлашдаги ижобий таъсирига етиб бўлмаслигини таъкидлаб, унинг асосий шарти сифатида давлат томонидан иқтисодиётни ривожлантиришга аралашининг мақбул шаклини танлаши кераклигини асослаган (Lall, 2002).

Тадқиқот методологияси


Ўтказилган тадқиқот кириш қисмида мамлакатимизда кутилаётган инвестиция ислохотларининг моҳиятини очиб бериш, адабиётлар таҳлили бандида инвестицияларнинг иқтисодий ривожланишни таъминлашдаги ролига оид назарий-илмий қарашларни баён этишни назарда тутди. Таҳлил қисмида инвестицияларнинг ҳудудий, молиялаштириш манбалари ва тармоқлар бўйича таҳлили амалга оширилиб, муҳокама қисмида муаммолар аниқланади ва уларга ечим бўла оладиган инвестиция стратегиясини ишлаб чиқишнинг зарурати асосланади. Республикаимизнинг ўрта муддатли инвестиция сиёсати стратегиясини ишлаб чиқишнинг концептуал асослари бўйича таклифлар берилади.

ИНВЕСТИЦИЯ СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ҲУДУДЛАРДА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШ АСОСИ

Илмий ишда тизимли ёндашув, график, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, таққослаш ва гуруҳлаш методлари элементларидан фойдаланилган. Мамлакатимизда инвестицияларнинг ҳудудлар, иқтисодий тармоқлари ва молиялаштириш манбаларига кўра таркибий тузилишига оид статистик маълумотлар Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси расмий манбаларидан олинганлиги тадқиқотнинг ишончлилиги ва аниқчилигига асос бўлади.

Таҳлил ва натижалар

2018 йилда мамлакатимиз иқтисодиётига 107,3 трлн. сўмдан ортиқроқ ёки 12,9 млрд. долларга яқин инвестициялар жалб қилинган. Ушбу инвестицияларнинг салмоқли қисми қайта ишлаш саноати (22%) ва турар жой қурилиши (16,5%) тармоқларига йўналтирилган. Навоий вилоятига 10 трлн. сўмдан ортиқ инвестициялар жалб қилиниб, ушбу маблағларнинг 68,9% қайта ишлаш саноатига йўналтирилган (1-расм).




1-расм. Ҳудудларда инвестицияларнинг қайта ишлаш саноати ва турар жой қурилиши тармоқларига йўналтирилган улушлари, 2018 й., %да²

Мазкур тармоққа инвестицияларнинг салмоқли улуши жалб қилинган ҳудудлар қаторидан Андижон (инвестицияларнинг 28,8%и), Сирдарё (29,3%), Тошкент (30,4%), Фарғона (27,7%) вилоятлари жой олган. Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларига инвестицияларнинг асосий қисми қазиб чиқариш ва газ ишлаб чиқариш тармоқларига йўналтирилгани боис ушбу ҳудудларда қайта ишлаш саноатининг инвестициялардаги улуши мос равишда 8,7%, 5,3% ва 3,1%ни ташкил этди. Жалб қилинган инвестициялар таркибида турар жой қурилишининг улуши Андижон, Жиззах, Самарқанд, Фарғона ва Хоразм вилоятларида сезиларли даражада юқори бўлган.

2018 йилда мамлакатимизга жалб қилинган инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш таркибида 57% улушни янги қурилиш соҳаси эгаллаган.

² Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси статистик тўплами "Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь", Тошкент, 2019 й. 96-121 бб.

**ИНВЕСТИЦИЯ СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ХУДУДЛАРДА ИНВЕСТИЦИОН
ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШ АСОСИ**



2-расм. Асосий капиталга инвестицияларнинг ҳудудлар кесимида такрор ишлаб чиқариш таркиби, 2018 й., %да³

Ушбу йилда республикага ўзлаштирилган инвестицияларнинг 27,3%и кенгайтириш, реконструкция, модернизация, техник қайта жиҳозлаш ишларига йўналтирилган. Бухоро (инвестицияларнинг 68,2%и янги қурилишга), Қашқадарё (71,7%), Наманган (76,8%), Сурхондарё (65,3%) вилоятларига ўзлаштирилган инвестицияларнинг салмоқли қисми объектларнинг янги қурилиши ишларига йўналтирилган. Бу эса мазкур ҳудудларда айtilган даврда янги ишлаб чиқариш объектларининг кўпроқ ташкил этилганлигини кўрсатади. Қорақалпоғистон Республикаси (45,1%), Андижон (40,6%), Фарғона (41,2%), Хоразм (40,8%) вилоятларида кенгайтириш, реконструкция, модернизация, техник қайта жиҳозлаш ишларига инвестицияларнинг катта қисми йўналтирилган. Ушбу ҳудудларда иқтисодиётда янги ишлаб чиқаришни ташкил этишдан кўра, мавжуд объектларни модернизация қилиш ва кенгайтириш ишлари кўпроқ амалга оширилганини кўриш мумкин (2-расм).

Ўзбекистонда сўнгги 5 йиллик даврда инвестицияларни молиялаштириш таркибида жалб қилинган маблағлар (бюджет, мақсадли жамғармалар, банк кредитлари, хорижий инвестициялар) улуши ўртача 51,4% ни ташкил этган бўлса, давр охирига келиб, 2018 йилда ушбу кўрсаткич 9,3% пунктга ошган. Бу эса аҳоли ва корхоналаримизнинг ўз маблағларига нисбатан жалб қилинаётган маблағларнинг

³ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси статистик тўплами "Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь", Тошкент, 2019 й. 96-121 бб.

**ИНВЕСТИЦИЯ СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ҲУДУДЛАРДА ИНВЕСТИЦИОН
ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШ АСОСИ**

юқорироқ суръатда ошаётганлигини кўрсатади. Айниқса, Қашқадарё (давр ўртача даражасига нисбатан 17,5% пунктга ошган), Наманган (17,3% пунктга ошган), Сурхондарё (15,4% пунктга ошган), Андижон (10,2% пунктга ошган) вилоятлари ва Тошкент шаҳрида (10,5% пунктга ошган) инвестициялар таркибида жалб қилинган маблағлар улуши 2014-2018 йилларда салмоқли ортган. Қорақалпоғистон Республикаси ва Сирдарё вилоятида ишлаб чиқаришни молиялаштириш таркибида жалб қилинган маблағлар улушининг охириги 5 йилликда ўзгариш даражаси жуда кичик бўлган (1-жадвал).

1-жадвал.

**2014-2018 йилларда ҳудудларда инвестицияларни молиялаштириш
манбаларининг ўзгариши ⁴**

Ҳудуд номлари	2014-2018 йилларда ўртача		2018 йилда ўртачага нисбатан ўзгариш,
	Корхона ва аҳолининг ўз маблағлари	Жалб қилинган маблағлар	Жалб қилинган маблағлар
Қорақалпоғистон Республикаси	38,9	61,1	+1,0
Андижон	58,6	41,4	+10,2
Бухоро	34,5	65,5	+5,3
Жиззах	50,0	50,0	+9,1
Қашқадарё	47,9	52,1	+17,5
Навоий	52,0	48,0	+13,8
Наманган	43,9	56,1	+17,3
Самарқанд	66,2	33,8	+9,6
Сурхондарё	49,6	50,4	+15,4
Сирдарё	36,5	63,5	+2,1
Тошкент	47,9	52,1	+8,0
Фарғона	55,9	44,1	+9,7
Хоразм	60,8	39,2	+5,8
Тошкент ш.	57,0	43,0	+10,5
Республика бўйича	48,6	51,4	+9,3

Республикада инвестициялар молиялаштириш манбалари таркибида жалб қилинган маблағларнинг салмоқли ўсиши уларнинг таркибий қисмларини янада батафсил таҳлил қилиш заруриятини уйғотади. 2018 йилда мамлакатимизга жалб қилинган маблағлар таркибида жами инвестиция манбаларига нисбатан республика бюджети ва мақсадли жамғармалари улуши 8,9% ни, банк ва бошқа ташкилот қарз маблағлари улуши 14,9%, хорижий инвестиция ва кредитлар улуши 29,2%ни ташкил этди.

⁴1-Жадвал. Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Валиев Б. Б.
**ИНВЕСТИЦИЯ СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ХУДУДЛАРДА ИНВЕСТИЦИОН
 ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШ АСОСИ**

Умуман олганда минтақаларга жалб қилинаётган хорижий инвестицияларнинг 2018 йилда юқори ўсиш суръатига эга бўлгани, аксарият минтақалар инвестициялар таркибида хориждан молиялаштириш даражасининг ортиб боргани, сўнгги 5 йилликда иқтисодиёт кўламига нисбатан хорижий инвестициялар салмоғининг ошиб борганлиги чет эл капиталидан фойдаланиш даражасининг ортиб бораётганини англатади. Миқдорий жиҳатдан ўсиш кузатилаётган бўлса-да, чет элдан жалб қилинаётган маблағларнинг таркибий тузилишини сифат жиҳатдан баҳолаш ҳам алоҳида аҳамият касб этади. 2018 йилда республикага жалб қилинган хорижий маблағларнинг 41,7%ни инвестициялар, қолган 58,3%ни эса кредитлар ташкил қилган (2-жадвал).

2-жадвал.

**Ўзбекистонда асосий капиталга хорижий инвестиция ва кредитларнинг
 ҳудудлар кесимида таркиби, 2018 й.⁵**

Ҳудудлар	Жами млрд.сўм	шу жумладан, %да		Тўғридан-тўғри ва бошқа инвестиция ва кредитлар		шу жумладан, %да	
		инв-я	кредит	млрд. сўм	жами хорижий инвестиция нисбати	инв-я	кредит
Республика бўйича	31350,0	41,7	58,3	14660,4	46,8	89,3	10,7
Қорақал-н Республикаси	1512,1	29,4	70,6	444,3	29,4	100,0	-
вилоятлар							
Андижон	878,6	65,9	34,1	758,7	86,4	76,4	23,6
Бухоро	4190,1	91,8	8,2	3845,5	91,8	100,0	-
Жиззах	392,3	81,0	19,0	317,6	81,0	100,0	-
Қашқадарё	8339,2	18,0	82,0	1503,7	18,0	100,0	-
Навоий	3662,1	2,5	97,5	123,7	3,4	73,0	27,0
Наманган	2822,6	16,1	83,9	453,6	16,1	100,0	-
Самарқанд	384,1	61,5	38,5	242,6	63,2	97,4	2,6
Сурхондарё	1788,7	40,7	59,3	728,8	40,7	100,0	-
Сирдарё	261,1	53,7	46,3	144,0	55,2	97,4	2,6
Тошкент	1760,0	71,0	29,0	1299,0	73,8	96,3	3,7
Фарғона	1250,3	82,5	17,5	1136,0	90,9	90,8	9,2
Хоразм	355,5	43,0	57,0	152,7	43,0	100,0	-
Тошкент ш.	3753,3	61,6	38,4	3510,0	93,5	65,8	34,2

Бу эса мамлакатга кириб келган чет эл сармояларининг ярмидан ортиғи кредит шаклида эканини, бу эса келгусида ушбу кредитларнинг устама фоизи билан қайтариш мажбуриятининг ҳам мавжудлигини кўрсатади. Бошқача айтганда, ўзлаштирилаётган кредитлар молиялаштирилаётган лойиҳаларнинг самарали ёки муваффақиятсиз кечишидан қатъий назар келгусида кўшимча фоиз тўловлари билан албатта

⁵ 2 -Жадвал. Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

**ИНВЕСТИЦИЯ СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ХУДУДЛАРДА ИНВЕСТИЦИОН
ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШ АСОСИ**

қайтарилиши лозим бўлади. Молиялаштириш маблағлари инвестиция шаклида жалб қилинса лойиҳанинг муваффақиятли амалга оширилишига инвесторлар ҳам масъул бўладилар. Чунки ҳар қандай инвестор ишлаб чиқаришга маблағлар киритаётганда лойиҳанинг rischi ва истиқболлини чуқур баҳолашга ҳаракат қилади.

2018 йилда Навоий (жалб қилинган маблағлар таркибида кредитлар улуши 97,5%), Наманган (83,9%), Қашқадарё (82%) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида (70,6%) иқтисодийга ўзлаштирилган чет эл сармоялари таркибида кредитлар катта қисмини ташкил этган. Бу эса республика олдида асосан мазкур минтақаларга жалб қилинган маблағларнинг келгусида қайтариш мажбурияти турганлигини кўрсатади.

Айтилган йилда Бухоро (жалб қилинган маблағлар таркибида инвестициялар улуши 91,8%), Жиззах (81%), Фарғона (82,5%), Тошкент (71%), Андижон (65,9%) вилоятлари ва Тошкент шаҳрида (61,6%) хориждан жалб қилинган маблағлар таркибида инвестицияларнинг улуши нисбатан юқори бўлган.

Маълумки, республика иқтисодийга жалб қилинаётган чет эл инвестициялари давлат кафолатисиз жалб қилинган ҳолатда уларни тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар сифатида ҳисобга олинади. Бошқача айтганда, қачонки хорижий инвестор мамлакатимиз иқтисодийга ишонса, юртимизда ишлаб чиқариш эркинлиги ва ундан фойда олиш имконини топа олса ҳукумат кафолат бермаса ҳам ўз маблағларини ишлаб чиқаришга киритади. 2018 йилда мамлакатимиз иқтисодийга жалб қилинган 31,3 трлн. сўмдан ортиқроқ чет эл маблағларининг 46,8% гина давлат кафолатисиз, яъни тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар шаклида кириб келган.

Тадқиқот натижаларининг муҳокамаси

Мамлакатимиз ҳудудларида инвестицияларнинг иқтисодий тармоқлари бўйича таркибини таҳлил қилиш натижасига кўра республикада асосий капиталга инвестицияларнинг салмоқли қисми хомашё сектори (тоғ-кон саноати) соҳасига тўғри келмоқда. Иқтисодийга жалб қилинаётган хорижий инвестицияларнинг салмоқли қисми, яъни 54% га яқини хомашё билан боғлиқ тармоқларга – тоғ-кон саноати, электр, газ билан таъминлаш соҳаларига жалб қилинган. Республикада рақамли иқтисодий шакллантириш бўйича олиб борилаётган иқтисодий сиёсат шароитида ахборот ва коммуникация тармоғига жалб қилинаётган инвестициялар салмоғи камлигича қолмоқда. Шу билан бирга, молия ва суғурта, илмий ва таълим каби замонавий соҳаларнинг асосий капитални шакллантиришдаги улуши ҳам паст даражада қолмоқда.

Мамлакатимизга жалб қилинаётган хорижий инвестициялар миқдор жиҳатдан ортиб бораётганига қарамасдан, уларнинг таркибидаги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улуши камлигича қолмоқда. Шунингдек, республикага чет элдан ўзлаштирилаётган маблағлар таркибида кредитларнинг улуши ҳам салмоқли ортиб бормоқда. Бошқача айтганда, сўнгги йилларда хорижий инвестицияларнинг ўсиши асосан давлат кафолати остида кириб келаётган маблағлар ва халқаро молия ташкилотларининг кредитлари ҳисобига юз бермоқда. Ушбу ҳолат республика ва унинг ҳудудларида иқтисодийнинг рақобатдошлигини ошириш, инвестиция муҳитини яхшилаш, инвестиция рискларини камайтириш, кадрлар салоҳиятини ошириш орқали инвесторларнинг иқтисодийга бўлган тўлиқ ишончини шакллантиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси ва унинг ҳудудларида инвестиция фаолияти асосий кўрсаткичларини баҳолаш натижалари мазкур соҳада қуйидаги муаммолар сақланиб қолаётганлигини кўрсатмоқда:

ИНВЕСТИЦИЯ СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ҲУДУДЛАРДА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШ АСОСИ

- ✓ инвестиция ресурсларини жалб қилишда ҳудудларнинг ўзаро юқори даражада фарқланиши давом этмоқда;
- ✓ аксарият ҳудудларнинг инвестицион ресурслари бўйича иқтисодий даромадларининг камлиги ҳисобига рентабеллик паст даражада қолмоқда;
- ✓ жалб қилинаётган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ҳажми етарли эмас ва уларнинг манбалари диверсификацияланмаган;
- ✓ модернизация қилиш, техник ва технологик қайта қуроллантириш учун инвестицияларни жалб қилиш даражаси қайта ишлашнинг самарали жараёнини таъминлаш учун етарли бўлмапти;
- ✓ иқтисодиётда давлатнинг юқори даражадаги иштироки сақланиб қолмоқда. Норматив муҳитнинг номуносиблиги инвестицияларнинг ўсиш имкониятини ва иқтисодий муаммоларни ҳал қилишни сезиларли даражада чеклайди;
- ✓ инфратузилманинг етарли даражада ривожланмаганлиги ва алоқа соҳасида муаммоларнинг мавжудлиги. Баъзи ҳудудларда фойдаланилмаётган кўплаб ишлаб чиқариш қуввати, электр энергиясини етказиб бериш муаммолари, қишлоқ жойларида муҳандислик-коммуникация инфратузилмасининг ривожланмаганлиги;
- ✓ асосий воситаларни қайта ишлаш ва модернизация қилиш жараёнларида, айниқса, қайта ишлаш саноатига инвестиция ресурсларининг етарлича кирмаётганлиги;
- ✓ маҳаллий муҳандислик ва илмий-тадқиқот ишлари, замонавий технологияларнинг йўқлиги. Маҳаллийлаштиришнинг паст даражаси ва ишлаб чиқариш компонентларининг импортга кучли боғлиқлиги;
- ✓ инфляциянинг юқори даражасининг сақланиб қолиши инвесторларнинг ишлаб чиқаришга пул маблағларини киритишларига тўсиқ бўлади.

Юқорида келтирилган муаммоларни тизимли ва оқилона ҳал этиш учун **Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегиясини** ишлаб чиқиш талаб этилади. Бунинг учун, аввало, ўрта муддатга мўлжалланган инвестиция сиёсати стратегиясининг пухта ишлаб чиқирилиши таъминлаш зарур. Ўзбекистон Республикасининг ўрта муддатга мўлжалланган инвестиция сиёсати стратегияси “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини бешта устувор йўналиш бўйича ривожлантириш “Ҳаракатлар стратегияси” ни амалга ошириш бўйича Давлат дастурини амалга ошириш доирасида ишлаб чиқирилиши белгиланган.

Ушбу кутилаётган Стратегия 2025 йилгача бўлган давр учун ишлаб чиқирилиши ва Ўзбекистон Республикаси инвестицион сиёсатини амалга оширишнинг устувор йўналишларини белгиловчи асосий ҳужжат бўлиб, давлат ҳокимиятининг ижро этувчи органлари, маҳаллий ҳокимият органлари, ишбилармон доиралар ва бошқа манфаатдор томонларнинг инвестициялар соҳасидаги муносабатларини мувофиқлаштиришни таъминлашга хизмат қилиши даркор.

Стратегия Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепцияси доирасида инвестиция сиёсатини амалга оширишнинг асосий воситаларидан бири ҳисобланиши зарур.

Стратегияни алоҳида ҳужжат сифатида ишлаб чиқиш бизнесни ривожлантириш учун қулай воситани шакллантириш, минтақани ривожлантириш учун иқтисодий ва тармоқ устувор йўналишларини, шунингдек, инвестицион фаолиятни қўллаб-қувватлаш учун қўлланиладиган воситаларни яратиш зарурати билан боғлиқ. Стратегияни ишлаб чиқишнинг аҳамияти шундан иборатки, у иқтисодиёт тармоқлари ва минтақавий инвестиция сиёсати бўйича йўналишларни аниқлаб беради ва инвестицияларни

Валиев Б. Б.
**ИНВЕСТИЦИЯ СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ХУДУДЛАРДА ИНВЕСТИЦИОН
ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШ АСОСИ**

кўпайтириш ва диверсификация қилишга йўналтирилган инвестицион қарорларни шакллантиришга ёрдам беради.

Янги технологияларни жорий этиш, саноат маҳсулотларини рақобатбардошлигини ошириш ва диверсификациялашга қаратилган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш, кейинчалик жаҳон бозорларида глобал қўшилган қиймат занжирида иштирок этишга йўналтирилган фаол давлат инвестиция сиёсатини олиб боришни Стратегияда кўзда тутиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, республика ва ҳудудларда инвестициялар молиялаштириш манбаларини кенгайтиришда республикамизнинг алоҳида ҳудудлари нисбий устунликлари ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ҳудудий инвестиция стратегияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки ишлаб чиқариш қувватларини ҳудудларнинг нисбий афзалликларини, улардаги мавжуд ресурслар, инфратузилма, ишчи кучи каби омиллар имкониятларини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш капиталдан фойдаланиш самарадорлигини оширади ва охир-оқибатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардош бўлишини таъминлайди. Бу эса қўшимча молиялаштириш манбаларини топиш имконини беради. Минтақаларда табиий-ресурс, ишлаб чиқариш, иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятнинг ўзаро фарқланиши ушбу ҳудудлар барчасида ягона стандартлашган иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ёндашувини инкор этади. Шунинг учун, миллий иқтисодиётни таркибий қайта қуришда иқтисодий ислоҳотларнинг ҳудудий тузилиш ва пропорцияларни ўз ичига олувчи минтақавий жиҳатлари алоҳида аҳамиятга эгадир.

Шунинг учун мамлакатимизда Инвестиция сиёсати стратегиясининг **мақсадини** шакллантиришда 2025 йилга қадар мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш устувор йўналишлари, иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш, саноат салоҳиятини мустаҳкамлаш ва ҳудудларни ривожлантириш бўйича дастурларни амалга ошириш учун молиялаштириш манбалари ва механизмларини аниқлаш масалаларини эътиборга олиш зарур.

Стратегия ўз таркибида мамлакатимизда истиқболда инвестиция сиёсатини олиб боришда муҳим бўлган қуйидаги устувор йўналишларни қамраб олиши мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Мамлакатда жозибадор инвестиция муҳитини шакллантириш:

иқтисодий муносабатлар шаффофлиги даражасини ошириш, инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароитларни яратиш;

инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш, савдо логистикасини кенгайтириш, хорижий инвесторлар ва маҳаллий компаниялар ўртасида ишлаб чиқариш ва маркетинг алоқаларини ривожлантириш;

қулай инвестиция муҳити ва ишбилармонлик муҳитини яратишда маҳаллий ҳокимият органлари мустақиллиги ва ролини ошириш;

республикада мавжуд ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларидан самарали фойдаланиш ва уни ривожлантириш;

ишлаб чиқаришни энергия ресурслари билан таъминлашда бозор инструментларидан фойдаланишни жорий этиш;

2. Инвестицияларнинг ички молиялаштириш манбалари ва инвестицион ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш:

корхона сифатини яхшилаш ва корхоналарнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш орқали уларнинг инвестиция имкониятларини кенгайтириш;

ИНВЕСТИЦИЯ СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ҲУДУДЛАРДА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШ АСОСИ

давлат маблағларини самарали тарзда тақсимлаш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини назорат қилишни такомиллаштириш;

тижорат банкларининг инвестиция салоҳиятини кенгайтириш ва банк тизимида бозор механизмларини тўлақонли ишлатиш орқали кредитлар самарасини ошириш;

аҳоли маблағларини ишлаб чиқаришга фаол жалб қилишда молия бозори замонавий инструментларидан кенг фойдаланишни ташкил этиш;

3. Самарали ва тезкор чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутувчи хорижий инвестицияларни жалб этишнинг янги ёндашувларини ишлаб чиқиш:

хорижий инвесторларни жалб қилиш, уларга ёрдам бериш ва уларни қўллаб-қувватлаш учун институционал механизмларни такомиллаштириш;

чет эл инвестицияларини жалб этиш ва уни сақлаб қолиш бўйича рағбатлантирувчи механизмларни шакллантириш;

тармоқ ва минтақавий ривожланиш дастурларига мувофиқ хорижий инвестициялар оқимларининг устувор йўналишларга жалб этилишини таъминлаш.

4. Иқтисодийга инвестицияларни жалб қилиш механизмини замонавий бозор инструментларидан фойдаланишни жорий этиш орқали такомиллаштириш

мамлакатда молия бозори институтларини ривожлантириш, фонд бозорини кенгайтириб бориш, корпоратив бошқарув тизимининг ривожланишига кенг шароитлар яратиш, халқаро суверен кредит рейтинглари юқори қаторидан жой олиш;

иқтисодийга инвестицияларни фаол жалб қилишда инвестиция агентликлари, инжиниринг компаниялари каби бозор механизми институтларидан кенг фойдаланишни рағбатлантириш орқали давлатнинг инвестицияларни жалб қилишдаги масъулиятини хусусий секторга ўтказиб бориш;

ҳудудлар нисбий устунликларини ҳисобга олган ҳолда хомашёни иккиламчи ва учламчи қайта ишлаш, меҳнат сиғимли ва илмталаб тармоқларини ривожлантиришга мавжуд истиқболли захиралар, фойдаланилмаётган ёки бўш турган майдон ва ишлаб чиқариш объектларидан самарали фойдаланиб инвестициялар жалб қилишни рағбатлантириш ва б.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Celio Hiratuka (2008) 'Foreign Direct Investment and Transnational Corporations in Brazil: Recent Trends and Impacts on Economic Development' Working Group on Development and Environment in the Americas.

Sanjaya Lall (2002) 'Linking FDI, technology development for capacity building and strategic competitiveness', Transnational corporations' volume 11 number 3, United Nations Conference on Trade and Development, Division on Investment, Technology and Enterprise Development.

Xiaolan Fu, (2007) 'Foreign Direct Investment, Absorptive Capacity and Regional Innovation Capabilities: Evidence from China', Abstract, Department of International Development University of Oxford.

Ахмедов Д.К. (2018) Бизнес-настроения в процессе реформ. Диалог государства с бизнесом определил пути совершенствования инвестиционного климата// Экономическое обозрение №5(221), -с.80-84.

Назаров Ш.Х. (2014) Методологические аспекты повышения конкурентоспособности регионов//Монография. Ташкент: IFMR, с.41.

Валиев Б. Б.
**ИНВЕСТИЦИЯ СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ҲУДУДЛАРДА ИНВЕСТИЦИОН
ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШ АСОСИ**

Обломуродов Н.Н. (2018) Инвестицион фаолиятни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш // “Иқтисодий ва инновацион технологиялар” илмий электрон журналы, №6, 7-б.

Садыков А.А. (2005) Основы регионального развития: теория, методология, практика//Монография. Ташкент. «IQTISOD-MOLIYA», С. 198.

Собиров А.А. (2018) Ҳудудларнинг нисбий афзалликлари ва инвестицион жозибдорлиги омиллари // Иқтисодий ва инновацион технологиялар” илмий электрон журналы, №6, 6-б.

Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси статистик тўплами “Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. 2018 йил январь-декабрь”, Тошкент, 2019 й. 96-121 бб.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга мурожаатномаси. <http://uza.uz>

**ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ОПТИМАЛЛАШТИРИШ
УСУЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ****М.Т.Мавлянов**СамВМИ Табиий ва илмий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси,
ТДИУ мустақил тадқиқотчисиEmail: majid.mavlyanov1975@gmail.com

Аннотация. Мақолада чорвачилик тармоғини ривожлантиришда оптималлаштириш усулларини қўллашнинг афзалликлари ёритилган.

Аннотация. В статье изложены преимущества применения методов оптимизации в животноводстве.

Abstract. The article outlines the benefits of using optimization techniques in animal husbandry.

Таянч сўзлар: инновация, кластер, қорамолчилик, бозор, гўшт ва сут ишлаб чиқариш, пода ҳаракати, пода таркиби, оптималлаштириш, мезон, чеклаш шартлари

Ключевые слова: инновация, кластер, скотоводство, рынок, мясомолочная продукция, оборот стада, структура стада, оптимизация, критерий, ограничивающие условия.

Keywords: innovation, cluster, cattle breeding, market, meat and dairy products, herd movement, herd structure, optimization, criterion, limiting conditions

Кириш

Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоғи бўлиб, бу тармоқда мамлакатдаги жами иш кучининг қарийб 26 фоизи банд бўлиб, улар томонидан ялпи ички маҳсулотнинг 17,3 фоизи миқдориди маҳсулот тайёрланади. 2018 йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорти мамлакатнинг жами экспортининг 9,3 фоизини ташкил қилган.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги деҳқончилик ва чорвачилик тармоқларига ажралади. Чорвачилик тармоғининг асосий бўғинини қорамолчилик ташкил қилиб, гўшт ва сут маҳсулотларини етиштириб беради. Республикамизда етиштириладиган жами қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг қарийб ярмини (46,6%) чорвачилик маҳсулотларини ташкил этади. Чорвачилик тармоғи мамлакат аҳолиси озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш билан бир қаторда қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, енгил саноат, тиббиёт ва бошқа соҳалар учун хомашё етказиб беришга хизмат қилади.

Мамлакатимизда чорвачилик тармоғининг муҳим жиҳатларидан бири тармоқда етиштириладиган маҳсулотларнинг асосий қисми деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари хўжаликларига тўғри келади. Масалан, 2018 йилда мамлакатимизда ишлаб чиқарилган тирик вазндаги гўштнинг 92,6 фоизи, сутнинг 95,6 фоизи тухумнинг 58,4 фоизи, жуннинг 87,5 фоизи айнан деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари ҳиссасига тўғри келган¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари. <http://stat.uz>

М.Т.Мавлянов
ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ОПТИМАЛЛАШТИРИШ
УСУЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Чорвачилик тармоғини жадал ривожлантириш халқимизни арзон ва сифатли гўшт ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, айниқса қишлоқ жойларида истиқомат қилаётган фуқароларнинг бандлигини ошириш ва даромадларини кўпайтиришда муҳим ўрин тутди.

Шу билан бирга, ҳудудлардаги ишларнинг ҳозирги ҳолати мазкур тармоқ корхоналарини қўллаб-қувватлаш, озуқа базасини кўпайтириш, наслчиликни яхшилаш, шу жумладан сунъий уруғлантиришни ривожлантириш ва наслчилик хўжаликларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида аниқ комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этмоқда².

Мавзуга оид адабиётларнинг танқидий таҳлили

Қишлоқ хўжалигида, хусусан, чорвачиликда маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштириш мавзусида кўплаб мамлакатимиз ва хориж олимлари илмий изланишлар олиб боришган.

А.С. Байуотер сутчиликка ихтисослашган чорвачилик комплексларида пода ҳаракатини ва чорва молларини озиқлантиришда ёрдамчи восита сифатида фойдаланишга мўлжалланган имитацион моделни ишлаб чиққан. Уларнинг ишларида асосан сутчилик йўналишидаги чорвачилик комплексларида сут ишлаб чиқариш жараёнини моделлаштириш ва оптималлаштиришга қаратилган [Bywater, 1976]. P.D.P.Wood ҳам соғин сигирларида суткалик соғин миқдорига таъсир этувчи омилларни ўрганган. Суткалик соғин миқдорига турли хил омиллар таъсир қилиши билан бир вақтда локус орқали аниқланадиган ҳафталик умумий соғин эгри чизиғи шакли ўзгармайди. Бу эса соғин сигирларнинг маҳсулдорлиги нафақат озиқлантириш миқдори ва таркибига балки лактация даврининг маълум даврларига ҳам боғлиқлигини кўрсатади. Wood фикрича, соғин сигирларнинг озуқа рационини тузишда сигирларнинг ёши ва лактация даври бўйича гуруҳларга ажратишни талаб қилади [Wood, 1967].

Шунингдек, сут ишлаб чиқариш жараёни, уни сотишдан олинадиган фойдани ҳамда чорва молларини рационал озиқлантиришнинг моделлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. France тадқиқотларида, шундай мазмундаги комплекс моделларни компьютер дастурлари орқали ечиш орқали чорвачилик фермаларида ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштириш масалалари қараб чиқилган [France ва бошқ., 1982].

Иқтисодий-математик моделлар ва усуллардан қишлоқ хўжалиги иқтисодий жараёнларини моделлаштиришда самарали фойдаланиш мумкин. Бу усуллардан фойдаланган ҳолда адекват (мутоносиб) оптимал ечимларни аниқлаш ва самарали бошқаришда фойдаланилади. Жумладан, чорвачиликда чорва молларини оптимал озуқа рационини тузиш, озуқа базасидан оптимал фойдаланиш (тақсимлаш) ҳамда йирик шохли қорамолларнинг йиллик оптимал пода ҳаракати ва таркибини моделлаштириш масалаларидан фойдаланиш чорвачиликни режалаштириш ва самарали бошқаришда муҳим аҳамият касб этади [Гатаулин ва бошқ., 1990].

Байуотер ва Дент томонидан бажарилган тадқиқотларда, соғин сигирлар организмда озиқ моддаларнинг сўрилиши ва тақсимланишини имитацион моделлаштиришнинг конструкцион модели тадқиқ этилган, ва моделни амалга ошириш йўллари кўрсатиб берилган [Bywater and Dent, 1976]. Моделлаштириш мақсади – сутчилик фермаларини бошқаришга ёрдам беришдан иборат.

Чудлей тадқиқотларида Кениянинг сутчилик фермаларини такомиллаштиришда нисбатан содда иқтисодий моделларни қўллашнинг афзалликлари кўрсатиб берилди [Chudleigh, 1977]. Чудлейнинг фикрича бундай мазмундаги моделлардан кичик ҳажмли

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида. Тошкент ш., 2019 йил 18 март. ПҚ-4243-сонли.

М.Т.Мавлянов
ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ОПТИМАЛЛАШТИРИШ
УСУЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

чорвачилик фермаларининг самарадорлигини оширишда, ресурсларни оптимал тақсимлашнинг харажатларини иқтисодий таҳлил қилишда фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Чорвачиликни кластерли ёндашув орқали ривожлантириш, ва бу жараёнларни тадқиқ этишда оптималлаштириш усулларини қўллаш ҳозирги вақтдаги долзарб масаллардан бир ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотда иқтисодий ва статистик таҳлил, қиёсий таҳлил, иқтисодий жараёнларни математик моделлаштириш каби усулларидадан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Чорвачиликда, гўшт ишлаб чиқаришни оптималлаштиришга оид тадқиқотларда, қаралаётган масалаларни оптималлаштириш усуллари билан ҳал этиш мақсадга мувофиқлиги қайд этилади. Масалан, Уилтон ва бошқалар [Wilton and etc.,1974] томонидан тақдим этилган гўшт ишлаб чиқариш тизимини, бошқа ишлаб чиқариш жараёнлари билан интеграциялаштиришни оптималлаштириш масаласи фикримизни далили бўлади. Тақдим этилаётган моделда деҳқончилик, бўрдоқчилик ва селекциялар, алоҳида блоklarга ажратилади ва мос равишда экин майдонлари, меҳнат ресурслари, ҳайвонлар ва озукаларни сақлаш учун биноларга бўлган талаблар шакллантирилади. Танланган оптималлаштириш усули ва олинган натижалар бўйича Онтарио провинциясидаги турли хил ҳажмли учта насли сизирлар парваришланадиган корхоналарда таҳлиллар ўтказилган.

Миллер ва бошқалар томонидан Жанубий Колорадонинг тоғли ранчосида кейинги йил учун бошқарув стратегиясини ишлаб чиқишни чизикли дастурлаш масаласи таклиф қилинади [Miller and etc.,1978]. Моделда ер, меҳнат ва молиявий ресурсларга нисбатан мавжуд чеклаш шартлари инобатга олинган, ҳар бир фаолият турлари (масалан, сутчилик ва бўрдоқчилик пода таркиби, озиқабоп экин майдонлари, яйловлар ва бошқ.) бўйича кўрсаткичлар ҳисоблаб чиқилган. Бу олимларнинг илмий ишларини ўрганиш, чорвачилик корхонасини ишлаб чиқаришини кенгайтириш масалаларини оптимал ечимларини аниқлашни параметрик дастурлаш орқали ҳам амалга ошириш мумкинлигини кўрсатади. Мақолада тақдим этилаётган моделда 127 та чеклашлар ва 274 та ўзгарувчилардан фойдаланилган. Олимларнинг кейинги тадқиқотларида, қаралаётган масалалар умумлаштирилади ва режалаштириладиган йил учун мол гўшти ишлаб чиқаришнинг параметрларини аниқловчи оптималлаштириш масаласида келтирилади. Тадқиқотда, “мол гўшти ишлаб чиқаришни” беш йиллик режасини оптимал параметрларни аниқлаш учун чорва моллари “озуқа базаси режалари” ва “бўрдоқи молларни озиқлантириш режимлари” нинг оптимал таркиби аниқланган [Miller and etc.,1980].

Н.М.Морозов ва бошқалар томонидан чорвачилик фермер хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг таркиби ва пода ҳаркатининг оптималлаштириш моделида, қорамолларнинг пода ҳаракати, қорамолларни 19 та жинс ва ёш гуруҳларига ажратилиб ўрганилган. Тақдим этилаётган моделнинг ўзига хос хусусияларидан бири қорамолларнинг пода ҳаракати ва таркиби йилнинг чораклари бўйича моделлаштирилиб, кейин йиллик кўрсаткичларни умумлаштирилиши ҳисобланади. Оптималлик мезони сифатида сут, сут ва гўшт, гўштни реализация қилишдан олиннадиган даромадни максималлаштириш каби мезонлар олинган [Морозов ва бошқ., 2003].

М.Т.Мавлянов
ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ОПТИМАЛЛАШТИРИШ
УСУЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Агросаноат кластерларида ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштириш, кластер иштирокчиларининг ўзаро иқтисодий муносабатларини оптималлаштириш масалалари Т.С.Бузина томонидан умумлаштирилган кўринишда таклиф қилинган. Бузина томонидан таклиф қилинган модель қишлоқ хўжалиги, қайта ишлаш ва реализация қилиш блокларидан ҳамда блокларни боғловчи матрицадан иборат бўлади. Оптималлик мезони сифатида кластер аъзолари бўлган субъектларнинг ўз маҳсулотларини реализация қилишдан оладиган даромадларини максималлаштириш олинган. Модел Россия Федерациясининг Иркутск вилоятидаги Иркутск-Шелеховск сутчилик кластерига татбиқ қилинган. Моделда 49 та ўзгарувчи ва 54 та чеклашлардан фойдаланилган [Бузина ва Иваньо, 2015].

Мамлакатимиз чорвачилигида қорамолчилик асосий ўринни эгаллайди. Республикамиз қорамолчилигида ривожланиш тенденциясини кузатишмоқда. Мамлакатимизда, йирик шохли қорамолларнинг бош сони 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига 12 726,6 минг бошни ташкил қилиб, 2011 йилга (9 094,7 минг бош) нисбатан қарийб 40 фоизга ошган.

Қорамол гўшти (тирик вазнда) ишлаб чиқариш 2011 йилда 667,5 минг тоннани ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2018 йилда 2011 йилга нисбатан 28 фоиз ёки 854,4 минг тонна, сут ишлаб чиқариш эса 53 фоизга ёки 10 480,7 минг тоннага ошган.

1-жадвал


Йирик шохли қорамоллар маҳсулдорлиги рейтинг³

Рейтинг ўрни	Мамлакат	Йиллар					
		2017	2016	2015	2010	2005	2000
Қорамолларнинг ўртача тирик вазни, кг							
1	Сингапур	450	450	450	375	341,7	300,8
2	Япония	448,8	441,7	428,7	422,6	407,7	414,2
3	Эрон	401,4	375,2	360,1	284	139,9	136,9
...							
115	Ўзбекистон	171,1	190,7	186,1	180	180	172
Ўртача йиллик соғин, кг							
1	АҚШ	10180,7	10075,2	9895,8	9233,1	8600,2	8038,3
2	Дания	9748,8	9542,6	9547,7	8640,2	8123,8	7421,1
3	Эстония	8964,2	8487,5	8032,3	6807,4	5676,8	4478
...							
87	Ўзбекистон	1223,6	1231,8	1263,9	979,7	1237	1293,3

Самарқанд вилояти чорвачилик маҳсулотларини етиштириш бўйича Республикада етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Хусусан, 2018 йилда вилоятда 290,9 минг тонна гўшт ва 1 272,9 минг тонна сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилган, бу кўрсаткичлар бўйича вилоятнинг республикадаги улуши мос равишда 12 ва 12,1 фоизини ташкил қилади. Эконометрик таҳлиллар ўтказилганда Самарқанд вилоятида йирик шохли қорамоллар бош сони ўсиш тенденциясини намоён қилиб, 2021 йилда 1 620 минг бошдан ошиши кутилаётганлиги аниқланди [Мавлянов, Эшонқулов, 2018].

³Манба. Food and Agriculture Organization of the United Nation (FAO) маълумотлари асосида тузилган

М.Т.Мавлянов
ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ОПТИМАЛЛАШТИРИШ
УСУЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ



1-расм. Ўзбекистонда йирик шохли қорамолларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичлари динамикаси (2000-2017 й.й.)

Республикамызда бўлгани сингари, Самарқанд вилояти чорвачилигида “сон” ва “сифат” мутаносиблиги талаб даражасида эмас. Масалан, FAO маълумотларига кўра 2017 йилда йирик шохли қорамолларнинг гўшт маҳсулдорлиги бўйича дунё мамлакатлари ичида Ўзбекистон 115 ўринни эгаллаган. Мамлакатимиз, қорамолчилик ривожланган Япония ва Эронга нисбатан қорамолларнинг гўшт (тирик вазнда) маҳсулдорлиги бўйича 2,3-2,6 марта, сигирларнинг сут маҳсулдорлиги бўйича АҚШ, Дания ва Эстонияга нисбатан 7,3-8,3 баробар паст кўрсаткичларга эгаллиги фикримизнинг далилидир. (1-расм).

Тадқиқот натижаларининг муҳокамаси

Ўрганишлар чорвачиликни самарали ривожлантириш жуда кўп омилларга боғлиқлигини кўрсатади.

Бозор иқтисодиёти шароитида, чорвачилик тармоғида хўжалик юритиш механизми қандай шаклда бўлишидан қатъий назар, зоотехния фани томонидан қўйиладиган меъёрларга ва талабларга риоя қилиниши муҳим ҳисобланади. Шу боисдан чорва моллари пода таркибида – уларнинг жинс-ёши бўйича гуруҳлараро ўзаро мутаносиблигини таъминланган бўлиши тақазо қилинади.

Чорвачиликнинг ихтисослашганлигига кўра чорва молларининг жинс-ёши бўйича бир гуруҳдан бошқа гуруҳга (масалан, бир ёшгача бўлган урғочи бузоқларни, маълум вақтдан сўнг, таналар ҳисобига қўшилиши) ўтказилиши жараёнида, уларнинг маълум бир қисми ҳисобдан чиқариб борилади.

Ҳисобдан чиқариш дейилганда, у ёки бу гуруҳларга мансуб қорамолларни сотиш, тирик вазнда ёки сўйилган ҳолатда гўштга топшириш ва бошқа жараёнлар назарда тутилади.

Пода таркиби чорвачиликнинг муҳим таснифини характерлайди. Пода таркиби, тармоқнинг ривожланиши нуқтаи назаридан ва унинг асосий иқтисодий кўрсаткичларини ҳисоб-китобларида қўлланилишига кўра чорвачиликнинг потенциал

М.Т.Мавлянов
ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ОПТИМАЛЛАШТИРИШ
УСУЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

имкониятларини белгилайди. Пода таркиби чорва молларининг жинс-ёши бўйича шакллантирилади.

Чорвачилик кластерининг фермер хўжаликларида пода таркиби “гўштга йўналтирилган”, “сутга йўналтирилган” ва “сут-гўштга йўналтирилган” бўлиши мумкин. Республикамиз чорвачилигида “сут-гўштга йўналтирилган” чорвачилик фермер хўжаликлари етакчи ўринни эгаллайди.

Чорвачилик кластери – бу, қорамолчиликни ривожлантиришга ихтисослашган фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари, қишлоқ хўжалик корхоналарининг ўзаро ҳаракатларининг очиқ тизимидир. Улар кооперацион алоқалар, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимини бошқариш функциясини бажарувчи интегратор – компания атрофида қуриладилар. Интегратор – диспетчер, оператор, наслчилик ишлари билан шуғулланадиган кичикроқ селекцион марказ, технолог каби функцияларни ўз зиммасига олувчи компания бўлиб, у фермерларни ўз ишларини бажаришига имкон беради, фермерлардан чорва моллари ҳамда чорвачилик маҳсулотларини харид қилиш ишларини амалга оширади.

Ҳозирги даврда замонавий бошқарув қарорларини қабул қилишда Ўзбекистон агросаноатида “пахта-тўқимачилик”, “мева-сабзавот” ва чорвачилик каби кластерларни ташкил этилиши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг оптимал ва инновацион шакли ҳисобланади.

Чорвачилик кластерлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида таркибий ислохотларни чуқурлаштириш, давлатнинг ролини қисқартириш, тўғридан-тўғри инвестициялар жалб этиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг самарали ва инновацион усулларини жорий этиш, уларни қайта ишлаш ва харидорга етказишни самарали ташкил қилиш, шунингдек, аграр секторда меҳнат унумдорлигини ошириш каби имкониятларни яратади.

Ўрганишлар, чорвачилик кластерларида чорва молларини пода ҳаракати ва таркибини аниқлаш жараёнларида оптималлаштириш усуллардан фойдаланиш юқори самара беришини кўрсатади.

Бундай мазмундаги масалаларни ечишда пода таркиби ва ҳаракатини оптималлаштириш модели, шунингдек, қорамоллар пода таркибини ва сонини прогнозлаштириш моделларини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади (Урдушев ва Мавлянов, 2014). Умумий ҳолда бу моделлар қўйидаги боғлиқларни қамраб олади:

- қорамолларнинг ёши жинси бўйича ҳар бир гуруҳини муайян вақт оралиғидаги ҳаракати балансини;
- қорамолларнинг жинс-ёши бўйича қуйи гуруҳлардан юқори гуруҳларга ўтказилишини;
- қорамолларнинг ҳар бир жинс-ёш гуруҳлари бўйича ҳисобдан чиқарилишини;
- йил охирида шаклландиган қорамолларнинг ёш-жинслари гуруҳлари бўйича нисбатини;
- қорамолларни ёши-жинси бўйича гуруҳлари бўйича оптимал таркибини;
- чорва маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг йиллик режалари бажарилишини.

Масалани қўйилиши: фермер хўжалиги чорва молларининг шундай оптимал йиллик пода ҳаракатини топиш талаб қилинадиги, режалаштирилаётган йилнинг охирини ҳисобга олган ҳолда, қорамолларнинг ҳар бир жинс ва ёши гуруҳлари бўйича бош сонлари аниқлансин.

Масалани мақсади. Чорва молларининг пода ҳаракати ва таркибини оптималлаштириш масаласини ечиш натижасида, қорамолларнинг ҳар бир жинс-ёши гуруҳлари бўйича: ҳисобдан чиқариладиган ёки реализация қилинадиган; бир гуруҳдан

М.Т.Мавлянов
ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ОПТИМАЛЛАШТИРИШ
УСУЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

бошқа гуруҳга ўтказиладиган; йил охиридаги қорамоллар бош сони, сут ёки гўшт етиштиришнинг максимал кўрсаткичлари аниқланади.

Масаланинг оптималлик мезони сифатида фермер хўжалиги бўйича сут ишлаб чиқаришни максималлаштириш олинади:

$$\text{Масалан, } F(x)_{\max} = \sum_{j \in N} p_j x_j$$

Энди таклиф этилаётган пода таркиби ва пода ҳаракатининг математик моделини мазмунига тўхталиб ўтамиз [Морозов ва бошқ., 2003].

Сут ва гўшт етиштиришда турли хил ихтисослашув ҳамда чекланган сарф-харажатларни инобатга олиб пода таркибини мунтазам аниқлаб боришнинг иқтисодий математик модели муҳим аҳамиятга эга. Масаланинг тўғри тузилиши орқали озуқа, бино-иншоотлар, техник воситалар, капитал маблағларга бўлган талабни самарали шакллантириш мумкин.

Масала бир неча вариантларда қўйилиши мумкин:

- барча кўпайтириладиган шартли бошлар хўжаликда олиб қолинади;
- маълум ёшдаги новвосчалар реализация қилинади;
- энг яхши таналар подани тўлдириш учун олиб қолиниб қолганлари турли ёшларда реализация қилинади;

хўжаликнинг озуқа, бино ва иншоотлар, иш кучи ва бошқа ресурсларини ҳисобга олган ҳолда қуйи ёш-жинс гуруҳларининг маълум қисми юқори гуруҳларни тўлдиришга ҳамда қолган қисмини реализация қилишга йўналтирилади.

Математик модел кварталлар бўйича қорамолларнинг пода ҳаракатини аниқлашга қаратилади.

Берилган шартлар:

Йил бошидаги поданинг бош сони. Ҳар бир жинс-ёш гуруҳларининг бош сонини k ($k = 1, 2, \dots, K$, K -жинс-ёш гуруҳларининг ҳажми) орқали белгилаймиз.

Қуйидаги гуруҳлар аниқланади (қавс ичида гуруҳ тартиби берилган):

- сигирлар (соғиндаги, буғоз) (1);
- насли буқалар (2);
- 3 ойлик буғоз ғунажинлар (3);
- 6 ойлик буғоз ғунажинлар (4);
- 9 ойлик буғоз ғунажинлар (5);
- 3 ойликкача таначалар (6);
- 3-6 ойлик таначалар (7);
- 6 ойликдан 18 ойликкача таналар (кварталлар бўйича) (8,9,10,11);
- 3 ойликкача новвосчалар (12).
- 3-6 ойлик новвосчалар (13);
- 6 ойликдан 18 ойликкача новвослар (кварталлар бўйича) (14,15,16,17);
- 18-24 ойлик, 21-24 ойлик бўрдоқи новвослар (18,19);

α_j – бракка чиқариш коэффициенти;

$\bar{\alpha}_j$ – талофат коэффициенти;

ω_{rj} – ҳар бир гуруҳдаги қорамолларнинг тирик вазни. Бунда r – квартал тартиб рақами ($r = 1, 2, 3, 4$). Агар кварталда бирор гуруҳдаги қорамолнинг вазн ўзгариши ҳақида ахборот мавжуд бўлса r ҳисобга олинади;

V_j – j -сигирлар гуруҳидаги сигирнинг ойлик ўртача маҳсулдорлиги;

\bar{V}_j – биринчи туғруқдан кейинги дастлабки уч ойликдаги сигирларнинг ўртача ойлик маҳсулдорлиги;

q_{jr} – ҳар бир гуруҳдаги қорамол маҳсулдорлигини ҳисобга олган ҳолда кварталда сарф қилинадиган озуқа бирлиги миқдори, ц;

М.Т.Мавлянов
ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ОПТИМАЛЛАШТИРИШ
УСУЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

\bar{q}_{jr} – ҳар бир гуруҳдаги қорамол маҳсулдорлигини ҳисобга олган ҳолда кварталда сарф қилинадиган ҳазм бўладиган протеин миқдори, ц;

β_{jr} – кварталлар бўйича сотиладиган қорамолларнинг солиштирама вазни;

S_{jr}, S_j – поданинг кварталлар ва йил давомида тўлдирилиши

$$\sum_{r=1}^4 S_{jr} = S_j.$$

Моделлаштиришда жинс-ёш гуруҳлардан маҳсулдор подани тўлдиришда 18 ойдан катта бўлган уруғлантирилган таналар ва новвослар эканлигига асосланамиз. Шартларда мавжуд озуқалар (етиштирилган ва харид қилинган) бўйича ҳам чеклашлар киритилиши мумкин. Бу кўп томондан ечимнинг ҳаққонийлигини таъминлашда муҳим шарт ҳисобланади.

Ҳар бир гуруҳлар бўйича барча кварталларда харажатлар ва олинган маҳсулотлар кварталнинг охириги санаси бўйича қараймиз, яъни, қорамоллар бутун квартал давомида маҳсулдорлик циклида бўлган.

Қўйилган шартлар бўйича поданинг оптимал ҳаракатини математик моделлаштириш жараёнига ўтамиз.

Чеклашларнинг биринчи гуруҳига сигирларнинг йиллик ҳаракати тасвирланади.

$x_{11}, x_{12}, x_{13}, x_{14}$ – мос равишда 1-,2-,3-,4-кварталлардаги сигирларнинг бош сони.
 $x_{21}, x_{22}, x_{23}, x_{24}$ – мос равишда 1-,2-,3-,4-кварталлардаги бракка чиқарилиб гўштга топшириладиган сигирларнинг бош сони.
 $x_{31}, x_{32}, x_{33}, x_{34}$ – мос равишда 1-,2-,3-,4-кварталлардаги асосий подадан сотиладиган сигирларнинг бош сони.
 x_{42}, x_{43}, x_{44} – мос равишда 2-,3-,4-кварталларда асосий подадаги сигирларни тўлдиришга ўтказилган ғунажинлар бош сони.

Биринчи гуруҳ муносабатлари- подадаги сигирлар ҳаракати:

Жорий йилнинг биринчи кварталидаги сигирлар бош сони бўйича:

$$b_1 = x_{11} + x_{21} + x_{31} + x_{42}. \quad (1)$$

Жорий йилда кварталлар бўйича кейинги кварталга ўтадиган сигирлар бош сони бўйича:

$$\begin{aligned} x_{11} &= x_{41} + x_{12} + x_{22} + x_{32} \\ x_{12} &= x_{42} + x_{13} + x_{23} + x_{33} \\ x_{13} &= x_{43} + x_{14} + x_{24} + x_{44} \end{aligned} \quad (2)$$

Йил охирида асосий подадаги сигирлар бош сони бўйича:

$$x_1 = x_{14} + x_{44}. \quad (3)$$

Йил охирида сигирлар бош сони йил бошидагидан кам бўлмаслигини эътиборга олиш талаб қилинади. Бундан ташқари бош сонини ошириш имкониятларини ҳам ҳисобга олиш керак. Шу сабабли қуйидаги чеклашларни киритиш мақсадга мувофиқ бўлади:

$$x_1 = \gamma_1(x_{11} + x_{21} + x_{31}). \quad (4)$$

Бу ерда, γ_1 – йил бошига нисбатан йил охиридаги сигирлар боши неча мартага кўп бўлишини билдиради. Масалан, йил охирида сигирлар бош сони 10% кўпайиши керак бўлса $\gamma_1 = 1,1$ бўлади.

Кейинги чеклашимиз асосий подадан ҳисобдан чиқариш бўйича бўлади. Бунинг учун қуйидаги усулдан фойдаланишимиз мумкин:

$$\frac{x_1 + \gamma_1 x_1}{2 \cdot 100} \cdot \alpha_1 = L_1. \quad (5)$$

Кварталлар бўйича ҳисобдан чиқариладиган сигирларнинг умумий сони

$$x_{21} + x_{22} + x_{23} + x_{24} = L_1 \quad (6)$$

бўлади. Сигирларни кварталлар бўйича бир хилда ҳисобдан чиқариш қуйидаги кўринишда тасвирланади:

М.Т.Мавлянов
ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ОПТИМАЛЛАШТИРИШ
УСУЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

$$x_{2r} \leq \frac{L_1}{4}.$$

Ҳар ойда 10% сигирлар сутдан чиқишини ҳисобга олсак, битта сигирнинг кварталдаги маҳсулдорлиги қуйидагича бўлади:

$$V_j \cdot 0,9 \cdot 3 = 2,7V_j.$$

Озуқага бўлган талабни асосий подадаги сигирларнинг маҳсулдорлигидан келиб чиқиб x_{11} учун ҳисоблаймиз.

Ҳисобдан чиқариладиган x_{2r} сигирлар учун озиқлантириш алоҳида қаралади ва у мос равишда $0,5q_{jr}$ ва $0,5\bar{q}_{jr}$ га тенг бўлади.

Гўшт маҳсулдорлиги коэффиценти - ω_{jr} ; сут маҳсулдорлиги бўйича коэффицент $1,5V_j$ га тенг. x_{4r} бўйича тўла озуқа сарфидан фойдаланилади ва уларнинг сут маҳсулдорлиги $3\bar{V}_j$ га тенг бўлади. Бундан ташқари бу гуруҳдан бузоқчалар олиш ҳам назарда тутилади.

Иккинчи гуруҳ муносабатлари – таналарни подадаги ҳаракати:

Юқорида сигирлар гуруҳи учун бажарилгани каби бу гуруҳ учун ҳам муносабатлар кварталлар бўйича блокларга ажратилади.

Моделлаштириш жараёнида таналарни сақлаш даври учун уларнинг бракка чиқарилиш ва талофат коэффицентларини ҳисобга олиш зарур бўлади. Масалан, йил давомида 6%, ҳар бир кварталда 1,5% бир ёшгача бўлган таналар бракка чиқарилади. Бундан ташқари йил давомида 6%, ҳар бир кварталда 1,5% бир ёшгача бўлган таналар талофати кутилади. Демак, бир ёшгача бўлган таналарнинг нисбий бош сони (юқори гуруҳдаги таналарга нисбатан) тузатилган коэффиценти 0,97 га тенг бўлади.

Уч ойгача бўлган бузоқчаларнинг бош сони подадаги сигирлар ва ғунажинлар бош сони орқали шакллантирилади. Айтайлик туғруқлар бир хил тақсимланган бўлсин. Йил бошида 90% сигирлар соғинда, 10% туғруқ учун сақланаётган бўлсин. Ҳар 100 бош сигирдан 96 бош бузоқ олинсин. Демак ҳар бир кварталда 100 бош сигирдан 24 бош бузоқ олиниб, уларнинг 12 боши урғочи бузоқлар (эркак ва урғочи бузоқлар бир хил нисбатда деб оламиз). У ҳолда x_{1r}, x_{2r}, x_{3r} лар бўйича коэффицент 0,12 га, тузатилган коэффицент 0,97 эканлигидан 3 ойгача таначаларнинг бош сони коэффиценти 0,116 га тенг бўлади. Бундан ташқари таначаларнинг бир қисми ғунажинлар ҳисобидан олинади. 100 бош ғунажиндан 50 бош танача олинади. Бундан тўғирланган коэффицент инobatга олинса $0,5 \cdot 0,97 = 0,485$ га тенг бўлади. Демак,

$$x_{18r} = 0,116(x_{1r} + x_{2r} + x_{3r}) + 0,485(x_{4r} + x_{11r}). \quad (7)$$

Биринчи кварталда 3-6 ойлик таначалар бош сони ўтган даврда 3 ойликкача бўлган таначалар гуруҳи ҳисобидан шакллантирилади:

$$0,97b_k = x_{16r}. \quad (8)$$

Бунда, $k = 17, r = 1$.

Юқоридаги принцип асосида 6-18 ойлик таначаларнинг биринчи кварталдаги бош сони аниқланади; гуруҳда бракка чиқариш ва талофатнинг тўғирланган коэффиценти йил боши учун $U_{jr} = 0,97$, йил охирида $\bar{U}_{jr} = 0,99$ бўлиши инobatга олинганда

$$U_{jr} \cdot b_k = x_{jr} \quad (9)$$

Бу ерда, $k = 8,9,10,11$; $j = 8,9,10,11$; $r = 1$.

$k = 10,11$ бўлганда, $U_{jr} - \bar{U}_{jr}$ га алмаштирилади. Ўсиш гуруҳларидаги таначаларнинг кейинги уч кварталдаги бош сони ($k = 7,8,9,10,11$) қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$U_{jr} \cdot x_{jr} = x_{j+1,r+1} \quad (10)$$

М.Т.Мавлянов
ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ОПТИМАЛЛАШТИРИШ
УСУЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

$j = 9,10$ бўлганда $U_{jr} - \bar{U}_{jr}$ алмаштиришни қўллаш мақсадга мувофиқ.

x_4, x_5, x_6 ларнинг қийматлари қуйидагича аниқланади:

$$x_4 = x_{64}, \quad x_5 = x_{84}, \quad x_6 = x_{104} \quad (11)$$

Бракка чиқарилган таначалардан қўшимча олинадиган маҳсулот қуйидагича ҳисобланади:

$$\frac{\omega_{jr} \alpha_{jr}}{100} = \omega_{jr}^0 \quad (12)$$

Бунда, ω_{jr}^0 – j -гурӯҳдан r -кварталда бракка чиқарилган таначаларнинг тирик вази.

Уч ойликкача бўлган эркак бузоқчалар гуруҳи бош сони қуйидагича бўлади:

$$x_{11r} = 0,145(x_{1r} + x_{2r} + x_{3r}) + 0,482(x_{4r} + x_{24r}). \quad (13)$$

Уч ойликдан катта бўлган барча ёш гуруҳларидаги новвосларнинг биринчи кварталдаги бош сони

$$U_{jr} \cdot b_k = x_{jr} \quad (14)$$

Бўлади ($U_{jr} = 0,965$). Бу ерда, $k = 8,9,10,11$; $j = 8,9,10,11$; $r = 1$. Кейинги учта кварталда новвосларнинг барча ёш гуруҳлари бўйича бош сони

$$U_{jr} \cdot x_{jr} = x_{j+1,r+1} \quad (15)$$

бўлади. $j = 9,10$ бўлганда $U_{jr} - \bar{U}_{jr}$ алмаштиришни қўллаш мақсадга мувофиқ.

x_7, x_8, x_9 ларнинг қийматлари қуйидагича аниқланади:

$$x_7 = x_{12r}, \quad x_8 = x_{14r}, \quad x_9 = x_{16r} \quad (16)$$

Бракка чиқарилган ҳар бир ёш гуруҳларидаги новвослардан қўшимча олинадиган маҳсулот қуйидагича ҳисобланади:

$$\frac{\omega_{jr} \alpha_{jr}}{100} = \omega_{jr}^0 \quad (17)$$

Бунда, ω_{jr}^0 – j -гурӯҳдан r -кварталда бракка чиқарилган новвоснинг тирик вази.

Поладаги бўрдоқи новвослар гуруҳлари бўйича муносабатлар:

18-21 ойликдаги бўрдоқига боқув бўйича:

$$x_{jr} + x_{lr} = b_k \quad (18)$$

Бунда, $j = 6$.

18-21 ойликдаги бўрдоқига боқув бўйича:

$$x_{jr} + x_{lr} = b_k \quad (19)$$

Бунда, $j = 7$.

24 ойликдан ошган новвослар реализация қилинади ёки насли буқалар гуруҳига ўтказилади.

Хулоса ва таклифлар

1.Ўрганишлар Республикамизда чорвачилик тармоғини жадал ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган асосий муаммолар қуйидагилардан иборат:

- озуқа базасининг етарли шакллантирилмаганлиги. Озуқабоп экин майдонлари кескин камайиб кетиши, озиқ-овқат саноати чиқиндиларидан тайёрланадиган озуқабоп маҳсулотларни (шрот, шелха, кепак, барда ва бошқ.) сотиш тизимидаги монополистик ва коррупцион схемаларнинг мавжудлиги чорвачилик маҳсулотлари таннархининг мунтазам ошиб боришига сабаб бўлмоқда;

- наслчилик ва селекция ишларининг тўғри йўлга қўйилмаганлиги. Аҳоли қўлидаги чорва моллари асосан маҳаллий зотлардан иборат бўлиб, маҳсулдорлиги паст зотларни ташкил қилади. Импорт эвазига келтириладиган наслдор қорамоллар маҳаллий шароитга мослашиши қийин кечмоқда. Сунъий уруғлантириш орқали наслларни яхшилаш жараёни суст кетмоқда.

- соҳада малакали кадрларнинг етишмаслиги ва инновацион технологияларни жорий қилишнинг сустлиги. Наслдор зотларни яратиш, зооветеринария хизматларини

М.Т.Мавлянов
ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ОПТИМАЛЛАШТИРИШ
УСУЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

кўрсатиш, замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, механизациялаштириш, консалтинг хизматларини кўрсатиш ҳозирги давр талабларига мос келмайди.

- саноат усулида маҳсулот ишлаб чиқариш етарли эмаслиги. Замонавий чорвачилик комплексларини яратиш орқали маҳсулот таннархи пасайтириш, соҳага инновацион технологияларни тадбиқ этиш, чорва моллари маҳсулдорлигини сезиларли даражада ошириш, доимий иш жойларини яратиш имконияти яратилади.

- қайта ишлаш корхоналари жойлашининг номутаносиблиги. Сут ва гўшт маҳсулотлари тезда сифати бузилишини ҳисобга олган ҳолда қайта ишлаш корхоналари ташкил этишни талаб қилади. Кўпгина ҳудудларда қайта ишлаш корхоналарининг узоқ жойлашганлиги сабабли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи томонидан бирламчи қайта ишланади ва сифатсиз маҳсулотлар сотувга чиқарилади. Баъзан, қайта ишланмасдан қолиб кетади.

- сотиш тизимининг тўғри йўлга қўйилмаганлиги. Шаҳар аҳолисига (асосан бозорларда) ҳеч қандай сифат сертификатларига эга бўлмаган, саломатлик учун салбий таъсирга эга эмаслиги кафолатланмаган маҳсулотлар сотилиши тартибга олинмаган. Бундан ташқари, маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва қайта ишловчи ёки сотувчи ташкилотлар орасида воситачиларнинг кўплиги сабабли маҳсулот нархлари кескин ошиб кетиш ҳолатлари юзага келмоқда.

2.Чорвачиликда юзага келган юқоридаги муаммоларни ҳал қилишда кластерли ёндошув муҳим аҳамиятга эга. Чорвачилик кластерларини ташкил қилиш ва самарали фаолиятини йўлга қўйиш орқали аҳолининг гўшт, сут ҳамда уларни қайта ишлашдан олинadиган озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қаноатлантириш билан бирга кластер аъзолари бўлган субъектларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашга эришилади.

Чорвачиликка ихтисослашган агросаноат кластерларини ташкил қилиш ва самарали фаолиятини йўлга қўйишда “маҳсулот ишлаб чиқариш – қайта ишлаш – харидорга етказиш” занжиридаги иқтисодий субъектлар манфаатларини тўла қаноатлантирувчи оптималлаштириш масалаларидан самарали фойдаланиш мумкин.

Чорвачилик кластери ташқи омиллар билан ҳамда ички ҳолатдан келиб чиқиб тизимни бошқарувчи инсонлар таъсирида вақт мобайнида ўзгарувчи мураккаб иқтисодий тизимни ташкил қилади. Бундай тузилманинг эволюцион ҳолатини математик формула ва боғланишлардан иборат математик моделлар тизими орқали тасвирлаш мумкин. Чорвачилик кластери фермер хўжаликларида қорамолларнинг пода ҳаракати ва таркибини оптималлаштириш моделларини қўллаш асосида аниқлаш, тармоқнинг истиқболда рақобатли ва барқарор ривожлантиришда бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнларида илмий амалий асосланган манба бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

Chudleigh P.(1977). A model of the small scale enterprise: an aid to resourceallocation in agricultural development.- Agricultural Systems, 2, 67-82.

FAO – Food and Agriculture Organization of the United Nation. (2019). <http://fao.org/faostat/ru/> Bywater A.C. and Dent J.B. (1976). Simulation of the intake and partition of nutrients by the dairy cow: part I - management control in the dairy enterprise: philosophy and general model construction. - Agricultural Systems, 1, 245-260.

France J., Heal H.D.St.C., Marsden S. and Frost B. (1982). A dairy herdcash flow model. - Agricultural Systems, 8, 129-142.

Miller W.C., Brinks J.S. and Sutherland T.M.(1978). Computer assisted management decisions for beef production systems. - Agricultural Systems, 3,147-158.

М.Т.Мавлянов
ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ОПТИМАЛЛАШТИРИШ
УСУЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Miller W.C., Ward G.M., Yorks T.P., Rossiter D.L. and Combs J.J. (1980). A mathematical model of the United States beef production systems. - *Agricultural Systems*, 5, 295-307.

Wilton A.G., Morris C.A., Jensen E.A., Leigh A.O. and Pfeiffer W.C. (1974). A linear programming model for beef cattle production. - *Canadian Journal of Animal Science*, 54, 693-707.

Wood P.D.P. (1967). Algebraic model of the lactation curve in cattle. - *Nature*, London, 216, 164-165.

Бузина Т.С., Иваньо Я.М. (2015). Оптимизация взаимодействия участников в региональных агропромышленных кластерах. (Россия) Иркутск: Изд-во Иркутский ГАУ.

Гатаулин А.М. Гаврилов А.М., Сорокина Т.М. (1990). Математическое моделирование экономических процессов в сельском хозяйстве. (Россия) Москва: Агропромиздат, - 432 с.

Мавлянов М.Т., Эшонқулов С.Х. (2018). Қорамоллар бош сонини ўрта муддатли прогнозлаштириш. Иқтисодиётда инновация журнали (Электрон нашр). №3 (2018) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9491-2018-3> 35-41 б.

Морозов Н.М., Текучев И.К., Текучева М.С. (2003). Экономико-математическая модель производства молока. Московский область – ВНИИМЖ, 102 с.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистикаси қўмитаси ахборотлари. <https://stat.uz/uz/press-sluzhba/novosti-uzbekistana>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. (2019). Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида. Тошкент ш., 2019 йил 18 март. ПҚ-4243-сонли.

Урдушев Х., Мавлянов М.Т. (2014). Иқтисодий- математик моделлаштиришни чорвачиликка тадбиқи: чорва молларини йиллик пода ҳаракатини оптималлаштириш масаласи натижалари асосида бизнес режалар ишлаб чиқиш. /Қишлоқ хўжалик фани ютуқлари – фермер хўжаликлари истиқболига /Профессор ўқитувчилар ва катта илмий ходим-изланувчиларнинг илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. II-қисм. Самарқанд, "Mehribon poligraf servis". 2014. -14 – 18-б.

Урдушев Х., Мавлянов М.Т. (2015). Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини оптималлаштиришда математик дастурлашнинг параметрик масалаларини қўллаш ҳақида. //Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишда қишлоқ хўжалик фани ютуқлари ва истиқболлари. 2015 йил, 20-21 ноябрь. Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. 256-259 б.

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ САНОАТ ТАРМОҚЛАРИ ТАРКИБИЙ
ЎЗГАРИШЛАРИНИНГ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
БОСҚИЧЛАРИ****Қосимов Азамат Абдукаримович**Термиз давлат университети таянч докторанти,
adeza13@mail.ru

Аннотация. Ушбу мақолада Сурхондарё вилояти саноат тармоқлари таркиби ва ҳолати ёритиб берилган. Шунингдек, вилоят саноат тармоқлари таркибий ва тузилмавий ўзгаришлари ўрганилган ва статистик таҳлил қилинган ҳамда уни янада такомиллаштириш йўналишлари акс эттирилган.

Таянч сўзлар: саноат, статистик таҳлил, рақобат, экспорт, хом ашё.

Аннотация. В данной статье описывается структура и состояние отраслей промышленности в Сурхандарьинской области. Также были изучены структурные изменения в промышленных секторах региона, проведен статистический анализ и определены направления его дальнейшего совершенствования.

Ключевые слова: промышленность, статистический анализ, конкуренция, экспорт, сырье.

Abstract. This article describes the structure and status of industrial sectors in Surkhandarya region. In addition, structural and structural changes in the regional industrial sectors were studied and statistical analysis was provided and directions for its further improvement were made.

Key words: industry, statistical analysis, competition, export, raw materials.

Кириш

Бугунги кунда саноат тармоқларини инновацион ривожлантириш, тармоқларни модернизация ва диверсификация қилиш ҳамда ҳудудий ишлаб чиқаришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида чуқур ислохотлар олиб борилмоқда. Шу жумладан, ҳудудий саноат тармоқлари самарадорлигини ошириш учун мақсадли таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва мавжуд хом ашё манбаларидан самарали фойдаланиш, хусусан Сурхондарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, вилоятда тоғ-кон саноати кўп йиллар олдин ташкил этилган бўлсада, қайта ишлаш саноатининг ривожланиш даражаси анча суст, аммо сўнги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мазкур тармоқ корхоналарининг ташкил этилаётганлиги натижасида вилоятда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши ўсиб бораётганлигини кўриш мумкин. Вилоят статистика бошқармаси маълумотларига кўра саноат маҳсулотлари ҳажми 2018 йилда 2010 йилга нисбатан 5 бараварга ошган бўлсада, бу кўрсаткич республиканинг бошқа вилоятларига нисбатан анча пастлиги сир эмас. Айнан шунинг учун ҳам кейинги давр учун Сурхондарё вилояти саноат тармоқлари фаолиятини кенгайтириш ва таркибий ўзгаришларни статистик таҳлил қилиш ҳамда уларни такомиллаштириш лозим.

Қосимов А.А.
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ САНОАТ ТАРМОҚЛАРИ ТАРКИБИЙ
ЎЗГАРИШЛАРИНИНГ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
БОСҚИЧЛАРИ

Албатта, саноат тармоқлари таркибий ва тузилмавий ўзгаришлар эволюцияси узоқ муддатли жараён бўлиб, у маҳсулотни ўзгартириш, янги ишлаб чиқариш кучларини ташкил қилиш, иқтисодий соҳалари ўртасида омилларни қайта тақсимлаш ва турли саноат тузилмаларини ҳудудлараро оптимал жойлаштириш ҳамда ўзгариб борувчи саноат корхоналари рақобат жараёнларини ўзида мужассам этади.

Шунинг учун ҳам саноат тармоқлари таркибий тузулмаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳамда уни такомиллаштириш долзарб масала ҳисобланади. Шу боисдан, мазкур жараён иқтисодий адабиётларда кенг муҳокама қилинадиган соҳа бўлиб, унинг асосий қисмини саноатлашув, глобаллашув, ахборот коммуникация технологиялари инқилоби ва молиялаштириш жараёнлари ташкил этади. Бу эса саноат маҳсулотларига талабнинг ошиши, янги рақобатчилар, янги бозорларнинг пайдо бўлиши, транспорт ва алоқа харажатларини камайтирадиган технологик ўзгаришлар билан узвий боғлиқдир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Ушбу шароитда саноат тармоқлари самарадорлигини рағбатлантириш, илм-фан ва техника соҳасидаги сўнгги ютуқларга асосланган моддий-техника базасини ривожлантириш, янги иқтисодий шароитларда рақобатбардошликни оширишга йўналтирилган саноат тармоқларининг таркибий ўзгаришларини бошқариш сиёсати алоҳида аҳамият касб этади (Шевченко и Негадова, 2011).

Бундай сиёсатнинг амалга оширилиши саноат тармоқларини ривожлантириш учун салоҳиятли имкониятларни аниқлаш, инновацион ва технологик ривожланиш омилларига юқори талабларни қўядиган янги технологик тартибда умумиқтисодий ўсишни таъминлайдиган устувор ривожланиш тамойилларини танлаш зарурлигини белгилайди.

Зеро, иқтисодийнинг ривожланиши иқтисодий фаолият таркибидаги ўзгаришлар билан тавсифланади. Ушбу даврда айрим тармоқлар характерли ўзгаришлар туфайли бошқаларга қараганда тезроқ ўсади (Oytun and Muharrem, 2014).

Бошқача айтганда, моддий ишлаб чиқаришнинг асосий таркибий қисми ёки ишлаб чиқарувчи кучлар ёхуд ишлаб чиқариш муносабатларини ривожлантиришда ҳал қилувчи омил саноат тармоқларининг муваффақиятли ривожланишидир. Шу сабабли ҳам ушбу соҳани статистик таҳлил қилиш доим катта амалий қизиқиш уйғотиб келган (Глушко и др., 2013).

Ҳар қандай статистик таҳлилнинг зарурий шarti сифатли кўрсаткичлар тизимининг мавжудлиги ҳисобланади. Статистик кўрсаткичлар тизими - бу ўзаро боғлиқ ва ўзаро келишилган статистик кўрсаткичлар мажмуи бўлиб, улар мазмунли боғлиқлик ва аниқ статистик вазифани ҳал этишга қаратилган қатъий тартибга солинган тузилишга эгадир (Иванова, 2013).

Бугунги кунда иқтисодий ва статистик кўрсаткичларнинг турли хил тизимлари ишлаб чиқилган бўлиб, улар ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ва дастурларни миқдорий ва сифат жиҳатидан баҳолаш ҳамда тавсифлаш имкониятини беради. Улар орасида миллий ҳисоблар тизими, шунингдек, саноат тармоқлари фаолияти статистикаси муҳим ўрин тутди (Шишулин, 2016).

Саноат соҳасининг иқтисодий тузилишига хос бўлган динамиклик, унинг таркибий динамикаси нуқтаи назаридан уни ривожланиш йўналишларини ўрганишни олдиндан белгилаб беради ва бу иқтисодий мувозанат назарияси тамойиллари қаторига киради.

Қосимов А.А.
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ САНОАТ ТАРМОҚЛАРИ ТАРКИБИЙ
ЎЗГАРИШЛАРИНИНГ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
БОСҚИЧЛАРИ

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотни амалга оширишда статистик маълумотлар, статистик кузатиш, статистик жадвал ва графиклардан, шунингдек статистик ва солиштирма таҳлил усулларида фойдаланилган. Статистик таҳлил учун Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси ва Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси расмий статистик маълумотлари олинган.

Таҳлил ва натижалар

Бугунги кунда Сурхондарё вилояти саноат тармоқлари таркиби ва тузилмавий ўзгаришларини таҳлил долзарб ҳисобланади. Чунки, воҳа йирик хом ашё базасига, шу жумладан фойдали қазилма бойликларига бой ҳудудлардан бири ҳисобланади.

Маълумки, ўтган вақт мобайнида вилоят иқтисодийетини аксарият қисмини қишлоқ хўжалиги ташкил этган бўлиб, асосан маҳсулот етиштириш билан чекланиб қолган эди.

Чунончи, воҳа аҳли азал-азалдан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари: пахта, буғдой ҳамда турли полиз экинлари, шунингдек, мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириб, республиканинг турли ҳудудларига етказиб бериш ҳамда қисман хорижий давлатларга экспорт қилиб келган. Бу эса вилоятни том маънода хом ашё базаси сифатида ифодалайди. Мавжуд саноқли ишлаб чиқариш саноати корхоналари ҳам хом ашёни тозалаш билан шуғулланган. Масалан: "... пахта тозалаш" АЖ, ва "Шўрчи дон маҳсулотлари" АЖ корхоналари шулар жумласидан.

Нефт-газ саноати. Вилоятда мазкур саноат ер қаърида топилган ва қазиб олинаётган нефт ва газ конлари негизида шаклланган. Ховдак (1934 йил), Учқизил (1935 йил), Какайди (1939 йил), Лалмикор (1946 йил), Амударё (1966 йил), Қўштор (1967 йил), Қарсоқли (1984 йил), Миршоди (1985 йил), Жалоир (1988 йил), Жайронхона (1988 йил), Жанубий Миршоди (2007 йил) ва Оқжарсой (2013 йил) нефт конлари ва Гажак (1974 йил) газ кони мавжуд бўлиб, нефтни қайта ишлашга ихтисослашган "Жарқўрғоннефт" АЖ корхонаси фаолият кўрсатмоқда.

Кўмир саноати. Вилоятда кўмир захирасига бой бўлган Шарғун ва Бойсун кўмир конлари мавжуд бўлиб, мазкур конлардан тошкўмир қазиб олиш йўлга қўйилган.

Шарғун кўмир конининг қурилиши (Сариосиё тумани) 1943 йилда бошланган. Бугунги кунда мазкур конда Хитой давлати билан ҳамкорликда 2017-2020 йиллар давомида амалга ошириш режалаштирилган умумий қиймати 105,5 миллион доллар бўлган лойиҳа амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳа тўлиқ ишга тушгач 2021 йилдан бошлаб, йилига 900 минг тонна тошкўмир қазиб олинади. Шунингдек, 600 дан ортиқ қўшимча иш ўринлари яратилади.

Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, Шарғун кўмир кони кўмир сифати юқорилиги ва бой захираси (33 млн. тонна) билан бошқа кўмир конларидан ажралиб туради.

Бундан ташқари, Бойсун кўмир конида айни пайтда қазилмоқда ишлари олиб борилмоқда. Маълумотларга кўра мазкур кон майдони 29 млн. тонна ўта сифатли бўлган тошкўмир захираси борлигини қайт этилган.

Тоғ-кон саноати. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 10 августдаги "Хонжиза ва Учқулоч конлари полиметалл рудалари минерал-хом ашё базасидан самарали фойдаланиш тўғрисида"ги ПҚ-442-сонли қарорига асосан "Олмалик КМК" АЖнинг тасарруфида вилоятнинг Сариосиё тумани ҳудудида "Хонжиза" кони ишга туширилган бўлиб, асосан синк, қўрғошин, мис, руҳ ва кумуш рудалари қазиб олинади. Лойиҳанинг умумий қиймати 147 миллион долларни ташкил этади.

Қосимов А.А.
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ САНОАТ ТАРМОҚЛАРИ ТАРКИБИЙ
ЎЗГАРИШЛАРИНИНГ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
БОСҚИЧЛАРИ

Ўзбекистон геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси мутахассислари маълумотларига кўра, “Хонжиза” конининг захирасида 1,5 млн. тонна синк, 700 минг тонна қўрғошин, 180 минг тонна мис ва 2,3 минг тонна кумуш борлигини тасдиқланган. Бугунги кунда қанда қазилма ишлари жадаллашиб, олинаётган маҳсулот ҳажми ошиб бормоқда. Масалан, кон ишга тушган вақтида жами бўлиб 7-8 млрд. сўмлик фойдали қазилмалар олинган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилда 45,6 млрд. сўмни ва 2018 йилда эса 133 млрд. сўмни ташкил этган.

Бундан ташқари, вилоятнинг Шеробод туманида Хўжаикон туз кони мавжуд бўлиб, кон қошида “Хўжаиконтуз” ОАЖ тузни қайта ишловчи корхона ташкил этилган. Корхона ички бозорларни сифатли истеъмол тузи, минерал туз, кон тузи каби туз маҳсулотлари билан таъминлаш билан бир қаторда, йилига 600-700 тонна кон тузини Қозоғистон давлатига экспорт қилиш ҳам йўлга қўйилган.

Энергетика саноати. Вилоятнинг энергетика саноати умумий қуввати 30 МВтдан ортиқроқ бўлган “Тўполанг гидроэлектр станцияси”ни ўз ичига олади.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 2 майдаги қарори билан 2017-2021 йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури белгиланган. Шунингдек, “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти ташкил этилиб, соҳада ягона техник сиёсатни амалга ошириш, қайта тикланадиган энергия манбаларини изчил ошириш, мавжуд гидроэлектр станцияларини замонавий технологиялар асосида қайта жиҳозлаш ва янги қувватларни ташкил этишга қаратилган муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Шу асосида “Тўполанг гидроэлектр станцияси” ҳам модернизация қилинмоқда. Бу ерда ҳар бири 15 мегаватт бўлган иккита агрегат ишлаб турган бўлса, эндиликда жами қуввати 145 МВтли яна иккита агрегат ўрнатиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, ҳар бири қарийб 38 мегаватт бўлган Зарчоб-1 ва Зарчоб-2 кичик гидроэлектр станциялари ҳам барпо этилмоқда. Шу тариқа энергия олиш қуввати жами 250 МВтга етказилиши режалаштирилган.

Аҳамиятлиси шундаки, бу ресурслар табиий ва қайта тикланувчандир. Экологияга ҳеч қандай зарар етказмаган ҳолда барқарор энергия ишлаб чиқарилиб, саноат корхоналари, турли идоралар ва аҳолига етказиб берилади.

Охириги йилларда давлатимиз томонидан олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар, жумладан ишлаб чиқариш учун яратилаётган шароитлар, солиқ ва божхона имтиёзлари, инвесторлар фаолиятини қўллаб-қувватланиши ҳамда мавжуд муаммоларни ечишга доир амалга оширилаётган тадбирлар натижасида вилоят саноати тузилмасида кескин ўзгариш ва янгиликлар кузатилмоқда.

Умуман олганда Сурхондарё вилоятининг бугунги кундаги саноат тармоқларидаги ўзгаришларга тўхталадиган бўлсак, тармоқлар таркиби кенгайиб бораётганлигини кўриш мумкин. Масалан: вилоят иқтисодиётининг истиқболли тармоқларидан бири бўлган қурилиш саноати жадал ривожланмоқда. Чунки, сўнги икки йилда вилоятда уй-жой қурилиши, ижтимоий ва саноат қурилиши бўйича ишлар қариб 2-3 бараварга ошди. Натижада, қурилиш материалларига бўлган эҳтиёж ҳам ўсиб борди.

Ўз ўрнида вилоятда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати кенгайиб, мазкур саноат маҳсулотлари ҳажми ҳам кўпайди. Масалан, 2018 йил 487,5 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, бу 2017 йилга нисбатан қариб бир баравар ёхуд 97,9 фоизга ошган.

Қосимов А.А.
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ САНОАТ ТАРМОҚЛАРИ ТАРКИБИЙ
ЎЗГАРИШЛАРИНИНГ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
БОСҚИЧЛАРИ

Вилоятда қурилиш материалларига бўлган маҳаллий бозор талабини қондириш, арзон хом ашё базасидан унумли фойдаланиш ва қўшимча иш ўрнини яратиш мақсадида давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 10 октябрдаги "Сурхондарё вилояти Шеробод туманида цемент заводи қурилиши инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида яна бир лойиҳани амалга оширилди. Мазкур лойиҳа "Олмалиқ кон металлургия комбинати" акциядорлик жамияти томонидан Шеробод туманида амалга оширилганида ҳам ўзига хос афзалликлари бор. Чунки энг йирик, яъни 708 миллион тонна цемент хом ашёси, шу жумладан, 530 миллион тонна оҳактош ва 178 миллион тонна тупроқ (глина) мавжуд конлар айнан шу ҳудудда жойлашган. Қиймати 212,8 миллион АҚШ доллари бўлган ушбу инвестиция лойиҳасининг амалга оширилиши натижасида бу ерда йилига 1,5 млн. тонна юқори сифатли портландцемент ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ҳамда 1200 нафар туман аҳолисини доимий иш билан таъминлаш имконияти яратилди.

Бундан ташқари, ўтган йиллар мобайнида вилоятда қатор саноат лойиҳалари ишга туширилди. Жумладан, Термиз шаҳрида "Термиз таъминот" ХК ташкил этилиб, корхонада ёввойи қамиш заррачаларидан плита ишлаб чиқариш лойиҳаси асосида ёғоч плита ўрнини босадиган 2,13 миллион квадрат метр ҳажмдаги тайёр қурилишбоп арзон ва сифатли материал ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Жарқўрғон туманида эса "Жарқўрғоннефт" қўшма корхонаси ишлаб чиқаришни модернизация қилиш устида иш олиб бормоқда. Яъни, корхона негизида 140 минг АҚШ долларига тенг қўшимча лойиҳа йўл битумини ишлаб чиқаришни йилига 5 минг тоннагача кўпайтириш имконини беради. Шунингдек, туманда "Сурханцементинвест" қўшма корхонаси жорий йилнинг охирига қадар цемент ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича лойиҳани амалга оширишни режалаштирилган. Унинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 420 минг тоннани ташкил этади, лойиҳа доирасида 700 га яқин янги иш ўринлари яратилади.

Сурхондарё вилоятида енгил саноат деганда яқин йилларгача баъзи хом ашёларни тозалаш тушинилар эди. Масалан, пахта толаси, чигит, пахта линти, бир ипли калава ва бошқалар. Лекин, сўнги йилларда вилоятдаги мавжуд хом ашёлардан тўлиқ фойдаланиш, хом ашё экспорти ўрнига тайёр маҳсулотлар экспортини кўпайтириш мақсадида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида енгил саноат корхоналари сони ортиб бормоқда. Жумладан, жорий йилда вилоятнинг Денов туманида умумий қиймати 20 млн. АҚШ долларига тенг бўлган ип-калава ишлаб чиқаришга мўлжалланган енгил саноат корхонаси ишга туширилди. Корхонанинг йиллик қуввати 6,3 минг тонна ип-калава ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

Қосимов А.А.
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ САНОАТ ТАРМОҚЛАРИ ТАРКИБИЙ
ЎЗГАРИШЛАРИНИНГ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
БОСҚИЧЛАРИ

(1-жадвал)

Сурхондарё вилояти sanoat тармоқларининг жами sanoat
маҳсулотлари ҳажмидаги улуши¹ (млрд.сўм)

Йиллар	Саноат тармоқлари номи	Энергетика sanoati	Ёқилғи sanoati	Қора металлургия	Кимё ва нефт-кимё sanoati	Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш	Ўрмончилик, ёғочни қайта ишлаш ва қоғоз sanoati	Қурилиш материаллари sanoati	Енгил sanoat	Озиқ-овқат sanoati	Ун, ёрма ва ем ишлаб чиқариш sanoati	Полиграфия sanoati	Бошқа sanoat	Жами:
2010		4,0	86,9	0,1	0,6	11,1	6,8	44,6	295,4	93,7	68,5	0,4	2,2	614,3
2011		5,1	112,4	1,1	2,1	16,6	8,7	58,0	332,5	124,0	90,0	0,7	5,25	756,4
2012		6,6	148,1	1,8	1,3	10,4	13,7	64,1	360,3	164,2	119,6	1,0	8,3	899,4
2013		58,5	184,5	2,7	1,7	9,1	14,3	105,6	404,6	185,8	134,2	1,3	33,9	1136,2
2014		85,7	211,3	3,1	5,2	7,8	16,3	126,1	486,4	254,2	164,4	2,4	58,7	1421,6
2015		131,5	255,1	3,4	7,3	8,4	22,2	154,4	664,7	387,2	157,5	4,5	78,08	1874,3
2016		94,7	168,8	2,9	7,6	8,0	23,1	156,0	465,4	402,3	135,9	4,1	83,5	1552,3
2017		104,5	235,5	3,3	7,7	8,1	24,3	246,3	549,2	486,5	128,5	4,1	391,8	2189,8
2018		125,6	277,3	3,9	9,9	7,8	27,9	487,5	804,6	492,3	145,6	4,2	835,9	3222,5

Умуман олганда 2018 йилнинг январ-декабр ойларида ишлаб чиқарадиган sanoat корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 175,4 трлн. сўмни ёки жами ишлаб чиқарилган sanoat маҳсулотлари ҳажмининг 76,6 % ни ташкил этди.

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, вилоят sanoat ишлаб чиқаришида юқори улушга эга ва ўсиш даражаси юқори бўлган sanoat тармоқларини асосан енгил sanoat, озиқ-овқат sanoati, қурилиш материаллари sanoati, ёқилғи sanoati, ун, ёрма ва ем ишлаб чиқариш sanoati ҳамда энергетика sanoatlари ташкил этмоқда.

Масалан, 2018 йилда вилоят енгил sanoat корхоналари томонидан 804,6 млрд. сўм маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлиб, бу 2010 йилга нисбатан қариб 3,1 бараварга ошган. Бу кўрсаткич мос равишда озиқ-овқат sanoatiда 492,3 млрд. сўмни ва ўсиш суръати 5,2 бараварни, қурилиш материаллари sanoatiда 487,5 млрд. сўмни ва ўсиш суръати қариб 11 бараварни, ёқилғи sanoatiда 277,3 млрд. сўмни ва ўсиш суръати 3,1 бараварни, ун, ёрма ва ем ишлаб чиқариш sanoatiда 145,6 млрд. сўмни ва ўсиш суръати 2,1 бараварни, ҳамда энергетика sanoatiда эса 125,6 млрд. сўмни ва ўсиш суръати 31,2 бараварни ташкил этган.

1-жадвал бўйича бошқа sanoat тармоқларининг қолган йилларга нисбатан 2018 йилдаги бундай кескин ўсишини чинни маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Surxon Termiz Chinni" МЧЖ ва бошқа кичик (қайта ишлаш) sanoat корхоналарининг кўпайганлиги билан, шунингдек жадвалда келтирилган барча тармоқ маҳсулотларини ўсиш суръати юқорилигини нархларнинг ўсиш суръати билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Чунки, айрим sanoat тармоқларида яратилган маҳсулотларнинг натурал қийматига эътибор қаратадиган бўлсак, айрим маҳсулотлар ҳажми камайиш тенденциясига эга эканлигини кузатиш мумкин (2-жадвал).

(2-жадвал)


¹ Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари.

Қосимов А.А.
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ САНОАТ ТАРМОҚЛАРИ ТАРКИБИЙ
ЎЗГАРИШЛАРИНИНГ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
БОСҚИЧЛАРИ

2010-2018 йилларда Сурхондарё вилоятида айрим саноат маҳсулотлари ишлаб
чиқариш ҳажми² (минг тн., *минг литр)

	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018
Кўмир	86,1	88,5	91,4	96,3	107,2	124,5	160	162,3	181
Нефт	112	130	128,1	117,9	94,8	88,1	91,4	94,8	85,2
Нефт-битум	32,6	39,2	48,3	54,8	53,7	50,1	52,1	52,7	46,8
Пахта толаси	118,6	99	109,5	111,4	116,1	114,6	88,4	92,3	120,7
Чигит	179,7	148,2	170,5	171	178,9	175,6	132,1	120,3	163,8
Пахта линти	6,9	6,2	8,4	8,5	8,8	9	6,8	6,6	8,2
Бир ипли калава	1,6	1,9	2,4	2,9	3	3,2	3,5	3,7	3,8
Ўсимлик ёғи	20,8	14,9	16,1	18,2	18,4	18,2	14,2	11,7	12,9
Ароқ*	3420	3530	4590	4830	4873	4373	2062,5	2235,2	1902,8
Вино*	182	183	118	628	632	640	642	702,3	721,6
Ун	102,2	112,2	106,3	102,8	118,4	94,7	95,1	89,3	101,1
Омухта ем	64,3	57,8	79,9	82,2	90,6	86,7	82,3	79,6	97,2

Масалан, ёқилғи саноати тармоғида нефт маҳсулоти 2018 йилда 85,2 минг тонна ишлаб чиқарилган бўлса, 2012 йилда ишлаб чиқариш ҳажми 128,1 минг тоннани ташкил этган. Худди шундай, пахта толаси, чигит, ўсимлик ёғи, ароқ ва ун маҳсулотлари ҳажмида ҳам пасайиш кузатилди (1-расм).



1-расм. Сурхондарё вилояти бази саноат маҳсулотлари ҳажмининг ўзгариш тенденцияси³.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, 2-жадвалда номлари келтирилган саноат маҳсулотларини вилоят ҳудудида қисман бўлсада, қайта ишлаш саноати йўлга қўйилган. Буни биз юқорида ҳам таъкидлаб ўтдик. Аммо, шулардан айримлари, масалан пахта линти хом ашёсини қайта ишлаш йўлга қўйилмаган.

Зеро, мутахассисларнинг фикрича, энг тоза целлюлоза маҳсулоти пахта линтидан олинади. Линт таркибида 96% гача целлюлоза бўлади (Атаханов и др., 2004).

Бу қайта ишлаш саноати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 9 мартдаги "Пахта линтидан целлюзанинг кимёвий навларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 102-сон қарорига асосан фақатгина Фарғона фуран бирикмалари кимё корхонасида ташкил этилган холос. Ваҳоланки, мазкур хом ашёнинг каттагина қисми, яъни йилига 8-9 минг тонна пахта линти айнан Сурхондарё вилоятида ишлаб чиқарилади.

² Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари.

³ Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Қосимов А.А.
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ САНОАТ ТАРМОҚЛАРИ ТАРКИБИЙ
ЎЗГАРИШЛАРИНИНГ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
БОСҚИЧЛАРИ

Фикримизча, пахта линтидан целлюлоза маҳсулоти ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилса, вилоят саноати, иқтисодиёти оз бўлсада ривожланишига, қолаверса қўшимча иш ўрни яратилишига замин бўлар эди.

Шу билан бир қаторда, вилоятнинг яна бир муҳим ва янги саноат тармоғи бўлган тиббиёт (фармацевтика) саноати ҳақида сўз юритсак.

Маълумотларга кўра, тиббиёт саноатини етарли миқдорда маҳаллий, табиий ва арзон хом ашё билан таъминлаш учун вилоятнинг Бойсун туманида (Бойсун тоғлари) доривор ўсимликлар етарли миқдорда мавжуд. Бунинг исботи сифатида шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги "Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3532-сонли қарори билан "Нукус-фарм", "Зомин-фарм", "Косонсой-фарм", "Сирдарё-фарм", "Бойсун-фарм", "Бўстонлиқ-фарм" ва "Паркент-фарм" эркин иқтисодий зоналари ташкил этилиб, уларнинг ҳудудида 41,7 миллион АҚШ доллари миқдоридеги бешта лойиҳа амалга оширилмоқда.

Мазкур қарор асосан "Бойсун-фарм" эркин иқтисодий зонасини ташкил этилиши вилоятда тиббиёт саноатини йўлга қўйиш ва уни ривожлантиришнинг пойдевори бўлди десак муболаға бўлмайди.

Умуман олганда юқоридаги таҳлиллар ва маълумотларга кўра вилоят саноат тармоқлари янада кенгайтириш ва ривожлантириш учун хом ашё базаси, айниқса қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари керагидан ҳам ортиқлигини кўрсатмоқда. Буни тасдиғи сифатида 2018 йилда вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг 55,2 % ни айнан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳиссасига тўғри келганлигини кўрсатиш мумкин.

Вилоятда 2017-2021 йилларда саноатни устувор даражада ривожлантириш дастури ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир тармоқ дастурларининг изчил амалга оширилиши натижасида саноат таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган, рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаётган қайта ишлаш тармоқларининг ўрни тобора ортиб бормоқда. Хусусан, 2018 йилда вилоят бўйича жами саноат маҳсулотларининг 88,8 фоиздан ортиғи айнан ана шу тармоқлар ҳиссасига тўғри келган.

Натижада, ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида саноатнинг улуши 2018 йилда қариб 19 фоизни ташкил этди. Ҳолбуки, бу кўрсаткич 2017 йилда 15,9 фоиздан иборат бўлган.

Тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва турларини кенгайтириш натижасида, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 104,1 % га ошишига олиб келди, жами саноат ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши эса 38,6 % ни ташкил этди.

Иқтисодиётнинг етакчи тармоғи ҳисобланган саноат соҳасининг таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва бу соҳаларни диверсификация қилишга қаратилаётган улкан эътибор вилоятнинг барча туманларида унинг ҳажми ва таркиби ҳамда сифатига ижобий таъсир кўрсатмоқда (2-расм).

Қосимов А.А.
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ САНОАТ ТАРМОҚЛАРИ ТАРКИБИЙ
ЎЗГАРИШЛАРИНИНГ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
БОСҚИЧЛАРИ



2-расм. Сурхондарё вилояти туман (шаҳар)лари саноат маҳсулотлари ҳажми ва уларнинг ўсиш динамикаси⁴.

Кичик тадбиркорлик субъектлари саноат ишлаб чиқаришда кескин фаоллашгани натижасида, улар томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 16,2 % га ошишини таъминланди, ўз навбатида кичик бизнеснинг жами саноат ишлаб чиқаришдаги улуши эса 47,1 % ташкил этмоқда.

Ҳудудлар кесимида кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги энг юқори улуши Олтинсой (жами саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 100,0 %), Бойсун (99,9 %), Термиз (83,9 %), ва Шеробод (71,9 %) туманларида кузатилди. Шу билан бирга, энг кичкина улуш Шўрчи (24,5 %), Қумқўрғон (31,8 %), Жарқўрғон (35,4 %) туманларида кузатилди.



3-расм. 2018 йилда Сурхондарё вилояти туман (шаҳар)лари бўйича кичик бизнеснинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши (% да)⁵.

Тадқиқот натижаларининг муҳокамаси

Таҳлил натижаларига кўра, Сурхондарё вилояти саноат тармоқларидаги ижобий ўзгаришлари билан бир қаторда камчилик ва муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, биз уларни гуруҳларга ажратиб, қуйидагича ифодаладик (3-жадвал).

⁴ Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

⁵ Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Қосимов А.А.
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ САНОАТ ТАРМОҚЛАРИ ТАРКИБИЙ
ЎЗГАРИШЛАРИНИНГ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
БОСҚИЧЛАРИ

3-жадвал

Сурхондарё вилояти саноат тармоқлари гуруҳлари таркиби ва
улардаги мавжуд муаммолар⁶

I	Заиф тармоқлар:	Изоҳ:
a	Энергетика, ёқилғи ва тиббиёт саноатлари.	соҳанинг ривожланишига узоқ йиллар давомидаги эътиборсизликлар ва молиялаштиришда муаммолар мавжудлиги.
b	Кимё ва нефт-кимё, қора металлургия, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, полиграфия, ўрмончилик, ёғочни қайта ишлаш ва қоғоз, шиша ва чинни (фаянс) саноатлари.	ўтган даврда мазкур тармоқлар маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг паст бўлганлиги ва уни импорт орқали қондиришнинг қулайлиги, ҳудуднинг географик ва сиёсий жойлашуви сабабли экспорт қилишдаги қийинчиликлар ва логистика харажатларининг юқорилиги, шунингдек аҳоли даромадлари пастлиги.
II	Тартибсиз ўсишга эга тармоқлар:	Изоҳ:
a	Енгил саноат	тармоқ корхоналарини технологик модернизация қилишдаги молиявий етишмовчиликлар, товарларни рақобатбардошлиги паст эканлиги, тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар экспорти яхши йўлга қўйилмаганлиги.
b	Ун, ёрма ва ем ишлаб чиқариш саноати	тармоқнинг монополлиги ва ишлаб чиқариш жараёни тўғри ташкил этилмаганлиги.
III	Барқарор ўсишга эга тармоқлар:	Изоҳ:
a	Озиқ-овқат ва қурилиш материаллари саноати ва бошқалар.	тармоқ маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг кескин ошиб бориши, арзон хом ашё базасининг мавжудлиги, соҳага берилаётган кенг имкониятлар.

Вилоят саноат тармоқларининг таркибий ва тузилмавий ўзгаришларини статистик таҳлил қилиш натижаларига кўра ҳудуд саноати ривожланиши умумий динамикасига таъсирини баҳолашда таркибий ўзгаришлар ҳам қўшимча омил бўлиб майдонга чиқади. Шунинг учун ҳам тармоқ тузилиши ҳудудий иқтисодийнинг ривожланиш даражасини ифодалайдиган муҳим кўрсаткич бўлиб ҳисобланади.

Таркибий ўзгаришларни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- инновацион технологияларни жорий этиш ҳисобига тузилмавий динамиканинг интенсивлигини ошириш:

- ишлаб чиқариш қувватларини қайта тиклаш ва янги технологияларни жорий қилиш, жараённинг сифатини ошириш ҳисобига таркибий-динамик интенсивликни барқарорлаштириш:

- инновацион ва технологик йўлакда саноатнинг барқарор ҳолатларини яратиш, уларнинг иқтисодий салоҳиятини ошириш:

- технологик салоҳиятни жадал ривожлантириш ҳисобидан мавжуд барқарор ҳолатларни сақлаб қолиш ва бошқалар.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Сурхондарё вилояти саноати тармоқлари таркибий тузилмалари ва уларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш ҳамда бошқарув тузилмаларини модификация қилиш соҳасида мавжуд муаммоларга мақбул ечимларни

⁶ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Қосимов А.А.
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ САНОАТ ТАРМОҚЛАРИ ТАРКИБИЙ
ЎЗГАРИШЛАРИНИНГ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ ВА УНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
БОСҚИЧЛАРИ

ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасини янада ошишига хизмат қилади.

Шу жумладан, саноат тармоқлари таркибий ўзгаришларини қуйидаги босқичларда амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз:

Биринчидан, хом ашё етказиб беришга ихтисослашган тармоқлардан воз кечиш, уларнинг ўрнига тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи қувватларни барпо этиш;

Иккинчидан, маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш саноатини кенгайтириш ва ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш;

Учинчидан, моддий ресурслардан самарали фойдаланиш, шу орқали ишлаб чиқаришни инновацион йўл билан ривожлантириш;

Тўртинчидан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи субъектлар эркин фаолият юритиши учун давлат томонидан ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам ҳуқуқий кафолатларни кучайтириш;

Бешинчидан, мавжуд ишлаб чиқариш тажрибалари, малакали кадрлар салоҳияти ва барча интеллектуал мулкни босқичма-босқич ривожлантириш ҳамда ундан самарали фойдаланишни ташкил этиш;

Олтинчидан, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш учун молиявий қўллаб-қувватлаш манбалари томонидан имтиёзлар яратиш, молиявий маблағларни мақсадли йўналишларга сафарбар этишда бюрократик тўсиқлар ва чекловларни олиб ташлаш ҳамда бу жараёнга инновацион ёндашиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

Oytun M. Muharrem A. (2014). The Effects of Structural Transformations in Economy on Labor Markets: the Case of OECD Countries. // International Journal of Business and Social Science. Volume 5, No. 9(1), Pages 2-3.

Атаханов А.А., Тихоновецкая А.Д., Набиев Д.С., Рашидова С.Ш. (2004). Возможность получения хлопковой целлюзы способом совмещенной варки и отбелки. // Химия растительного сырья. №1, 23–26 с.

Глушко В.О., Зорникова Н.В., Шамардина О.В. (2013) Статистический анализ промышленного производства России. / Научное сообщество студентов: Междисциплинарные исследования: сб. ст. по мат. XXVIII междунар. студ. науч.-практ. конф. № 17(28), 57 с.

Иванова Ю.Н. (2013). Основы международной статистики: учебник. (Москва), Инфра-М, 621 с.

Шевченко И.К. Негадова А.В. (2011). Параметрические характеристики структурно-институциональной организации экономики промышленного сектора. / Технические науки. № 11, 89-92с.

Шишулин С.С. (2016). Система экономико-статистических показателей структуры и динамики промышленного производства России. // Мир новой экономики, № 4/2016, 136 с.

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛИЯВИЙ БАҲҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ
НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ****Бозоров Руслан Ҳамдамович**

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси таянч докторанти

E-mail: ruslanhamdamovich@mail.ru

Аннотация. Мақолада тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг назарий ва методологик асослари ёритиб берилган. Шунингдек, тижорат банклари барқарорлиги ва унинг турлари ҳамда халқаро амалиётда, миллий банк тизимининг барқарорлигини баҳолашга оид меъёрий-услубий ишланмалар ва тижорат банклари молиявий барқарорлигига таъсир этувчи омиллар ўрганилган ҳолда тегишли хулосалар келтирилган.

Таянч сўзлар: тижорат банклари, молиявий барқарорлик, банк депозитлари, банк капитали, банк активлари, банк ликвидлиги.

Аннотация. В статье описаны теоретические и методологические основы финансовой устойчивости коммерческих банков. В нем также содержатся соответствующие выводы на основе изучения нормативных и методологических изменений в оценке устойчивости коммерческих банков и их типов, а также в международной практике, оценки устойчивости национальной банковской системы и факторов, влияющих на финансовую устойчивость коммерческих банков.

Ключевые слова: коммерческие банки, финансовая устойчивость, банковские депозиты, банковский капитал, банковские активы, банковская ликвидность.

Abstract. The article describes the theoretical and methodological bases of financial sustainability of commercial banks. It also provides relevant conclusions by examining regulatory and methodological developments in assessing the sustainability of commercial banks and their types, as well as in international practice, the assessment of the sustainability of the national banking system and the factors affecting the financial stability of commercial banks.

Key words: commercial banks, financial stability, bank deposits, bank capital, bank assets, bank liquidity.

Кириш

Банклар ташкил топгандан бери улар фаолиятини мустаҳкамлаш, барқарорлигини таъминлаш, рискларни бошқариш масаласи ўз долзарблигини ошириб бормоқда. Тарихдан биламизки, дунё мамлакатларида турли инқирозлар бўлиб ўтганлиги, шунингдек, ушбу инқирозларда энг аввало, тижорат банклари молиявий барқарорлигини сақлаб қолиш масаласи давлатнинг иқтисодий сиёсати устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш мамлакат банк тизимининг барқарорлигини таъминлашнинг зарурий шарти ҳисобланади. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган

Бозоров Р.Ҳ.
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ
НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашиш даражасини ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш мамлакат банк тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Энциклопедик луғатларда “корхона молиявий ҳолати деганда унинг барқарор ривожланишга қобилияти”, “корхона молиявий ҳолати абсолют-нормал ва барқарор, нобарқарор ва инқироз ҳолати фарқланиши таъкидланади” (Дьяченко В.П., 1964).

Умуман олганда, бир қанча иқтисодчи олимлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар молиявий барқарорлиги юзасидан бир қанча тадқиқотлар олиб борилгани аниқланди. Лекин, хўжалик юритувчи субъектлардан фарқли равишда тижорат банклари асосан жалб этилган ресурсларни ўз rischi билан жойлаштиришидан келиб чиққан ҳолда банклар молиявий барқарорлигини таъминлаш бошқа субъектларга қараганда аҳамияти юқори ҳисобланиши маълум бўлади.

Тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг турли иқтисодчи олимларнинг қарашлари, тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг назарий асосларини чуқур ўрганишга ҳаракат қиламиз.

О. Овчинникова ва А.Бецлар банклар молиявий барқарорлиги деганда, банкларга ташқи таъсирлардан қатъий назар уларнинг асосий ва янги пайдо бўладиган функцияларини бажаришида деб фикр билдириб ўтадилар (Овчинникова О.П., Бец А.Ю., 2006).

Юқоридаги олимларнинг фикридан, банклар молиявий барқарорлиги деганда банкларнинг ташқи таъсирларга қарши туриши ва ўз навбатида уларнинг функцияларини бажара олиш қобилияти деган хулоса келиб чиқади.

С. Уразов банклар молиявий барқарорлигини турли хил салбий ташқи омилларнинг таъсири натижасида банклар тенглик ҳолатига, мустаҳкам позициясига қайтишида деб ҳисоблайди (Уразов С.А., 2006).

Г.Меликьян эса банклар молиявий барқарорлигига таъриф беришда икки жиҳатдан ёндашиш лозимлигини, уни микродаражада ва макродаражаларга ажратган ҳолда таъриф келтиради (Меликьян Г.Г., 2004). Унинг фикрича микродаража банклар молиявий барқарорлиги – банкларнинг ҳар қандай шароитда мижозлар билан боғлиқ мақсад ва вазифаларини бажаришда банк фаолияти давомийлигини таъминлашда деб ҳисоблайди. Макродаражада банклар молиявий барқарорлигини иқтисодиёт турли субъектлари билан боғлаган ҳолда банк тизими турли иқтисодий қийинчиликларни олдини олиш, тизим барқарорлигини таъминлашда деб ҳисоблайди.

Ушбу олимнинг фикрига кўра банклар молиявий барқарорлигини ҳар қандай шароитда банклар ўз фаолиятини давом эттиришида деб қараши билан баҳоланади.

Ю.Г.Вешкин ва Г.Л.Авагянлар тижорат банклари молиявий барқарорлигини даромадларнинг харажатлардан ошган қисми сифатида қарашади (Вешкин Ю.Г., Авагян Г.Л., 2018). Тижорат банклари даромадлари, шунингдек, улар фойдасидан дивидендлар тўлашга қараб банклар молиявий барқарорлигига баҳо бериш бир оз мунозарали ҳисобланади. Сабаби, банк фойдаси улар умумий фаолиятига баҳо беришнинг асосий бир кўрсаткичи ҳисобланади, лекин банклар молиявий барқарорлигини аниқлаш учун уни ташкил этувчи манбаларига асосий эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Шальпанов П.А. тижорат банклари молиявий барқарорлигига “... ички ва ташқи омилларга қарши турган ҳолда банк ресурсларини трансформация қилиб ҳамда рискларни самарали бошқаришда ўз функцияларини амалга ошириши” деб таъриф

Бозоров Р.Ҳ.
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ
НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

келтиради (Шальпанов П.А., 2014). Ушбу фикрлар ҳам ўз навбатида молявий барқарорлик моҳиятини тўлиқ акс эттирмайди. Биринчидан, тижорат банки фаолиятига бир оз тор доирада таъриф келтирилган, иккинчидан, муаллифнинг банк ликвидлилиги ва тўлов қобилиятига муносабатлари бир оз ноаниқ кўринади.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотнинг асосий мақсади тижорат банклари молявий барқарорлигини таъминлашнинг назарий ва методологик асослари бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш учун илмий хулосалар қилишдан иборат. Ушбу мақоланинг назарий ва услубий асоси сифатида умумиқтисодий адабиёт ҳамда илмий мақолалар, иқтисодчи олимларнинг тижорат банкларида молявий барқарорлигини таъминлаш бўйича изланишлари, олимлар ва соҳа вакиллари билан суҳбат, уларнинг ёзма ва оғзаки фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш, жараёнларни кузатиш, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув, муаллиф тажрибалари билан қиёсий таҳлил ўтказиш орқали тегишли йўналишларда хулоса, таклиф ва тавсиялар берилган. Мавзунинг ўрганиш жараёнида умумиқтисодий усуллар билан бир қаторда маълумотларни тизимлаш бўйича махсус ёндашувлар, яъни таққослаш, назарий ва амалий материалларни жамлаш ҳамда тизимли таҳлил каби усуллар қўлланилган.

Таҳлил ва натижалар

Молявий барқарорлик тушунчасини ушбу категория иқтисодий моҳиятини очиш билан бошламоқ керак. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, “мустаҳкамлик”, “барқарорлик” ва “ишончлилиқ” тушунчалари ўртасидаги фарқлинишлар иқтисодчи олимлар ўртасида жуда катта фаоллик билан ўрганиб келинмоқда (Фетисов Г.Г., 1999; Буздалин А.В., 1999; Петров А.Ю., 1998; Саттаров О.Б., 2018).

Шу боис ушбу иқтисодий тушунчалар фарқли жиҳатларига алоҳида тўхталиб ўтмасдан, кўпроқ барқарорлик ва молявий барқарорлик тушунчалари моҳиятини ёритишга ҳаракат қиламиз.

Барқарорликни қуйидаги асосий тавсифлари орқали баён этишга ҳаракат қиламиз:

1) иқтисодий субъект фаолияти юзасидан, иқтисодий субъект барқарорлигининг асосий иқтисодий кўрсаткичларини белгиланган даражада сақлаши ва ривожланишга қаратилган ҳаракати тушунилади.

2) Баҳолаш мезонлари, субъект барқарорлигини баҳолаш бир қанча стандартлашган индикаторларни, кўрсаткичлар мажмуини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Шунингдек, индикаторлар ва кўрсаткичлар мажмуи жамоатчилиқ томонидан тан олинган бўлиши лозим. Айнан шу боис барқарорликни иқтисодий терминларда бошқа молявий кўрсаткичлар билан бирга боғланган ҳолда ўрганишади.

3) Тушунча мазмунинг етарлилиги, яъни барқарорлик вақт бирлигида баҳоланади. Мана шу вақт бирлигида барқарорликни нафақат ўз кўрсаткичлар меъёрини сақлайди, балки унга таъсир этувчи ички ва ташқи омилларни таъсирини, шунингдек, сон ва сифат кўрсаткичларига, бошқа сўз билан айтганда, ички ва ташқи муҳитдан қатъий назар барқарорлик ривожланишга қаратилган интилишдир.

Юқорида кўриб чиқилган ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда барқарорлик асосий тушунча эканлиги ва уни хўжалиқ юритувчи субъект макро ва микроиқтисодий жиҳатдан комплекс тавсифлаш зарур ҳисобланади.

Бу борада бизнинг тадқиқотимизнинг асосий эътибори барқарорлик эмас, аксинча молявий барқарорлик, хўжалиқ юритувчи субъект молявий барқарорлиги эмас, аксинча тижорат банклари молявий барқарорлиги ҳисобланади.

Бозоров Р.Ҳ.
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ
НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Қуйида келтирилган жадвалда тижорат банклари барқарорлиги ва унинг асосий турлари акс эттирилган маълумотлар келтирилади.

1-жадвал

Тижорат банклари барқарорлиги ва унинг турлари¹

№	Номи	Мазмуни
1.	Молиявий барқарорлик	1. Тижорат банклари фаолияти интеграл кўрсаткичлари бўлиб, банк молиявий-иқтисодий ҳолатини акс эттиради (ўз маблағлари ҳажми ва структураси, даромад ҳажми ва фойда миқдори, капиталга нисбатан фойда миқдори, ликвидлилик). 2. Банклар молиявий операцияларини бошқаришда информацион-аналитик ва технологик қўллаб-қувватлаш.
2.	Умумий барқарорлик	Тижорат банклари акционерлик капитали ҳажми билан аниқланади.
3.	Тижорий (тижорат) барқарорлик	Тижорат банкларининг бозор инфраструктурасига мослашганлиги (давлат билан алоқаси, банклараро муносабатлардаги иштироки, кредиторлар, мижозлар ва омонатчилар билан муносабатлар сифати, банкнинг ижтимоий аҳамияти)
4.	Функционал барқарорлик	1. Банк ихтисослашуви 2. Банк универсаллашуви
5.	Ташкилий-структуравий барқарорлик	Банк алоҳида фаолиятларини функционал-технологик ҳужжатлар асосида ташкил этилиши

Юқорида кўриб чиқилган тижорат банклари барқарорлик турлари исталган тижорат банклари учрайди ва уни банклар ўзаро бир-бирини боғлиқ ҳолда фаолиятида таҳлил этиб боради ва ўрганади.

Тижорат банклари барқарорлигининг турларини таҳлили улар ичида энг асосий, барқарорлик базаси бу молиявий барқарорлик эканлиги кўринади. Молиявий барқарорлик тижорат банклари фаолиятини бирламчи ва асосий тури эканлиги яққол кўринади.

Банк секторининг самарадорлиги ва барқарорлигини таъминлаш масаласи банк тизими учун ҳам жуда долзарб ҳисобланади. О.Н.Литун ўз ишларида кўпукладли банк тизими самарали ҳисобланади дея таъкидлайди ва кўпукладли банк тизимига турли мулкчилик шаклига эга банкларнинг мавжуд бўлиши, банклар ҳажмига ва фаолияти йўналишларига асосий эътиборни қаратади. Шу билан бирга О.Н.Литун томонидан Германия, Италия, Австрия давлатларида мавжуд универсал банклар билан бир қаторда кооператив банклари, жамғарма кассалари, ўзаро кредитлаш хўжалиklarининг фаолият олиб бориши таъкидлаб ўтилади. Францияда муниципал кредитлаш фондлари жуда кенг тарқалганини, ҳудудий банклар эса Австрияда кенг ривожланганлигини ва улар сони 600 дан ортиқ эканлиги ҳамда ҳар бир ҳудуд маълум бир соҳага ихтисослашганлигини келтириб ўтади (Литун О.Н., 2002).

Энг аввало, маҳаллий иқтисодчи олимларимиздан О. Саттаров Ўзбекистон Республикаси банк тизими барқарорлигини таъминлаш масаласида ўз тадқиқотларини олиб борган бўлиб унда “банк тизими барқарорлиги – бу Марказий банк ва тижорат банклари фаолияти давомида ўз функцияларини тўлақонли бажара олишини таъминлаш имконини берадиган даражани сақлаган ҳолатда, ривожланишга қараб интилишдир” (Саттаров О.Б., 2018).

Иқтисодчи олим ўз тадқиқотларида асосан банк тизими барқарорлигини таъминлаш методологиясини ўрганган ҳамда тегишли хулосалар шакллантирган. Шу билан бирга, О.Саттаров “барқарорлик” тушунчаси моҳиятини ўрганиб, “барқарорлик”

¹ Муаллиф томонидан интернет сайти маълумотлари асосида тайёрланди.

Бозоров Р.Ҳ.
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ
НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

статик ҳолат эмас, балки динамик хусусиятга эга бўлган жараён; “барқарорлик” бу доимий ижобий томонга қараб силжиш, оз бўлсада лекин, ривожланишга қараб интилиш; барқарорлик ривожланишнинг комплекс тавсифи бўлиб, унинг барча жабҳалардаги, ички ва ташқи муносабатлардаги аҳамиятини ўз ичига олади; “барқарорлик” у ёки бу фаолиятнинг миқдорий ва сифат даражасини белгилайди деб таъкидлаган. Биз ҳам ушбу фикрларга қўшилган ҳолда барқарорлик тушунчаси моҳиятини алоҳида ўрганмадик.

Россия Марказий банки норматив ҳужжатларига назар соладиган бўлсак, уларда тижорат банкларини молявий барқарорлигини баҳолашни назарда тутмайди, аксинча тавсиявий характерга эга иқтисодий меъёрлари асосида банклар фаолиятини тартибга солиб боради.

2-жадвал

Тижорат банклари молявий барқарорлигини баҳолаш методикалари
солиштирма жадвали²

№	Кўрсаткичлар номи	Россия (Марказий банк) банки методикаси	“Эксперт РА” агентлик методикаси	“РБК” рейтинг агентлиги методикаси
1.	Банк капитали	Банк капитали етарлилиги кўрсаткичи. Умумий етарлилик кўрсаткичи.	Капитал етарлилиги. Молявий коэффицентлар. Капитал сифати коэффиценти.	Капитал етарлилиги, соф банк капитали ҳажми.
2.	Банк активлари	Кредит портфели сифати. Активлар сифати. Муддати ўтган кредитлар. Шаклланган резервлар ҳажми. Йирик кредит рисклари концентрацияси.	Муддати ўтган қарздорлик. Олинган таъминот ҳажми. Яратилган захиралар ҳажми.	Соф активлар ҳажми. Муддати ўтган қарздорлик ҳажми. Кредитлар бўйича яратилган эҳтимолий захиралар ҳажми. Муддатидан илгари қайтарилган кредитлар ҳажми.
3.	Банк ликвидлиги	Ликвидлилик коэффицентлари. Мажбуриятларнинг муддатига кўра таснифи. Банклараро кредит ресурслари бозорига қарамлиги. Вексел мажбуриятлари rischi.	Ликвидлилик коэффицентлари ва банклараро кредит ресурслари бозорига банк қарамлик даражаси.	Ликвидлилик коэффицентлари. Актив ва пасивлари фарқи ва бошқалар.
4.	Банк мажбуриятлари	-	-	Банклараро маблағлар жалб этиш ҳолати. Қарз мажбуриятлари улуши. Жисмоний шахслар мажбуриятлари улуши.
5.	Банк операциялари даромадлиги ва рентабеллиги	ROA, ROE. Даромад ва харажатлар структураси. Соф фоизли маржа.	ROA, ROE, соф фоизли маржа	ROA, ROE. Соф фоизли маржа ва бошқалар.
6.	Менежмент	-	Даромад ва харажатлар солиштириш, соф фойда таркиби барқарорлиги ва бошқалар	
7.	Қўшимча	-	-	Банк валюта позицияси. Балансдан ташқари мажбуриятлар.

2-жадвал маълумотларидан Россия Федерацияси тижорат банклари молявий барқарорлигини баҳолаш методикалари натижасида Марказий банк, “Эксперт РА”, “РБК” рейтинг агентликлари маълумотлари деярли ўхшаш ва бир-бирини тўлдирувчи

²Муаллиф томонидан интернет маълумотлари асосида мустақил тайёрланди.

Бозоров Р.Ҳ.
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ
НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

кўрсаткичлар асосида баҳолаши кўринади. Шу билан бирга ушбу кўрсаткичлар асосида алоҳида олинган тижорат банклари фаолиятини таҳлил этиш ва уларга рейтинг беришига асос бўлади.

Тижорат банклари молиявий барқарорлигига таъсир этувчи омиллар таркиби икки турга, яъни ташқи ва ички омилларга бўлинади.

3-жадвал

Тижорат банклари молиявий барқарорлигига
таъсир этувчи ташқи омиллар³

№	Ташқи омиллар
1.	Макроиқтисодий омиллар
2.	Банк фаолиятига оид давлат сиёсати
3.	Талаб ва таклиф, тўлов қобилияти
4.	Пул бозорининг ривожланганлик даражаси
5.	Пул айланишининг ҳолати
6.	Рақобат муҳитининг ривожланганлиги
7.	Банк тизими ва ҳамкор тижорат банклари иқтисодий аҳволи
8.	Қонунчилик ва норматив ҳужжатлар таъминоти
9.	Ташқи банк инфратузилмаси ҳолати
10.	Банклар бўлган ишонч

Ушбу жадвал маълумотларида келтирилган барча таъсир этувчи омиллар тижорат банклари молиявий барқарорлигига ҳам ижобий ҳам салбий таъсир этиши мумкин, барча омилларни таъсир этишидан келиб чиққан ҳолда уларни инкор этиб бўлмайди, бошқа таъсир этувчи омиллар билан бирга ўзаро алоқадорлиги ҳамда банклар иқтисодий аҳволига таъсир этишидан келиб чиққан ҳолда кучли таъсир этиши ҳам мумкин.

Навбатда биз тижорат банклари молиявий барқарорлигига таъсир этувчи ички омилларни кўриб чиқамиз.

4-жадвал

Тижорат банклари молиявий барқарорлигига
таъсир этувчи ички омиллар⁴

№	Ички омиллар
1.	Стратегия ва ривожланиш устуворликларини белгилаш
2.	Банк фаолияти кўрсаткичларининг сон ва сифат жиҳатдан ошиб бориши
3.	Молиявий маблағларни жалб этиш қобилияти
4.	Рискларни қарши тура олиши
5.	Харажатларни тежаш
6.	Ички инфратузилма
7.	Маркетинг ва бошқариш сифати
8.	Банк замонавий технологиялари ва янги банк хизматларини жорий этишга эҳтиёж
9.	Банк ишини ташкил этиш

Тижорат банклари молиявий барқарорлигига таъсир этувчи ички омиллар ичида энг аввало, банк стратегияси ва ривожланиш устуворликларини белгилаб олиш масаласи долзарб жиҳатлардан бири ҳисобланади. Ушбу омил одатда назарий аҳамият касб

³Муаллиф томонидан интернет маълумотлари асосида мустақил тайёрланди.

⁴Муаллиф томонидан интернет маълумотлари асосида мустақил тайёрланди.

Бозоров Р.Ҳ.
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ
НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

этгандай туюлади. Чунки тижорат банклари стратегиясини ишлаб чиқишда асосан йўналиш ва амалга ошириладиган ишлар баён этилади. Лекин, ушбу ишларни амалга ошириш механизми ва йўллари тўлиқ баён этилмайди. Шу боис тижорат банклари бунга расмий ёндашув билан қарашади. Қўшимча равишда инновацияларни амалга оширишда харажатлар манбалари юзасидан аниқликлар ва изланишлар олиб борилмайди. Шу билан бирга буларга эскича ёндашув кўзланган мақсадларга эришишда турли қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Тижорат банклари стратегик ҳужжатларини тайёрлаш мураккаб аналитик иш ҳисобланади. Ачинарлиси шундаки банкларда кучли аналитиканинг мавжуд эмаслиги стратегик ҳужжатлар тайёрланишида умумийлик, мақсадни ёзиш билан чекланиб уни амалга ошириш механизмлари тўлиқ баён этилмаслиги натижасида, кўзланган мақсадга эришиш мураккаблигини келтириб чиқаради, шунингдек, тижорат банклари молиявий барқарорлигига путур етказилади. Лекин, бунинг акси бўлганда тижорат банклари молиявий барқарорлигини нафақат мустаҳкамлашга, балки келгусида фаолиятини янада ривожлантиришга ва молиявий мустаҳкамлигини оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг муҳокамаси

Тижорат банклари молиявий барқарорлиги рейтингини аниқлашда ва баҳолашда уларнинг ялпи активлари ва ялпи депозитлари умумий суммасига эътибор қаратилган. Лекин бугунги кунда хорижий давлатлар амалиётида бозор капиталлашуви энг асосий мезон ҳисобланади⁵. Капиталлашув даражаси оддий акцияларнинг бозор баҳосининг муомаладаги акциялар сонига кўпайтириш орқали аниқланади. Шу билан бирга Ж.Синкининг фикрича тижорат банклари рейтингига ялпи активлари умумий суммаси ва капиталлашув рейтингини мос келмаслиги таъкидлайди. Мисол учун, Bank of New York 37 млрд. АҚШ доллари капиталлашуви билан 6-ўринни эгаллаган бўлса, активлар умумий суммаси бўйича 77 млрд. АҚШ доллари билан 15-ўринни эгаллаган.

Таъкидлаш жоизки, Базель қўмитасининг бозор интизомига ва кредит рискин баҳолашга оид бўлган янги талабларини банк амалиётига жорий қилинганлиги тижорат банклари фаолиятидаги рисклар даражасини камайитириш имконини берди.

Хулоса ва таклифлар

Тадқиқот натижасида қуйидаги асосий хулосаларни шакллантирдик:

- бир қанча иқтисодчи олимлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар молиявий барқарорлиги юзасидан бир қанча тадқиқотлар олиб борилгани, хўжалик юритувчи субъектлардан фарқли равишда тижорат банклари асосан жалб этилган ресурсларни ўз рискин билан жойлаштиришидан келиб чиққан ҳолда, банклар молиявий барқарорлигини таъминлаш бошқа субъектларга қараганда аҳамияти юқори эканлиги маълум бўлди.

- Барқарорликни иқтисодий субъект фаолияти юзасидан, баҳолаш мезонлари ва тушунча мазмунинг етарлилиги асосида ифодаланди.

- тижорат банклари барқарорлик турлари исталган тижорат банклари учрайди ва уни банклар ўзаро бир-бирини боғлиқ ҳолда фаолиятида таҳлил этиб бориш натижасида, барқарорликнинг турлари ичида энг асосий, барқарорлик базаси бу молиявий барқарорлик эканлиги кўринади. Молиявий барқарорлик тижорат банклари фаолиятини бирламчи ва асосий тури эканлиги аниқланди.

⁵ Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг/ Джозеф Синки-мл.; Пер. с англ. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2007.- 40 стр.

Бозоров Р.Ҳ.
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ
НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

- С. Уразов банклар молиявий барқарорлигини турли хил салбий ташқи омилларнинг таъсири натижасида банклар тенглик ҳолатига, мустаҳкам позициясига қайтишида деб таъкидлайди.
- Г.Меликьян эса банклар молиявий барқарорлигига таъриф беришда икки жиҳатдан ёндашиш лозимлигини, уни микродаражада ва макродаражаларга ажратган ҳолда ўрганиш яхши натижалар беради деган хулосаларни шакллантирган.
- Ю.Г.Вешкин ва Г.Л.Авагянлар тижорат банклари молиявий барқарорлигини даромадларнинг харажатлардан ошган қисми сифатида қараш лозимлигини таъкидлашади.
- Шальпанов П.А. тижорат банклари молиявий барқарорлигини ички ва ташқи омилларга қарши турган ҳолда, банк ресурсларини трансформация қилиб ҳамда рискларни самарали бошқаришда ўз функцияларини амалга оширишида деб таъкидлашган.
- О.Н.Литун кўпукладли банк тизими самарали дея таъкидлайди ва кўпукладли банк тизимига турли мулкчилик шаклига эга банкларнинг мавжуд бўлиши, банклар ҳажмига ва фаолияти йўналишларига асосий эътиборни қаратади.
- О.А. Тарасенко ва Е.Г. Хоменколарнинг фикрича тижорат банклари молиявий барқарорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар тизимига: ликвидлилик, активлар сифати, капиталнинг ҳолати ва даромадлиликни киритишади.
- Халқаро амалиётда, Базель қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган банк назоратига оид меъёрий-услубий ишланмалардан, CAMELS рейтинг тизимидан ва халқаро рейтинг агентликлари (Стандарт энд Пурс, Мудис, Фитч Рейтингс) томонидан ишлаб чиқилган методологик ишланмалардан кенг кўламда фойдаланилмоқда.
- CAMELS рейтинг тизими АҚШ Федерал захира тизими, Депозитларни суғурталаш федерал корпорацияси ва Пул муомаласи назоратчиси томонидан ишлаб чиқилган тизим ҳисобланади. Мазкур тизим олти та элементдан иборат: капиталнинг етарлилиги, активларнинг сифати, менежментнинг самарадорлиги, даромадлилик, ликвидлилик, бозор рискларига таъсирчанлик.
- Moody's халқаро рейтинг агентлиги тижорат банкларининг барқарорлигини баҳолашда бир вақтнинг ўзида 5 туркумга мансуб бўлган кўрсаткичлардан фойдаланилмоқда: фойдалилик, ликвидлилик, капиталнинг етарлилиги, самарадорлик ва активларнинг сифати.
- Россия Марказий банки норматив ҳужжатларига назар соладиган бўлсак, уларда тижорат банкларини молиявий барқарорлигини баҳолашни назарда тутмайди, аксинча тавсиявий характерга эга иқтисодий меъёрлари асосида банклар фаолиятини тартибга солиб борар экан.
- Россия Федерацияси тижорат банклари молиявий барқарорлигини баҳолаш методикалари натижасида Марказий банк, "Эксперт РА", "РБК" рейтинг агентликлари маълумотлари деярли ўхшаш ва бир-бирини тўлдирувчи кўрсаткичлар асосида баҳолаши аниқланди.
- Халқаро Валюта Фонди (ХВФ) томонидан тавсия этиладиган индикаторлардан ҳам кенг фойдаланиши, улар молиявий барқарорлик кўрсаткичлари деб ном олган ҳамда бугунги кунда 49 давлат ушбу кўрсаткичларни асосий ва тавсия характерига эга бўлган кўрсаткичларини чоп этиб келадиганлиги аниқланди.
- Молиявий барқарорлик кўрсаткичлари ўз ичига 12 та асосий ва 27 та тавсия характерига эга бўлган кўрсаткичларни умумлаштиради. Асосий кўрсаткичлар ўз ичига: капитал етарлилилик кўрсаткичлари, активлар сифати, фойда ва рентабеллилик, ликвидлилик, бозор рискига сезгирлик даражасини олса, тавсия характерига эга бўлган кўрсаткичлар эса нафақат банклар, шунингдек, бошқа молия муассасалари корпоратив

Бозоров Р.Ҳ.
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ
НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

муассасалар, хонадон хўжалиги, бозор ликвидлиги кўчмас мулк бозорига мўлжаллангандир.

- Тижорат банклари молиявий барқарорлиги рейтингини аниқлашда ва баҳолашда уларнинг ялпи активлари ва ялпи депозитлари умумий суммасига эътибор қаратилган. Лекин бугунги кунда хорижий давлатлар амалиётида бозор капиталлашуви энг асосий мезон ҳисобланиши аниқланди.

- Базель-III стандартининг талабларини Европа Иттифоқи мамлакатларининг банк амалиётига жорий этилиши **CRD IV Package** деб номланадиган қонунчилик ҳужжатлари тўплами асосида амалга оширилмоқда. Ушбу тўпламга “Капиталнинг етарлилигига нисбатан талаблар тўғрисидаги Директива” ва “Капитал етарлилигининг регламенти” ҳам киради.

- тижорат банклари молиявий барқарорлигига таъсир этувчи ташқи ва ички омилларни ўрганиб чиқдик. Ташқи таъсир этувчи омилларга: макроиқтисодий омиллар, банк фаолиятига оид давлат сиёсати, талаб ва таклиф, тўлов қобилияти, пул бозорининг ривожланганлик даражаси, пул айланишининг ҳолати, рақобат муҳитининг ривожланганлиги, банк тизими ва ҳамкор тижорат банклари иқтисодий аҳволи, қонунчилик ва норматив ҳужжатлар таъминоти, ташқи банк инфратузилмаси ҳолати, банklar бўлган ишонч даражаси кирса, ички омилларга: стратегия ва ривожланиш устуворликларини белгилаш, банк фаолияти кўрсаткичларининг сон ва сифат жиҳатдан ошиб бориши, молиявий маблағларни жалб этиш қобилияти, рискларни қарши тура олиши, харажатларни тежаш, ички инфратузилма, маркетинг ва бошқариш сифати, банк замонавий технологиялари ва янги банк хизматларини жорий этишга эҳтиёж, банк ишини ташкил этиш каби омиллар киришини кўриб чиқдик.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

Вешкин Ю.Г., Авагян Г.Л., (2018). Экономический анализ деятельности коммерческого банка: Учебное пособие. М.: Магистр.

Литун О.Н. (2002) Стратегия банковской реструктуризации: Диссертация на соискание ученой степени доктора экономических наук, - СПб., с. 134-135

Меликьян Г.Г. Актуальные вопросы капитализации, устойчивости и конкурентоспособности российского банковского сектора. URL:<http://www.cbr.ru/publ/moneyandcredit/melikyan.pdf>. XVI-Международный банковский конгресс.

Овчинникова О.П., Бец А.Ю. (2006). Основные направления обеспечения динамической устойчивости банковской системы // Финансы и кредит. № 22

Саттаров О.Б. (2018). Ўзбекистон Республикаси банк тизими барқарорлигини таъминлаш методологиясини такомиллаштириш. Иқтис. фанлари доктори илмий дараж. олиш учун тайёрл. дисс. автор. Т.: -14 б.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги фармони. 2017 йил 7 февраль.

Уразов С.А. (2006). Устойчивость банковской системы: теоретические и методологические аспекты // Банковское дело. № 12.

Финансово-кредитный словарь/Под редакцией Дьяченко В.П.-М.: Финансы, 1964. – С. 315

**МОЛИЯВИЙ ИНЖИНИРИНГ КОНЦЕПЦИЯСИ АСОСИДА ИННОВАЦИОН БАНК
МАҲСУЛОТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ****Ш.Ш.Саипназаров***Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси таянч докторанти*

Аннотация: Ушбу мақолада бугунги кунда инновацион ғояларга, илмий тадқиқот ва ишланмаларга тармоқлар бўйича сарфланаётган харажатлар миқдори ва даромади таҳлиллари кўриб чиқилади. Бундан ташқари молиявий инжиниринг концепцияси асосида яратилаётган банк маҳсулотлари ва улардан республикамиз банк амалиётида қўллаш амалиёти таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: инновация, молиявий инжиниринг, банк, банк маҳсулоти, рақамли технология, инновацион ғоя.

Аннотация: В данной статье рассматривается анализ затрат и доходов отраслевых расходов на инновационные идеи, исследования и разработки сегодня. Кроме того, анализируются банковские продукты, основанные на концепции финансового инжиниринга и их применения в банковской практике страны.

Ключевые слова: инновации, финансовый инжиниринг, банковское дело, банковские продукты, цифровые технологии, инновационные идеи.

Annotation: This article considers the cost and revenue analysis of industry spending on innovation ideas, research and development today. In addition, the analysis of banking products based on the concept of financial engineering and their application in the banking practice of the country is analyzed.

Keywords: innovation, financial engineering, banking, banking products, digital technology, innovative ideas, research.

Кириш

Мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ўсишини таъминлаш учун уни таркибий қайта қуриш, ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш ва замонавий технологиялар билан таъминлаш зарур. Ушбу масалаларни ижобий ҳал қилишда тижорат банклари инвестиция институти сифатида муҳим роль ўйнайди, бу уларнинг молиявий ҳолати барқарор бўлишини тақоза этади. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Президенти шундай таъкидлаганлар: Иқтисодиётни ривожлантиришда пухта ва барқарор банк-молия тизими улкан аҳамиятга эга. Юртимизда фонд бозори, фонд биржасини янада ривожлантириш учун қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази ишини тубдан қайта ташкил этиш лозим.

Айни вақтда, тижорат банклари қимматли қоғозлар билан эмиссион фаолиятининг салмоғи юқори ўринда тутсада, лекин молия бозорининг бўғини фонд бозоридаги инвестицион жараёнлардаги иштироки деярли сезилмаяпти. Чунончи, тижорат банкларининг молиявий барқарорлигига оид талабларнинг ортиб бориши, улар ўртасида рақобатнинг кучайиши, хизмат тарифларининг пасайиши банк даромадларининг ўзгаришига сабаб бўлади.

Ушбу вазифаларни ечиш мақсадида банк тизимимизда турли тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Ушбу тадбирлар натижасида Ўзбекистон банклари барқарор

Ш.Ш.Саипназаров
МОЛИЯВИЙ ИНЖИНИРИНГ КОНЦЕПЦИЯСИ АСОСИДА ИННОВАЦИОН БАНК
МАҲСУЛОТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

ривожланиш тенденциясига эга ва капиталининг етарлилик даражаси халқаро стандартлар билан белгиланган меъёрдан 3 баробар кўп бўлишини таъминламоқда. Аммо юқоридаги ютуқлар билан бирга ҳамма томонидан қабул қилинган халқаро нормалар, стандартлар ва баҳолаш кўрсаткичларига мувофиқ банк фаолиятини ташкил этишнинг янада юқорироқ даражасига чиқишни таъминлаш учун бугунги глобализация жараёнларида банк фаолиятида молиявий инжинирингнинг маҳсулотларидан фойдаланиш ва уни қўллашда методологиясини такомиллаштириш жуда муҳим ҳисобланади.

Илғор хорижий мамлакатлар банк тизимида молиявий инжинирингнинг маҳсулотларидан кенг қўлланилиши улар хизмат сифатини оширишга ва хизматлар даражасини ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшмоқда. Шунинг учун халқаро банк тизимида яратилган ва қўлланилиб келаётган молиявий инжиниринг методологиясини такомиллаштириш орқали, уларнинг турли маҳсулотларидан амалиётда кенг фойдаланиш заруратини келтириб чиқармоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон банкларида юқоридаги операциялар ёки маҳсулотлар молиявий инновациялар сифатида босқичма-босқич жорий қилинишига қарамасдан, уларда банк-молия инжинирингининг жаҳон амалиёти имкониятларидан амалиётда етарлича фойдаланмаяпти. Бундай ҳолат эса тижорат банкларимизда банк-молия инжиниринги илмий-методологик асосларининг тўлиқ шакллантирилмаганлиги, натижада жаҳон банк инжиниринги методологиясини Ўзбекистон учун мақбул шарт-шароитларда қўллашни такомиллаштириш масаласи ўзининг самарали ечимига муҳтож эканлигидан далолат беради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Иқтисодий адабиётларда молия инжиниринги хусусида турли йўналишлар ва хилма-хил мунозарали илмий-назарий қарашлар мавжуд бўлиб, уларнинг асосийлари қуйидагилар.

Молиявий инжиниринг–бу янги молиявий маҳсулотлар ва хизматларни яратиш асосида, молиявий институтлар орқали макро ва макроиқтисодий ҳолатларни ўзгариши ва мижозларни молиявий талабларини ўрганиш орқали пул ресурслари, риск, ликвидли даромад ва ахборотларни қайта тақсимлашга тушунилади (Суетин А.А., 2007).

З.А. Воробьевнинг фикрича: ...молиявий инжиниринг – инвестор ва эмитентларнинг талаблари асосида янги турли шаклдаги облигация ва бошқа молиявий воситаларни яратиш жараёни бўлиб, уларнинг ликвидлиги ва даромадига таъсир қиладиган молиявий ва бошқа рискларнинг даражасини пасайтириш бўйича махсус стратегия ишлаб чиқишга тушунилади (Воробьев З.А., 2012).

Молиявий инжиниринг атамасини қўллаш дастлаб, 1997 йилда Нобель мукофоти лауреатлари М.Шоулз ва Ф.Блэклар ишларида ёритилди. Уларнинг фикрича: ...молиявий инжиниринг молиявий деривативлар орқали амалга оширилган. Уларнинг тадқиқотлари опцион бозорида молиявий инжинирингни қўллаш имкониятларига қаратилади (Black F., Sholes M., 1973).

Ривожланаётган давлатлар бозорида молиявий рискларнинг юқорилиги, инвестицияларга талабнинг юқорилиги ва молия бозоридаги муаммоларнинг мавжудлиги, молиявий инжинирингдан қимматли қоғозлар бозорини доим назорат унинг инвестиция салоҳиятини оширишни ва бозорда янги молиявий маҳсулотларни киритишни таъминлаш зарур бўлади (Cuthertson K., Nitzsche D., 2001). Молиявий инжиниринг – шундай муҳим молиявий восита-ки ундан компания қарзларини қоплашда, унинг капиталини оширишда ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришда қўллаш мумкин. Nigma Интернет сайтида молиявий инжинирингга, янги молиявий маҳсулотни яратишда мавжуд

Ш.Ш.Саипназаров
МОЛИЯВИЙ ИНЖИНИРИНГ КОНЦЕПЦИЯСИ АСОСИДА ИННОВАЦИОН БАНК
МАҲСУЛОТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

молиявий воситаларни бирлаштириш ва ажратиш деб таъриф берилди. Айрим олимлар, Боди, Кейн, Маркуслар молиявий инжинирингни 2 та муҳим тушунчага бўлишадилар:

- қимматли қоғозларни ўраш (bundling);
- қимматли қоғозларни очиш (unbundling);

Дж.Финнерти учун молия инжиниринги ўзига лойиҳалаштириш, инновацион молиявий восита ва жараёнларни ишлаб чиқиш ва амалиётга қўллашни бириктиради. Бундан ташқари йўналишидаги муаммоларни ҳал этишда янги ижодий ёндашув орқали амалга оширилади (Finnerty J.D., 1988).

Молиявий инжиниринг амалиётида жуда кўп соҳаларни қамраб олади. Жумладан, акционерлик компания молияси, савдо, қисқа ва узоқ муддатли пул оқимларини бошқаришни, рискларни бошқариш ва корпоратив молиянинг энг муҳим элементи, бу қимматли қоғозлар ва ҳосилавий (дериватив) инструментлари савдоси ҳисобланади. Ҳозирги кунда молиявий инжиниринг қисқа ва узоқ муддатли инвестицияларни бошқаришда муҳим роль уйнамоқда. Яна бир муҳим элементи молиявий рискларни бошқариш масалалари билан шуғулланмоқда. Шунинг учун кўп адабиётлар “молиявий инжиниринг” ва “молиявий риск” ўртасида фарқ йўқлигини, бу икки тушунча битта нарсани англатишини айтиб ўтадилар. Шунинг учун 80 йилларда “молиявий инжиниринг” асосида Лондон банклари томонидан рискларни бошқариш бўлимлари яратилди. Айнан, молиявий рискни бошқариш асосида янги “молиявий инжиниринг” тушунчаси юзага келди ва фан оламида “молиявий инжиниринг”ни аниқлашда турлича қарашлар шакллана бошлади. Айримлар молия соҳасида юзага келадиган муаммоларни жуда қийин математик тенгламалар, яъни квантлар (quant jocks) билан ечишни таклиф этишса, иккинчи тоифа олимлари юзага келган ҳолатдан ижобий фойдаланиш асосида уни даромад олишга интилиш деб ҳисоблайдилар.

Молиявий инжиниринг энг кўп қўлланишини савдо соҳаси стратегиясида, йирик молиявий операцияларни амалга ошираётган инвестицион институтлар ва тижорат банкларида кузатиш мумкин. Молиявий инжиниринг маҳсулотлари асосан йирик тижорат банклари ва инвестицион банкларда яратилишига қарамасдан, ушбу соҳа мутахассисларига корпорация томонидан ҳам уларга талаб ошиб бормоқда.

Маълумки ҳар бир кредит ташкилотининг менеджерлари тайёр алгоритмлар асосида ташкилотни актив ва пассивларини бошқаради. Бошқарув жараёнида ташкилотнинг фақат ички фаолиятинигина эмас балки, ташқи фаолиятини ҳам инобатга олиш зарур бўлади. Ҳозирги кунда кредит ташкилотлари молиявий сиёсатини юргизишда молия инжиниринг тўлиқ шакллантирилмаган. Илмий адабиётларда ҳам молия инжиниринги тушунчаси таърифида ғализлик ёки ноаниқликлар учрайди. Илмий адабиётларда ҳам деярли ўрганилмаган. Айрим олимларнинг ушбу тадқиқот бўйича ўз қарашлари мавжуд бўлиб, улардаги фикрларни қуйидагича шарҳлаш мумкин. В.А.Черновнинг фикрича, ... “молиявий инжиниринг” тушунчаси – бу рискларни комплекс бошқаришни ўргатади. Бу молия фанининг махсус бўлими бўлиб, унда рискларни бошқариш усуллари ўрганилади (Чернов В.А., 2003). Демак, В.Чернов молиявий махсус инструментлар орқали рискларни бошқариш усулини молия инжиниринги ўрганади деб ҳисоблайди. Худди шундай фикрни ёки қарашларни Б.М.Рапорто ва А.И.Субченко ишларида ҳам учратиш мумкин. Уларнинг фикрича “молиявий инжиниринг – бу молияни бошқариш ва молиявий рискларни минималлаштириш тизимини ишлаб чиқишдир” (Рапорто Б.М., Субченко А.И., 2001).

Дж. Финнерти ўз илмий тадқиқотларида “молиявий инжиниринг – ўзида лойиҳаларни, инновацион молиявий инструментларни ва жараёнларни ишлаб чиқиш ҳамда татбиқ этишни, молия йўналишидаги муаммоларни ечимини топишда янги ёндашувларни излаб топишини акс эттиради”-деб ёзади (Маршалл Дж.Ф. Бансал В.К,

Ш.Ш.Саипназаров
МОЛИЯВИЙ ИНЖИНИРИНГ КОНЦЕПЦИЯСИ АСОСИДА ИННОВАЦИОН БАНК
МАҲСУЛОТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

1998). Олимларнинг фикрини мухтасар қилганда, молия инжинирингида инновацион жараёнларни қўллаш, фақат рискларни бошқариш эмас, балки кредит ташкилотлари даромадини оширишга ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ҳам хизмат қилиши келтирилади. И.А. Бланк “Молиявий менеджмент” луғатида ...молиявий инжиниринг – бу янги молиявий инструментларни яратишга қаратилган мақсадли йуналиш жараёни ёки молиявий операцияларни янги схемаларини ишлаб чиқишга қаратилган... деб таъриф бериб ўтади (Бланк И.А. 1998). Ушбу таъриф орқали молия инжиниринги ҳар қандай янги молиявий инструментларни қўллашга имкон беради деган хулоса келиб чиқади. Молия инжиниринги ҳақидаги таърифларни ўрганиш орқали В.В. Бочаров томонидан берилган умумлашган қуйидаги таърифни, ҳозирги молиявий глобаллашув жараёнига мосроқ келади деб таъкидлаш мумкин.

“Молиявий инжиниринг ташкилотларда молиявий фаолиятни бошқариш ҳамда янги технологик молиявий моделлар ва инструментлар яратишига ихтисослашган жараёнدير” (Бочаров В.В., 2004).

Олиб борилган айрим тадқиқотларда молия инжиниринги, амалдаги молия инструментларининг бирлашиши ва ажралиши сифатида баҳоланади. Ғарб иқтисодчилари Боди, Кейн ва Маркуслар: молиявий инжинирингни 2 та тушунча орқали таърифлашган: қимматли қоғозларни ўраш (bundling) ва қимматли қоғозларни тақсимлаш (unbundling). Молиявий инжиниринг – инноваторлар талаби асосида олдиндан дастурлаштирилган қимматли қоғозлар яратиш ва ишлаб чиқиш жараёни ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси

Ўзбекистон банкларида молиявий инжиниринг операциялари ёки маҳсулотлари молиявий инновациялар сифатида босқичма-босқич жорий қилиниши асосида янги инновацион банк хизматларини қўллаш орқали фонд бозорида банклар иштирокини ривожлантириш.


Таҳлил ва натижалар

Бугунги кунда молиявий инжинирингнинг энг кўп маҳсулоти бу инновациялар ҳисобланади. Ҳар қандай соҳада янги инновацион ғояларни киритилиши унинг ривожланиши учун муҳим манба ҳисобланади. Ҳозирги кунда инновацион ғояларни яратиш учун сарфланадиган ҳаражатлар кўлами ортиб бормоқда. Жумладан, 2010 йилдан 2015 йилга ўзгариши 54% дан 59% гача ўзгарган. 2020 йилга бориб ушбу кўрсаткич 63% га чиқиши прогноз қилинмоқда¹.

Яратилган инновацион ғоялардан келиб тушган тушумлар миқдори 2016 йилга нисбатан 2017 йилга 2,5% га камайган бўлса, 2018 йилда ўсиш суръати 2017 йилга нисбатан 11,4% ни ташкил этган. 2018 йилда тақдим этилган инновацион ғоялардан келиб тушган тушум ошганини кузатиш мумкин.

¹ <https://www.pwc.com/ee/et/publications/pub/2018-Global-Innovation-1000-Fact-Pack.pdf>

Ш.Ш.Саипназаров
МОЛИЯВИЙ ИНЖИНИРИНГ КОНЦЕПЦИЯСИ АСОСИДА ИННОВАЦИОН БАНК
МАҲСУЛОТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ



1-расм. 1000 та глобал инновацион компанияларни янги ғоялардан олган даромади (тушуми) миқдори, трлн. АҚШ доллари²

Кетган харажатлари бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, 2017 йилга нисбатан 2018 йилда ўзгариш 11,4% ни ташкил этган. Бундан кўриш мумкинки 1000 та энг йирик компаниялар инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш мақсадида йилдан-йилга харажатларини ошириб бормоқда.




2-расм. 1000 та глобал инновацион компанияларни янги ғояларни яратишга сарфлаган харажатлари миқдори, млрд. АҚШ доллари³

² <https://www.strategyand.pwc.com/gx/en/innovation1000/2018-global-innovation-1000-fact-pack.pdf>

³ <https://www.strategyand.pwc.com/gx/en/innovation1000/2018-global-innovation-1000-fact-pack.pdf>

Ш.Ш.Саипназаров
МОЛИЯВИЙ ИНЖИНИРИНГ КОНЦЕПЦИЯСИ АСОСИДА ИННОВАЦИОН БАНК
МАҲСУЛОТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Агар қилинган харжатларни тармоқлар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, бунда энг кўп сарфланадиган харажат Consumer (истемолчилар) бўлиб, 2017 йилга нисбатан 26,3% га ошган. Кейинги ўринларда Software and Internet (дастур таъминоти ва интернет) – 20,6%, Industrials (ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотлари)-15,9% ни ташкил этган.



3-расм. Тармоқлар бўйича янги инновацион ғояларга сарфланган харажатларни 2017 йилга нисбатан 2018 йилга ўзгариши, фоизда⁴

Кетган харажатларни йиллар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, бугунги кунда соғлиқни сақлаш соҳасига сарфланаётган харажатлар миқдори прогноз кўрсаткичлари бўйича 2019-2020 йилларга бориб, мос арвишда 177, 178 млрд. АҚШ долларини ташкил этади.

1-жадвал.

Тармоқлар бўйича инновацион ғоя ва илмий тадқиқотларга сарфланаётган харажатлар миқдори, млрд. АҚШ доллари⁵

№	Тармоқлар	Йиллар						
		2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
1.	Соғлиқни сақлаш	115	119	120	140	155	177	178
2.	Компьютер ва электроника	142	148	163	162	174	175	176
3.	Дастур таъминоти ва интернет	37	75	75	86	121	141	151
4.	Автосаноат	105	109	105	109	125	130	136
5.	Ишлаб чиқариш корхона ва ташкилотлари	69	75	73	71	83	86	90


⁴ Муаллиф томонидан интернет маълумотлари асосида тайёрланди

⁵ <https://www.strategyand.pwc.com/gx/en/innovation1000/2018-global-innovation-1000-fact-pack.pdf>

Ш.Ш.Саипназаров
МОЛИЯВИЙ ИНЖИНИРИНГ КОНЦЕПЦИЯСИ АСОСИДА ИННОВАЦИОН БАНК
МАҲСУЛОТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Юқори ўсишни дастур таъминоти ва интернет тармоғида ҳам кузатиш мумкин. Экспертлар прогнозига кўра айнан ушбу тармоқда ҳам яратилаётган инновацион ғояларга кейинги йилларда жуда кўп маблағ сарфланмоқда.

Давлатлар бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, илмий ишланма ва тадқиқотларга сарфланадиган харажатлар бўйича энг йирик ўсиш Шимолий Америка давлатларига тўғри келади. 2017 йилга нисбатан 2018 йилга ўсиш 7,8% га ўсиб, 308 млрд. АҚШ долларидан 332 млрд. АҚШ долларига ошган.



4-расм. Регионлар бўйича илмий ишланма ва тадқиқотларга сарфланган харажатлар миқдори, млрд. АҚШ доллари⁶

Европа давлатларида ўсиш 2017 йилга нисбатан 2018 йилга 14%, Япония давлатида 9,3%, Хитой давлатида 34,4% ва бошқа давлатларда ўсиш 8,6% га тенг бўлган. Мақоламиз мавзусидан келиб чиқиб таҳлил қиладиган бўлсак, яратилаётган инновацион ғояларнинг банк соҳасидаги улуши 25% га ҳам етмайди. Шунинг учун бу соҳани ривожлантириш бўйича қилинаётган ишлар кўлами бўйича бошқа соҳаларга нисбатан кам ҳисобланади. Айнан яратилаётган тадқиқотларни банк тизимидаги соҳаси бу шубҳасиз дастурий таъминот ва интернет ташкил этади. 2018 йилда банк соҳасига яратилган энг янги ғоя ва маҳсулотларнинг 10 таси шу соҳа билан боғланган. Жумладан, Туркия давлатининг DenizBank 2018 йил якунига кўра “Энг янги маҳсулот ёки хизмат” бўйича “Тўлдирилган қишлоқ хўжалик банки” ғояси учун тақдирланган. Ушбу хизматнинг қулайлиги банк томонидан фермерларга барча қулайликлар яратиш орқали масофадан туриб барча операция ва хизматларни вақт йўқотмасдан рақамли мобель алоқалари орқали амалга ошириш имконини беради. Польша давлатининг Idea Bank томонидан тақдим этилган “Idea Hub Express” хизмати ёки маҳсулоти. Бу хизматни амалга ошириш учун банк ходимлари махсус вагонларни банкнинг барча ишлаш тизими билан безатадилар. Ушбу вагонга чиққанлар барчаси банкнинг инновацион ғояларига иштирок этиш орқали ўзларини фикрини бериб қолмасдан балки, бизнес учун шароит яратиш ёки очиш имкониятларига эга бўладилар. Бу ерда ҳам барча амалга ошириладиган лойиҳалар

⁶ Муаллиф томонидан интернет маълумотлари асосида тайёрланди.

Ш.Ш.Саипназаров
МОЛИЯВИЙ ИНЖИНИРИНГ КОНЦЕПЦИЯСИ АСОСИДА ИННОВАЦИОН БАНК
МАҲСУЛОТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

интернет, дастурий таъминот орқали банк операцияларига масофадан боғланиш орқали амалга оширилган.

Худди шундай хизматлардан Россия давлатининг энг йирик банки Сбербанк томонидан таклиф этилган “Советы” ва “Sberbank Online” келтириб ўтиш мумкин. Маслаҳатлар рақамли ёрдамчилар Siri томонидан, молиявий хизматлар Mint дастурий таъминотлар орқали етказилган. Бельгия давлатининг KBC Bank (Бельгия) банки томонидан таклиф этилган «My car», хизмати блокчейн технологияси орқали масофадан вақтдан унумли фойдаланиш орқали амалга ошириш таклиф этилган. Польша давлатининг mBank (Польша) банки томонидан «mPower Business Starter» хизмати таклиф этилиб, бунда давлат, банк ва бухгалтерлик хизматлари бирлаштирилиб, янги бизнес-мижозлар учун 10 кунда амалга ошириладиган ишларни 10 минутда амалга ошириш имкониятини яратади. Италия давлатининг Intesa Sanpaolo (Италия) банки томонидан Netflix компанияси билан ҳамкорликда ходимларни рақамли портал орқали ўқитиш тизими асосида малакасини ошириш ёки доимий равишда билимини ошириб бориш таклиф этилган. Буюк Британиянинг Barclaycard банки томонидан «Grab + Go» хизмати чунтак кассаси бўлиб, харидор сотиб оладиган маҳсулотини сканер қилиб сотувчига жунатади. Харидор маҳсулотни олиб магизиндан узун навбатда пул тулаш учун навбатга турмасдан чиқиб кетаверади.

Сингапур давлатининг DBS Bank (Сингапур) банки мини-серию DBS Sparks мижозларнинг ҳозирги тарихини кўрсатиб берувчи мини-сервис хизмати. Бунда ҳам маркетинг фаолияти рақамли маҳсулотлардан фойдаланиш орқали амалга оширилади.

Германия давлатининг N26 (Германия) банки томонидан тақдим этилган Challenger инновацион маҳсулоти. Испания давлатининг BBVA (Испания) API-платформа BBVA API Market маҳсулотлари. BBVA API Market маҳсулоти орқали банк мижозларига янги банк хизматларини кўрсатиш ва қўшимча қулайликлар яратишда муҳим ўрин эгаллайди. API-интерфейс хизмати тўловларни текшириш ва башқаришда ҳамда бошқа кўплаб қулайликлар яратишда муҳим рол уйнайди. Accenture Distribution and Marketing Services директори Пьер Карло Гера ҳозирги ўзгаришларни яратилаётган инновацион ғояларни банк соҳасида қўллаш бўйича ўз фикрини билдириб ўтади: “...банклар томонидан рақамли технологиялар асосида яратилаётган ёки тақдим этилаётган инновацияларнинг барчаси банк мижозларига қулайликлар яратишга – банкларга бозорда ўз улушига эга бўлишга-даромадини ошириш асосида мижозлар ишончини оқлашга ҳамда харажатларни камайтиришга хизмат қилади. Ҳозирги кунда рақобатнинг ошиб бориши рақамли технологиялар асосида бозорга кириб бориш, мижозлар ишончини оқлаш қийин кечмоқда. Шунинг учун инновация чегара билмас муҳим тушунчадир” деб таъкидлайди⁷.

Юқоридаги таҳлиллардан хулоса қилиш мумкинки молиявий инжиниринг маҳсулотлари асосида банк тизимини рвиожлантириш муҳим омиллардан саналади. Республикамиз банк тизимимизда ҳам кейинги йилларда шундай маҳсулотлардан фойдаланиш тизими кенг қўлланила бошлади. Жумладан, республикамиз йирик банкларидан бири “Ўзсаноатқурилишбанк” да қўлланилаётган янги технологиялар билан танишиб чиқамиз. Банкда корпоратив сайт ва «UzPSB Mobile» иловаси тўлиқ қайта ишлаб чиқилди. Жисмоний шахслар учун янги он-лайн конверсия, микроқарз каби хизматлари жорий қилинди. ИАБТ дастурий мажмуида мижозларга ҳисобварақларни узлуксиз бошқариш имконини берувчи «24/7» иш тартиби жорий қилиниши асосий янгиликлардан бири бўлди. Мазкур жиҳат Банкнинг ва ўз навбатида мижозларнинг кучли рақобатбардош устунлиги бўлиб хизмат қилади. “Банк мижоз”, “SMS-банкнинг” ва

⁷ <https://thefinancialbrand.com/68377/best-innovations-retail-banking-digital-trends/2/>

Ш.Ш.Саипназаров
МОЛИЯВИЙ ИНЖИНИРИНГ КОНЦЕПЦИЯСИ АСОСИДА ИННОВАЦИОН БАНК
МАҲСУЛОТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

“Интернет-банкнинг” хизматларидан фойдаланувчилар сони ортиб бормоқда. 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига юридик шахслар учун “Интернетбанкнинг” дастурий мажмуасининг web-шаклидан фойдаланувчилар сони 7741 тани, mobile-шаклидан фойдаланувчилар сони 3735 тани ташкил қилди. “Мобил банкнинг” дастуридан 55 626 та, “Интернет банкнинг” тизимидан 66 924 та жисмоний шахслар фойдаланмоқда. “SMS-банкнинг” хизматларидан 6766 та юридик ва 83 179 та жисмоний шахслар фойдаланмоқда, масофадан бошқариш тизимидан фойдаланувчиларнинг умумий сони 223 971 тани ташкил қилди. Банк томонидан хизматлар сифатига бўлган талабнинг тобора ўсиб бораётганлигидан келиб чиқиб, мижозларга чакана хизматларнинг тезкор ва сифатли тақдим этилишини таъминловчи замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларни қўллаган ҳолда пластик карталарни чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш бўйича ўз IT-инфратузилмасини модернизация қилиш бошланган⁸.

Худди шундай ҳолатларни бошқа банкларда ҳам кузатиш мумкин. Умуман олганда ҳали республикамиз тижорат банкларида янги инновацион банк маҳсулотларини қўллаш, ёки ишлаб чиқариш бўйича етарлича ишлар амалга оширилгани йўқ. Шунинг учун биринчи навбатда жаҳонда яратилаётган янги банк маҳсулотларини қўллаш бўйича аниқ стратегияларни ишлаб чиқиш. Иккинчидан эса, ҳар бир банк рақобат бозорида устунлигини таъминлаш учун янги банк маҳсулотларини яратиш бўйича концепция ишлаб чиқиш. Учинчидан, банклар томонидан “янги ғоя - янги маҳсулот – янги хизмат” тизимини кенг жорий этиш.

Хулоса ва таклифлар

Олиб борилган таҳлиллар асосида республикамиз банк тизимида молиявий инжиниринг концепцияси асосида янги инновацион банк маҳсулотларини кенг жорий этиш бўйича қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

- жаҳонда яратилаётган янги банк маҳсулотларини қўллаш бўйича аниқ стратегияларни ишлаб чиқиш;
- ҳар бир банк рақобат бозорида устунлигини таъминлаш учун янги банк маҳсулотларини яратиш бўйича концепция ишлаб чиқиш;
- банклар томонидан “янги ғоя - янги маҳсулот – янги хизмат” тизимини кенг жорий этиш;
- банклар фаолиятида яратилган қуйидаги янги инновацион банк маҳсулотларини жорий этиш мақсадга мувофиқ: “Тўлдирилган қишлоқ хўжалик банки”, «My car» хизмати блокчейн технологиясини, «Grab + Go» хизмати чўнтак кассаси хизматини.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Black F., Sholes M. (1973). The pricing of options and corporate liabilities / the journal of political economy. –V81, №3. –p 637-654.

Cuthertson K., Nitzsche D. (2001). Financial Engineering. Derivatives and Risk management. – N.Y. John Wiley Sons, -P 40-45.

Finnerty J.D. (1988). Financial engineering in corporate finance: An overview, financial management. p 14-33, winter.

Бланк И.А. Словарь справочник финансового менеджера. –Киев. Ника-центр; Эльга, 1998. -549 с. 359 с.

Бочаров В.В. Финансовый инжиниринг. – СПб.: Питер, 2004. - 400с. с.9

⁸ <https://uzpsb.uz/uz/for-investors/moliyaviy-hisobotlar/>

Ш.Ш.Саипназаров
МОЛИЯВИЙ ИНЖИНИРИНГ КОНЦЕПЦИЯСИ АСОСИДА ИННОВАЦИОН БАНК
МАҲСУЛОТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Воробьев З.А. Финансовый инжиниринг на рынке корпоративных облигаций. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Финансовая академия при Правительстве РФ.

Маршалл Дж.Ф. Бансал В.К. (1998). Финансовая инженерия. Полное руководство по финансовым нововведениям. Пер. с англ. –М.:Инфра-М , -784 с. стр 33.

Менеджмент и финансы от А до Я. Экономический словарь.

Рапорто Б.М., Субченко А.И. (2001). Инжиниринг и моделирование бизнеса. – М.: Тандем,. 347 стр.

Суетин А.А. (2007). Рынок производных финансовых инструментов // Бизнес и банки. – №7, с 45-49.

Чернов В.А. (2003). Финансовая политика предприятия: учебное пособие для ВУЗов (под ред. Проф. М.И.Баканова. –М.: Юнити-дана, 247 стр. С 231.

**ҚАРЗ МАЖБУРИЯТИНИ БЕЛГИЛОВЧИ МОЛИЯВИЙ ИНСТРУМЕНТЛАР РИСКНИ
БАҲОЛАШНИНГ CREDITMETRICS МЕТОДОЛОГИЯСИ****Зокиржонов Муҳаммадсодиқ Равшанбек ўғли**Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси таянч докторанти
e-mail: mukhammadsoadiq.zokirjonov@mail.ru

Аннотация: Мақолада J.P.Morgan томонидан ишлаб чиқилган расмий техник хужжат бўйича кредит рискларини баҳолаш учун қўлланиладиган CreditMetrics методологияси кўриб чиқилган. Ушбу методология бўйича кредит рискни ҳисоблаш йўл харитаси, шунингдек битта актив учун кредит рискни баҳолашнинг босқичма-босқич механизми келтирилган.

Аннотация: В статье рассматривается методология CreditMetrics, используемая для оценки кредитного риска в соответствии с официальным техническим документом, разработанным J.P.Morgan. В соответствии с данной методологией приведены дорожная карта для оценки кредитного риска, а также пошаговый механизм оценки кредитного риска для одного актива.

Annotation: In the article the CreditMetrics methodology used for credit risk assessment according to the official technical document developed by JP Morgan is discussed. In accordance with this methodology, a roadmap for calculating credit risk is presented, as well as a step-by-step mechanism for assessing credit risk for a single asset.

Калит сўзлар: CreditMetrics, кредит рейтинги миграцияси, йўқотишлар даражаси, дефолт, дисконт ставкаси, ўртакватратик четланиш.

Ключевые слова: CreditMetrics, миграция кредитного рейтинга, уровень потерь, дефолт, дисконтная ставка, дисперсия, среднеквадратичное отклонение.

Keywords: CreditMetrics, credit rating migration, loss rate, default, discount rate, variance, standard deviation.

Кириш

Ўзбекистон жаҳон иқтисодиётига жадал кириб бориш жараёнида амалдаги халқаро норма ва стандартларга монанд миллий иқтисодиётнинг тубдан ислоҳ қилиш ва иқтисодиётнинг либераллаштириш амалга оширилмоқда. Мазкур жараён иқтисодиёт субъектларининг ўзаро молиявий муносабатларини мураккаблашишига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, ўтиш иқтисодиётига хос бўлган мамлакатимизнинг молия тизими банк моделига асослангани сабабли даврнинг янги муаммо ва чақирувлари кўпроқ банк тизимида ўз аксини топмоқда.

Ҳозирги кунда банк соҳасидаги асосий муаммолардан бири – бу тижорат банкларининг актив операциясидан вужудга келадиган кредит rischi ҳисобланади. Албатта ҳар бир банк ўзининг риск менежмент тизимига эга ва улар рискларни, хусусан кредит рискларини баҳолаш ва бошқариш бўйича маълум усуллар ва моделлардан фойдаланиб келишади. Аммо ислохотлар жараёни ва иқтисодиётнинг эркинлашишидан келиб чиқаётган замонавий молиявий муаммоларни инобатга олган ҳолда тижорат банклари замонавий давр талабларига жавоб берадиган кредит рискни баҳолаш моделларидан фойдаланиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки мамлакатимиз банк

Зокиржонов М.Р.
ҚАРЗ МАЖБУРИЯТИНИ БЕЛГИЛОВЧИ МОЛИЯВИЙ ИНСТРУМЕНТЛАР РИСКНИИ
БАҲОЛАШНИНГ CREDITMETRICS МЕТОДОЛОГИЯСИ

тизимини асоси саналган тижорат банкларнинг самарали ташкил этилиши миллий иқтисодийетимизнинг барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Албатта кредит рискинни қатъий андеррайтинг стандартларини жорий этиш, мажбурий чекловлар ўрнатиш ҳамда контрагентни муайян тарзда мониторинг қилиб бориш каби ананавий усуллар билан бошқариш мумкин. Бироқ риск-менежмент тизими бозор рискинни, кредит рейтингдаги ўзгаришлар рискинни ва кредитор дефолт рисklarини ўзида қамраб оладиган баҳолаш механизми, яъни VaR¹ услубиёти орқали умумий кредит рискинни интеграция қилишга ва миқдорий баҳолашга интиломоқда.

Шу билан бирга кредит рискинни баҳолашнинг миқдорий ёндашувини танлашга қуйидаги қатор амалий сабаблари ҳам мавжуд:

- молиявий маҳсулотларнинг янада мураккаблашиши. Масалан деривативлар муомаласи фаоллашиши ноаниқ ва динамик контрагент рискинни вужудга келтиради. Бу облигация ва кредитлар каби ананавий инструментларнинг статик рискинни бошқаришга нисбатан анчайин мураккаб ҳисобланади. Шунингдек, бу инструментларнинг воситачилари ва пировард фойдаланувчилари вужудга келадиган бундай контрагент рисklarини аниқлашлари, шу билан бирга кредит ҳамда у билан боғлиқ бозор рисklarини ҳам тушуниб боришлари талаб этилади;

- кредитлаш жараёнини такомиллаштириш механизмларининг янада кенгайиши. Масалан учинчи томонларнинг кафолати, кафиллик амалиёти, таъминот базаси, маржинал (чекли ёки қўшимча) келишувлар ва неттинглар кредит рискинни ҳам алоҳида актив учун ҳам портфель учун баҳолашни тақозо қилади;

- иккиламчи пул бозорларнинг ликвидлилигини ошиши ва кредит деривативларини пайдо бўлиши рационал баҳолашга асосланган кредит рисklarини фаол бошқаришга имкон яратди. Тегишли зарур текширув (экспертиза)лар стандартлари (due diligence standards) талабларига кўра манфаатдор ва ваколатли институтлар хеджерлаш ёки олди-сотти амалиётидан олдин мавжуд рисklarни синчиковлик билан ўрганиб чиқишлари керак бўлади;

- янги инновацион кредит инструментлари корреляцион ҳисоб-китоблари орқали ёки кўтарилиш, пасайиш ва дефолт каби кредит ҳодисалари орқали ўз қийматини шакллантиради. Буни тушуниш учун кредит сифат миграциясини ўзида акс эттирадиган портфель модели керак бўлади.

